

1 ОКТЯБРДАН

нималар ўзгаради?

7



БЮРОКРАТИЯ

ишни ҳам,
тараққиётни ҳам
орқага тортади

10



@mahalladoshuz



@mahalladosh_uz




www.mahalladosh.uz

№33

(1963) 2020 йил
1 – 8 октябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

ТУЯҚУШ БИЗНЕСИ

ўзини қай даражада
оқлайди?

18

Бир туманда

**31 НАФАР МАҲАЛЛА
РАИСИ**

нега бирдан
вазифасидан озод
этилди?

19

ЖАРИМА

МАЙДОНИДАГИ

26 мингта машина
тақдири нима бўлади?

20

ТЕСТ

ЖАВОБЛАРИ

сотилганмиди?

23

Нега

КОМИССИЯ

ҚАРОРЛАРИНИНГ

бири иккинчисини рад
этмоқда?

24

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:

**«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МАКТАБ ОСТОНАСИДАН
БОШЛАНАДИ»**

1-5.



**1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ
ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ**

**МАҲАЛЛАНИ «МАНАЛЛА»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

2021

ОБУНА
ИНДЕКСИ: 148

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асосларимиз бор. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Бу фикрларга бир мисол келтирмоқчиман.

Биласизлар, Қорақўл туманида ҳаммамизга маълум бир мактаб бор. Бу мактабни машҳур қилган фидойи муаллим Тўхтамурод Жумаев номини ҳам барчамиз яхши биламиз. Бу ажойиб педагог ўзининг тинимсиз изланиши, янги таълим методикаси билан оддий бир қишлоқ мактабни республика даражасидаги машҳур таълим даргоҳига айлантирди. Ҳолбуки, ушбу мактаб Бухоронинг олис чўл туманида жойлашган бўлиб, замонавий шароитга, қўлай имкониятларга ҳам эга эмас эди.

Бугун ушбу мактаб битирувчиларининг 95 фоиздан ортиги олий ўқув юртрага ўқишга қирапти. Халқаро олимпиадалардан энг кўп медаль олиб келаётганлар ҳам айнан шу мактабнинг ўқувчилари ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, ҳатто пойтахт Тошкентдан ҳам одамлар ўз фарзандини Қорақўлга олиб бориб, ана шу мактабга ўқишга беришди.

Биз бу таълим маскани эришадиган катта ютуқларни инобатга олиб, ўтган йили уни Халқаро математика мактабига айлантирдик.

Тўхтамурод домла ҳам, жадид боболаримиз каби, тинимсиз ва фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирги даврнинг янги усул мактабни яратишга эришди.

Мана, бугунги кунимизнинг ҳақиқий маърифатпарвари, давримизнинг Авлонийси, Бехбудий домласи, Мунавварқориси!

Бундай улкан натижага эришиш учун албатта ўзига хос ўқитиш тизими бўлиши керак. Айни вақтда бундай ютуқлар замирида инсоннинг ўз касбига, Ватанига меҳри ва садоқати, юксак масъулият тўғриси муҳассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу мактабда Тўхтамурод ака бошчилигида ҳар бир ўқитувчи шогирдларини ўз боласидай қўрган, бу ерда чинакам ижодий мусобақа муҳити шаклланди ва бу ишлар бугун ўзининг муносиб натижасини бермоқда.

Мохир педагог Тўхтамурод Жумаев таълим-тарбия соҳасида эришган улкан ютуқлари ва ибратли фаолияти учун Президент Фармонида асосан давлатимизнинг юксак мукофоти – «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Тўхтамурод акани ва мукофотга сазовор бўлган барча ўқитувчи ва мураббийларимизни ўз номидан, халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари, шу ўринда савол туғилади: Қорақўл мактаби биз учун замонавий мактабнинг ҳақиқий андозаси эмасми? Нима учун Халқ таълими вазирлиги унинг ноёб тажрибасини етарлича оммалаштирмапти? Нима учун бошқа мактаб директорлари бу таълим даргоҳидан ибрат олмапти? Халқ таълими вазири Ш.Шерматов нега уч йилдан буён бу жиддий масалага етарлича эътибор бермапти?

Афсуски, ҳаммамиз «Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ» деб, бепарво бўлиб юрибмиз.

Нима учун бошқа вилоятларда, дейлик, Андижонда, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ёки Қаршида, Жиззах ва Сирдарёда бундай мактаблар йўқ?

Ваҳоланки, бугунги кунда бизга мана шундай юзлаб мактаблар, ўз касбининг чинакам устаси ва фидойиси бўлган минглаб мураббийлар сув билан ҳаводай зарур.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир туманда камида биттадан мана шундай мактаб яратиш чораларини кўриши зарур.

Президентнинг ҳар бир ҳудуддаги вакиллари, ҳар бир вилоят ва туманининг етакчилари – бу ҳокимлар. Маъмур академиясининг бешиги, Муҳаммад Хоразмий юрти бўлган Хоразм, Мирзо Улughбек камолга етган Самарқанд, дунёга Бобур Мирзони берган Андижон, Аҳмад Фарғоний ватани бўлган Фарғона вилоятларининг ҳокимлари бугун бу оқсоқлик ва бепарволик тўғрисида нима дейдилар?

Ўзингиз раҳбарлик қилаётган вилоятларда мана шундай намунали мактаблар ташкил этиш учун сизларга олти ой муҳлат берамиз.

Албатта, янги мактабларни қуриш, чиройли қилиб жиҳозлаш, безаш мумкин, лекин уларни замонавий маъно-мазмун, илм-маърифат, тарбия билан тўлдириш қўлимиздан келадими?

Бу долзарб масала устида ҳокимлар билан Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирликлар ва идоралар раҳбарлари биргаликда жиддий ишлашлари талаб этилади.

Азиз дўстлар! Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз.

Биз мактабга таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлгуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иҷодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз.

Мен ишонаман – хурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устунни бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимизда энг мустаҳкам устун бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Барчангиз хабардорсиз, бугун юртимизда бир-бири билан чамбарчас боғланган муҳим соҳаларни, яъни мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича бекиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин сир эмас, мактабгача таълим соҳаси бу борадаги ислохотлардан яқин вақтгача четда қолиб келди.

Аслида, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисоб-

ланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айнан мактабгача таълим соҳасига бўлган эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади. Шуларни назарда тутиб, биз юртимизда илк бор Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

Бугун йирик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда янги-янги замонавий боғчалар барпо этилмоқда. Қисқа вақт, яъни тўрт йил ичида республикаимизда боғчалар сони 3 баробар ошиб (5 минг 200 тадан 14 минг 200 гага), болаларни камраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизга етгани ана шундай амалий ҳаракатларимиз натижасидир.

Соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши туфайли 223 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 7 минг 400 та хусусий боғча ташкил қилинди. Бу мақсадлар учун 1 триллион 850 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилиб, 20 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Кўриниб турибдики, дастлабки натижалар ёмон эмас. Бирок ҳали бу борада қиладиган ишларимиз анчагина.

Соҳага давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириб, нодавлат секторнинг улушини 75 фоизга етказиш, мактабгача таълим катровини эса 80 фоиздан ошириш зарур.

Болалар боғчалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими давр талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, мактабгача таълимда замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мактабгача таълим соҳасидаги ушбу муҳим вазифалар ижроси юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Мухтарам дўстлар!

Халқимиз ҳамisha устозларни эъзозлаб, уларнинг хурмат-иззатини жойига қўйиб келган. «Устоз ота каби улуг» деган ҳикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзларни қоғозда эмас, амалда қарор топтирадиган, ўқитувчи-муаллимнинг кадр-қимматини жойига қўядиган пайт келди.

Мен бу гапларни нима учун айтаётганимни ҳаммангиз яхши тушуниб турибсиз, албатта.

Яшириб нима қилдик, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айлланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдириш олди. Янаям очикроқ айтсак, муаллимларнинг «хўжайини» кўпайиб кетди. Бундай ноҳўя ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбини ноилж ташлаб кетганини ҳам биламиз.

Мана, яқин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, тўрт ойлаб пахта йиғим-терими, чопиқ ва яғанага чиқарилгани сир эмас. Натижада ўқитувчи бир ойда ўртача 80 соат дарс ўтиши керак бўлса, тўрт ойда 320 соат йўқотадиган вазият вужудга келди. Ўз навбатида, ўқувчи бир ойда 136 соат сабоқ оладиган бўлса, тўрт ойда 544 соат дарсни бой беришга мажбур бўлди.

Агар бу рақамларни ўн бир йилга кўпайтирсак, биласизми, қанча бўлади? Бу, ахир, юқори синф ўқувчилари учун белгиланган 8,5 минг соатлик ўқув дастурининг қарийб 3 минг соати – 30 фоизи далада мажбурий меҳнатга ўтди, дегани эмасми? Бошқача айтганда, бола 11 йил ўрнига атиги 7 йил ўқишга мажбур бўлди.

Яратганга шукрки, бундай салбий ҳолатлар энди тарихда қолди. Ҳамма соҳани ўз эгасига, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам фермер ва кластерларга топшираётганимиз туфайли бунга эришмоқдамиз.

Кейинги тўрт йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир ярим баробар кўпайтирилди. Давлат мукофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ошиб борапти. Ўқитувчи тайёрлайдиган ҳисоботлар, қоғозбозликлар сони кескин камайтирилди.

Ўзингиз ўйланг, тўрт йил олдин бундай ўзгаришларни тасаввур қилиб бўлармиди?

Жамиятда устоз ва мураббийларга қаратилган эътибор туфайли қарийб 15 минг нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, ҳали бу борада кўзланган натижага эришганимиз йўқ. Ҳозирги кунда ҳам халқ таълимидаги педагогларнинг қарийб 70 фоизини аёл ўқитувчилар ташкил этмоқда.

Албатта, ҳаммамиз мактаб даврини эслаганимизда, кўз олдимизга аввало, талабдан ва меҳрибон синф раҳбаримиз келади. Нима учун? Чунки, мактабдаги ҳар бир қадамимиз мана шу азиз ва олижаноб инсонларнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигида бўлган. Ҳаётга илк йўллангани ҳам бизга мана шу устозларимиз берган.

Шу сабабли биз синф раҳбарларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб рағбатлантириш чорасини кўряпмиз. Хусусан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб 242 минг нафар синф раҳбари учун қўшимча тўлов миқдори бир ярим баробар оширилади. Мазкур мақсадлар учун йиллик 400 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ йўналтирилади.

Ўрни келганда айтмоқчиманки, мен бугун имзолаган Фармон билан биринчи марта 14 нафар синф раҳбари давлатимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди.

Ўқитувчиларнинг доимий ва узлуксиз психологик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги қошидаги ҳудудий малака ошириш институтларида синф раҳбарларини тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш керак.

Бугунги кунда жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг қадди, шаъни ва гурури тикланаётгани барчамизни қувонтиради.

Айни вақтда бу ўта муҳим масала энг долзарб вазифамиз эканини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш бутун жамиятимизнинг бурчига айланишини истардим.

Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чикса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, қўллаб-қўйишни муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини ўйлаб, ўқитувчи ва муаллимларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгилашни тақлиф қиламан. Ушбу қонунда ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқитувчилар ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш чоралари қафолатганини керак. Жумладан, мактаб директори, унинг ўринбосари, синф раҳбари, ўқитувчининг мақоми аниқ белгилашни лозим.

Ўқитувчиларга устамалар тўлаш, уларни рағбатлантириш мезонлари ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқиши зарур. Амалда бу масала ўта мураккаблиги ва ортиқча қоғозбозлик талаб қилиши ҳам ҳақиқат. Бунда аксарият эскирган қонуноти ҳужжатлари қайта кўриб чиқиши, беқор қилинса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишини, уларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини қатъий белгилаш лозим.

Қонунда, шунингдек, мактаб директори қўйиладиган талаблар, унинг асосий вазифалари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда ҳисобот бериш тартибинини белгилаш зарур.

Мактаб директори лавозимини танлов асосида, мактабни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича энг яхши дастурга эга номзод эгаллаши керак. Энди мактаб директори йил якуни бўйича дастур ижроси ҳақида маҳаллий кенгашда ҳисобот беради ва унинг фаолиятига халқ вакиллари томонидан очик-ойдин баҳо бериб борилади. Мактаб директорига интизомий жазо бериш ва уни лавозимидан озод этиш масалалари ҳам маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Парламентимиз аъзоларидан маҳаллий кенгашларнинг мактаблар билан ишлаш тизимини алоҳида назоратга олиб, ушбу жараёнларга яқиндан қўмақ беришларини сўрайман. Олий Мажлис палаталари (Т.Норбоева, Н.Исмоилов) икки ой муддатда умумтаълим мактаблари билан ишлашни янада кучайтириш бўйича тегишли чоратадбирларни ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Бошланиши 2-, 3-саҳифаларда)

Келгуси икки йил давомида мактабларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш харажатларини 2 баробар ошириш, уларни замонавий жиҳозлар ва кўргазма қуроолари билан тўлик таъминлаш лозим.

Афсуски, бугунги кунда туман ва шаҳар халқ таълими мудирларининг тизимдаги ўрни сезилмаяпти. Уларнинг фаолияти асосан хўжалик ишларини назорат қилиш ва тегишли жазо чоралари қўлдан олиб боради, таълим сифати билан шугулланиш иккинчи даражали масалага айланиб қолган. Мазкур раҳбарларнинг тизимдаги ролини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг мақомини оширишни давнинг ўзи талаб қилмоқда. Бундан буён туман халқ таълими бўлими мудирлари ҳокимнинг маориф бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради ва бевосита ҳокимлик биносида ўтиради. Шунга мос равишда уларга зарур ваколатлар берилди.

Бундан ташқари, таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида туман ва шаҳарларда алоҳида жамғарма ташкил этсақ, нима дейсизлар?

Жамғарма маблағлари илгор ва намунали мактаб раҳбарлари ҳамда халқ таълими бўлиmlари методистларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Кўчқоров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) бир ой муддатда ушбу жамғармани ташкил этиш ва унинг молиявий манбаларини шакллантириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрласин.

Кадрли дўстлар!

Кейинги вақтда мамлакатимизда мактаб таълими умумийлик харақатга айланиб, соҳа ривожидан янги давр бошланганидан хабардор эсимиз. Ана шу харақатнинг амалий ифодаси сифатида сўнгги икки йилда 556 миллиард сўм маблағ хисобидан 77 та янги мактаб қурилди. 1 минг 930 та мактабда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Айни пайтгача мавжуд бўлган қилшоқ мактабларидаги «Кўлбола печка»лар ҳам тўлик алмаштирилмоқда. Юзлаб мактабларда электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти, иситиш тизими яхшиланди, ошхона, спорт заллари ва бошқа зарур бинолар барпо этилди. 6 мингта яқин мактаб юқори тезликдаги Интернетга уланди.

Шу билан бирга, хусусий таълим тизимига кенг йўл очилмоқда. Бу борада лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Ўтган уч йил давомида уларнинг сонини 6 марта ошириб, 140 тага етгани диққатга сазовордир.

Мутлақо янги мазмун ва шаклга эга бўлган Президент мактаблари ҳамда ижод мактаблари бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда.

Математика ҳамда кимё-биология фанларини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилдик. Уларга асосан ҳар бир туман ва шаҳарда ана шу фанларга ихтисослашган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади. Шу йилнинг ўзида математика йўналишида 56 та, кимё-биология йўналишида 27 та мактаб ташкил этилгани бу ишларнинг бошланишидир.

Математика, кимё, биология, ахборот тизимлари ва информатика фанлари бўйича сертификация ти-

зимини жорий этишни бошладик. Ўрта таълим тизимда иқтидорли ўқувчилар ва ўқитувчилар билимини баҳолаш тизимини кенгайтириш мақсадида бошқа асосий фанлар бўйича ҳам сертификация тизимини жорий этиш зарур.

Хабарингиз бор, пойтахтимизда Муҳаммад Хоразмий номида ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослашган янги мактаб очдик. Айни пайтда фарзандларимизнинг «ай-ти» технологияларга кизиқишини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун шароит яратиш мақсадида жорий йилда – 14 та, келгуси йилда – 82 та, 2022 йилда – 64 та, 2023 йилда – 45 та ахборот технологиясига ихтисослашган мактаблар ташкил этилади ва барча туман ва шаҳарлар камраб олинади.

Ўқитувчилар ишини энгиллаштириш ва уларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш учун келгуси йилда таълимни рақамлаштириш ишларини якунлаб, «Онлайн мактаб», «Рақамли ва хавфсиз мактаб», «Электрон дарслик», «Электрон кундалик» каби тизимлар жорий этилади. 2020 йил охиригача мактабларни кенг полосали Интернет тармоғига улаш даражаси 70 фоизга етказилади. Келгусида барча мактаблар 100 фоиз Интернет билан таъминланади ва бунинг учун Давлат бюджети маблағлари йўналтирилади.

Биз халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш тизимини йўлга қўйдик. Илгари олимпиадада олтин ёки кумуш медалга олга, совриндор ўқувчига ҳам, уни тайёрлаган ўқитувчига ҳам нари борса битта фахрий ёрлик бериларди. Ҳозир улар миллионлаб пул мукофоти билан тақдирланмоқда.

Бу рағбатлантириш тизими амалда ижобий натижа бера бошлаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Пандемия шароитига қарамадан, ўқувчи ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаётгани барчамизни қувонтиради. Хусусан, бу йил 28 нафар иқтидорли ўғил-қизимиз ана шундай олимпиадаларда 2 та олтин, 8 та кумуш, 15 та бронза медалга ҳамда 3 та дипломни қўлга киритгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Ушбу йўналишдаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида, Халқ таълими вазирлиги қошидаги Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти фаолиятини кучайтириш, вазирнинг биринчи ўринбосарини бу масала бўйича бевосита масъул этиб белгилаш лозим.

Биз кейинги пайтда таълим соҳасида мутлақо янги тизим яратиш мақсадида ташкил этишни бошлаган Президент ва ижод мактаблари зиммасига барча умумтаълим мактаблари учун ўрнак ва андоза бўлиш вази фақи юклатилган. Афсуски, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг (С.Бобоқўжаев) бу борадаги жонбозлиги ва ташаббускорлиги хали-хануз сезилмаяпти.

Айни вақтда, кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун, мактабнинг ҳам масъулиятини оширадиган вақт келди. Бу – давр талаби. «Қарс

икки қўлдан чиқади», дейди халқимиз.

Бугун шиддат билан ривожланаётган замон ҳар биримиздан доимо изланиб, ташаббус кўрсатиб, янги ишлашни талаб этмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, нега канчадан-канча мактабларда битирувчиларнинг 10 фоизи ҳам олийгоҳларга қира олмаяпти? Ота-оналар репетитор ёллаб, пул тўлаб болаларини ўқишга тайёрлашга мажбур бўляпти.

Савол туғилади: нима учун аксарият мактабларимиз 11 йил ўқитган ўқувчилар олийгоҳга қира олмаяпти-ю, репетитор 2 йилда бунга эришяпти?

Бу саволлар ҳар бир мактаб ўқитувчиси, жамоаси ва директорини, ҳар қайси виждонли педагогни ўйлантириши зарур, деб ўйлайман.

Энди мактаб жамоатчиликл олдида хисобот берадиган бўлади. Мактабни битирган ўқувчи олийгоҳга кириши керак ёки мактаб давридаёқ бирор-бир касб-хунарга эга бўлиши шарт. Айнан шу мезон асосида мактаб жамоаси ва директори фаолиятига баҳо берилди.

Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ доҳласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараши эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илгор вакиллари бўлишлари керак.

Бундай устозлар қўлида таълим олган фарзандларимиз биз орзу қилган Ўзбекистоннинг ёруғ келажагини бунёд этишга қодир авлод бўлиб камол топади. Лекин бу юксак натижаларга эришиш учун таълим тизимидagi мавжуд муаммоларни ҳал қилишимиз лозим.

Бугун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликларнинг мазмуни ва сифати қониқарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Амалдаги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари асосан ўқувчини таълимнинг навбатдаги босқичига тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларни эркин фикрлаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун, хорижий экспертлар ва тажрибали ўқитувчиларни кенг жалб қилган ҳолда, умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий ўқув йили давомида уни илмий-тадкикот ва таълим муассасаларида синондан ўтказиш лозим.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизими мавжуд эмас. Мактаб дарсликларини яратиш ва чоп этишни тартибга солиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли Республика таълим маркази фаолияти замонавий талаблар асосида тубдан қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилиши керак. Ушбу марказнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев томонидан шахсан мувофиқлаштирилиши ва

назоратга олинishi зарур.

Бошланғич синфлардан бошлаб фарзандларимизнинг қизиқиши ва қобилиятларини аниқлаш, келгусида уларни ихтисослашган синфларда ўқитишни давом эттириш тизимини жорий этиш лозим. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси навбатдаги ўқув йилидан бошлаб 4-синф битирувчиларини фанлар бўйича саралаш ва йўналтириш тартибини амалиётга киритиши керак.

Ҳозирги пайтда умумтаълим муассасаларининг олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш тизими даражаси 87 фоизни ташкил этади. Кўплаб мактаблар, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим масканларида бир қатор фанлар бўйича малакали ўқитувчилар етишмаяпти. Шу муносабат билан педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ҳаммаша эътиборимиз марказида туриши зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари ўз ҳудудидаги педагог кадрлар тайёрлайдиган университет ва институтлар билан жиддий ишлаши керак. Ушбу олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчиларига ипотеза ва истеъмол кредитлари ажратиш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, санаторий ва курортларда даволанишини ташкил этиш масалалари шахсан ҳудуд раҳбарининг назоратида туриши лозим. Чунки, эътибор қаратадиган бўлсак, жойлардаги ҳамма мутахассиснинг – фермер ёки инженерни оласизми, бошқа касб вакилларини оласизми, ҳаммасига эътибор ва ғамхўрлик қиладиган ташкилотлар бор. Фақат ўқитувчининг, ўқитувчи тайёрлайдиган институтларнинг, таъбир жоиз бўлса, жойларда «огаси» йўқ.

Такрор айтаман, энди бу масала билан шахсан ҳокимлар шугулланади.

Бугунги тез ўзгараётган замонда, барча соҳаларда ходимларнинг билим ва малақасини мунтазам ошириб бориш ҳал қилувчи масалага айланган бир пайтда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш тизими бу талаблардан орқада қолмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш институти бор. Минг афсуски, бу институтнинг исми жисмига мос эмас. Улуғ маърифатпарвар илгари сурган ва муваффақиятли амалга оширган ғоялар, замонавий таълим методикасини ишлаб чиқиш масалалари институт фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топа олмаётганини айтишга мажбуримиз.

Шу муносабат билан мактаб директорлари ва ўқитувчиларининг малақасини ошириш тизимини танқидий кўриб чиқиш зарур. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги институт фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш талаб этилади.

Мазкур таълим даргоҳи ҳудудлардаги университетлар ва педагогика институтлари билан биргаликда туман халқ таълими бўлими мудирлари ва мактаб директорларининг малақасини ошириш, ўқитишнинг замонавий методикаларини яратиш, масофавий таълим бериш масалаларига алоҳида эъти-

бор қаратиши керак.

Соҳада рақобатни таъминлаш мақсадида нодавлат таълим ташкилотларини ҳам малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига жалб қилиш вақти келди. Бу жараёнда ўқитиш харажатларини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағ йўналтирилади.

Ўрнак кўрсатган ўқитувчилар учун мажбурий малака ошириш талабларини бекор қилиш, уларнинг фаолиятини бевосита ўқувчилар билан баҳолашни назарда тутиш лозим. Ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган педагогларга олий малака тоифаси тўғридан-тўғри тақдим этилиши керак.

Эндиликда халқ таълими ходимларининг малақасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг янги тизими жорий этилади. Яъни, ўқитувчилар бевосита малака ошириш марказларига бормасдан, масофадан туриб ўз касбий кўникмаларини доимий ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, таълим сифатини оширишга кўмаклашадиган ва ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланишига амалий ёрдам кўрсатадиган устоз-шоғирд тизими ташкил қилинади ва уларнинг соғлиги муносиб рағбатлантирилади.

Мактабларда информатика, кимё, хорижий тиллар каби фанлар бўйича ўқитувчилар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида педагогик бўлмаган йўналишлар бўйича олий таълим олаётган ёшлар учун қисқа муддатли педагогик курслар ташкил қилинади.

Муаллим ва ўқитувчиларнинг билими ва малақасини ошириш ҳақида гапирганда, бугун жамиятимизда долзарб бўлиб турган яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Айтинг-чи, ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини ошириши учун қўшимча методик ёрдамни қаердан олади? Албатта, шу соҳага оид китоб ва қўлланмалардан, махсус педагогик нашрлардан олади.

Афсуски, биз кейинги йилларда «мажбурий обуна» баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домларга ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мактабдан бўлиди.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги кунда босма нашрларни таълим муассасаларига, ўқитувчи-профессорларга етказиб бериш ҳам жиддий муаммога айланган. Чунки бу борада матбуот тарқатиш ва почта тизимининг фаолияти мутлақо талабга жавоб берадими.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда босма матбуот нашрлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусан, мактаб ва олийгоҳларни педагогик фаолият

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

учун зарур нашрлар билан таъминлаш, уларнинг кутубхоналарини ўқув ва бадий адабиётлар билан тўлдириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқариш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган беш муҳим ташаббус доирасида ҳам ижобий ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги амалий ҳаракатларни давом эттириш, айниқса, мусиқа ва санъат, ахборот технологиялари ва спорт тўғрисида фаолиятини янада ривожлантириш, уларни зарур восита ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш алоҳида диққат маркази бўлмоғи лозим.

Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли биз биринчи марта умумтаълим мактабларида «Тарбия» фанини жорий этмоқдамиз.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий кадрятларимиз асосида яратган «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» асари шарқона тарбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Биз «Тарбия» фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишда мана шундай бебаҳо асарлардан самарали фойдаланишимиз зарур.

Хабарингиз бор, бир йил олдин ўтказилган селектор йиғилишида халқ таълимини ривожлантиришни умуммиллий мақсад, умумхалқ ҳаракати сифатида белгилаб олган эдик. Ушбу ҳаракат доирасида барча поғонадаги раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари мактабларни оталikka олган эди. Шундан сўнг ҳокимларимиз «сурра-уррачиллик» билан бир муддат мактабга киргандек бўлди, буни «ойнаи жаҳон»да намоиш ҳам қилди. Лекин шу билан тамом – мактаб эсимиздан чиқди.

Тaqрор айтаман, бугун мактабга кирмаган, мактабнинг ёш авлодининг дарду ташвишлари билан яшамаган раҳбарни эртага ҳаётнинг ўзи қабул қилмайди.

Ҳозирги вақтда кишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам институционал ислохотлар олиб борилмоқда. Энди ҳокимлар иш вақтининг фақат 10-15 фоизини кишлоқ хўжалиги соҳасига сарфлайдиган шароит вужудга келмоқда. Қолган вақтда улар ижтимоий масалалар, аввало, таълим-тарбия, маънавият билан бевоҳита шуғулланишлари лозим.

Мана, ҳар бир ҳоким ёки унинг ўринбосарлари ҳамма фермерларни нома-ном билади. Лекин мактаб директорларини, илғор синф раҳбарларини, фаол ўқитувчиларини-чи? Бугун бу борада қайси ҳокимни ибрат, намуна қилиб кўрсата оламиз? Афсуски, жавоб йўқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ҳафтада бир кунни албатта мактабга бағишлаши керак.

Мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашимиз лозим. Мактаб – фақатгина таълим берадиган маскан эмас,

барчамиз учун юксак маънавият бешингига, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур.

Жорий ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим тизимида янги шаклдаги муассасалар тармоғи йўлга қўйилаётганидан барчангиз хабардорсиз. Жумладан, халқаро стандартларга мос 725 та профессионал таълим муассасаси – касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар яқин кунларда ўз фаолиятини бошлади. Уларда 200 мингдан ортиқ ўқувчилар бугунги талабларга жавоб берадиган ўқув дастурлари асосида таълим олади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, профессионал таълимнинг мазмуни ва сифатини ошириш дастурини ишлаб чиқсин. Худудларнинг раҳбарлари эса битириб чиқаётган ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъминлаш ҳақида бош қотириши зарур.

Қадрли юртдошлар!
Бугунги кунда жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари илм-фаннинг йирик ўчоқлари ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, биз мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ислохотларни амалга оширяймиз. Янги-янги олий ўқув юртлари, дунёдаги етакчи университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Мисол учун, сўнгги 4 йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртларининг сони 125 тага етди.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўргатган ҳолда, сиртки ва кечки таълим шакллари кайта тикладик, қабул квоталари оширилмоқда. Мактаб битирувчиларини олий таълимга камраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етган бўлса-да, биз бу ишларни янада кенгайтиришимиз зарур.

Профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларида малака ошириши ва стажировка ўтатиши таъминлайдиган механизм яратилди. Уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2018 йилга нисбатан ўртача 2,5 баробар оширилди. Бу йилдан бошлаб 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Айни пайтда олий таълим соҳасида бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Бу муаммолар нималардан иборат? Уларни ҳал этиш учун қандай тадбирларни амалга оширишимиз керак?

Аввало, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, айниқса, худудларда нодавлат олий ўқув юртларини ташкил этиш секин бормоқда. Мана, Фарғонада Корея билан, Хоразмда Малайзия билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари ташкил этиляпти. Лекин, нима учун бошқа вилоятларда бундай ҳаракатлар сезилмаяпти?

Ақсарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бераётганини ҳам тан олишимиз керак. Маҳаллий

таълим муассасаларида инновацион фаолият ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси жуда паст. Тизимда илмий даражали ўқитувчилар улуши ўртача 37 фоиз экани бизни қониқтирмайди. Худудларда бу кўрсаткич янаям паст даражада сақланиб қолмоқда.

Олий таълим масканларини илмий лабораториялар билан жиҳозлаш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам паст эканини қайд этиш лозим.

Сир эмас, бугунги пандемия жуда кўп соҳалар қаторида соғлиқни сақлашнинг илм-фан йўналишида ҳам ҳали билимларимиз заиф эканини кўрсатиб қўйди. Барчамиз бундан жиддий хулоса қилишимиз керак.

Олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларга дарс беришдан иборат эмас. Университет ва институтларимиз илм-фан соҳасида ҳам фаол ишлаши, ёшларни илмий ишларга, қатта-қатта лойиҳаларга жалб этиши керак. Ушбу муассасаларда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида илмий-техник дастурлар доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар қўламини 3 баробар кенгайтириш, докторантурага қабул квоталарини 4 марта кўпайтириш зарур.

Бугун «рақамли иқтисодиёт» деган тушунча дунёда энг долзарб масалага айланганини барчамиз кўриб турибмиз. Айни пайтда ахборот технологиялари соҳасида чуқур билим ва малакага эга бўлган, улардан унумли фойдалана оладиган замонавий мутахассислар миллий иқтисодиётимиз учун ниҳоятда зарур. Барчамиз бу масалани чуқур аниқлаш ҳолда, шу мақсадга эришиш учун жиддий ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ишга бугун киришмасак, эртага кеч бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу устувор вазифалар ижроси юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиши зарур.

Мухтарам дўстлар!
Ёдингизда бўлса, давлат раҳбари сифатидаги менинг биринчи учрашувим 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз академиклари билан бўлиб ўтган эди. Бу пайтда Фанлар академияси муаммолар гирдобига тотиб қолган, унга охириги сайловлар 1995 йилда ўтказилган эди. Оқибатда ўтган давр мобайнида академикларнинг сони 2 баробар қисқарди, 63 нафар академик қолган эди, холос.

Биз академияни, таъбир жоиз бўлса, реанимация ҳолатидан чиқариб, соғлом, тўлақонли фаолиятга кайтариш учун зарур амалий чораларни кўрдик. 32 нафар янги академик сайланди. Фанлар академиясининг фаолиятини давлат бюджети-дан молиялаштириш тизими йўлга қўйилди. Бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти кайта тикланди. Жумладан, 40 та илмий лаборатория замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу мақсадлар учун биргина Фанлар академиясининг институтларига қарийб 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Биз жамиятимизда илм-фаннинг кадрини кескин ошириш, олимлар ва тадқиқотчилар учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш йўли-да жиддий ҳаракат қилияпмиз. Айни

пайтда таъкидлаш лозимки, ўша учрашувда билдирилган ақсарият вазифа ва топшириқлар бугун ҳам долзарб бўлиб, уларни тўлақонли амалга ошириш учун барчамиз масъулмиз.

Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистонда илм-фан соҳаларини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасини киритсин.

Шахсан мен жонкуяр олимларимиз буюк аждодларимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттирган ҳолда, илм-фанни тараккиётимизнинг драйверига айлантириб, мамлакат ривожига хизмат қиладиган муҳим кашфиётлар яратишларига ишонаман.

Қадрли ватандошлар!
Барчамиз яхши биламизки, инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараккиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ домчалари, илм-фан арбоблари, маданият ва санъат адабиёт намояндаларидир.

Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги туфайли таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича кўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, булар – қатта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, холос.

Барчангиз гувоҳсиз, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдида ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Биз дунё мекёсидаги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини яратишимиз зарур. Шу мақсадда, аввало, таълим масканларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустақкамлаш, дарслиқлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш, соҳа ходимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бориш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бугун мен, аввало, таълим-тарбия соҳаси фидойиларига, барча юртдошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: азиз дўстлар, биродарлар, агар интилсак, астойдил ҳаракат қилсак, ҳар қандай бандд маррани эгаллаш қўлимиздан келади. Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, «илиги тўқ» халқимиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – беш-ўн йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак.

Биз Худо берган истеъдодга парвариш зарурлигини, агар ўз вақтида шароит яратиб берилмаса, ҳар

қандай иқтидор ҳам сўниб қолиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Мана, Темурийлар даврини эслайлик, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Навоийлар замонини ёдга олайлик. Агар давлат томонидан эътибор ва ҳомийлик бўлмаса, ижодий муҳит яратиб берилмаса, улуг алломаларимизнинг салоҳияти бу даражада ёрқин намоён бўлмас эди.

Бугун давлатимиз томонидан илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса – яратамиз.

Баъзи одамлар, пандемия даврида шу гаплар зарурми, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бундай тор қараш билан яшайдиган кишилар янгилашади. Худо хоҳласа, коронавирус пандемияси ҳам эрта-кечми, албатта тарихга айланади.

Бу касаллик бошланган март ойидаёқ биз ушбу огир синовдан муносиб ҳолда, янада кучли бўлиб ўтишимиз керак, деб ўз олдимизга улкан вазифа қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадларимиз аста-секин амалга ошмоқда. Биз барчамиз улуг аждодларимиздан ибрат олиб, уларга муносиб бўлиб, доимо эзгу орзу-интилишлар билан яшашимиз керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен йил бошида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномадаги бир фикрга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан. Яъни: «**Энг қатта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг қатта мерос – бу яхши тарбия, энг қатта қашшоқлик – бу билимсизликдир.**»

Чиндан ҳам, бугун биз улуг ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Уйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади.

Ишонаманки, ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улуг ва эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз.

Азиз муаллимлар, мухтарам домчалар!

Мен янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, мухтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг қатта куч, таянч ва сўянч, деб биламан. Сизларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш беришни Президент сифатида ўзимнинг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуг байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан табриқлаб, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, маъсулятли ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо фарзандларингиз, шогирдларингиз, элу юртимиз хурмати ва ардоғида бўлиш бахти насиб этсин, азиз устозлар!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Пахта чопиқ ҳашарига ким боради – ўқитувчилар, пахта теримига ким чиқиши керак – ўқитувчилар, ободонлаштиришга ким – ўқитувчилар... Бундан 4-5 йил олдин бундай ҳашар ишларига ўқитувчиларнинг чиқиши оддий ҳол эди. Ер тилини умуман тушунмайдиган ўқитувчилар, ҳатто, фермерлар устидан назоратчи этиб тайинланиб, кунлик «сводка»лар бериб боришарди. Ҳолат шу даражага етган эдики, юқори синф ўқувчию ўқитувчилари дарс соатларидан озод этилиб, пахта йиғим-теримига сафарбар этиларди. Натижа эса ўзингизга маълум...

«ТАЪЛИМ

ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН:

СОҲАДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БЎЛАДИ?

Шукрки, буларнинг барчаси ортда қолди: педагог ходимларнинг ҳуқуқлари ҳимояга олиниб, ўқувчилар ҳам дарс жараёнларига тўлиқ жалб этилди. Ўқитувчиларнинг ўз касбий фаолияти билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, моддий таъминоти яхшиланмоқда. Илмга чанқоқ, фаол, интилувчан ўқувчилар ҳам давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантириляпти.

Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлиб, навқирон авлоднинг замонавий билимлар, касб-хунар эгаллашлари ҳамда сифатли таълим олишларининг ҳуқуқий асосини кафолатлайди.

Қандай ўзгаришлар киритилди?

Дарҳақиқат, таълим соҳасини ислоҳ қилиш шароитида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилингани алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, мазкур қонун дастлаб 1992 йилда қабул қилинган, 1997 йилда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Янги ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонунда эса таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз аксини топган. Қонун мазмунига янги тушунчалар ва институтлар киритилди.

– Хусусан, давлат таълим муассасаси, давлат таълим стандартлари, таълим кампуси, нодавлат таълим ташкилоти, мутахассислик, тарбия, таълим каби асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари белгилаб қўйилди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Эркин Захидов. – Қонуннинг асосий жиҳатларидан яна бири шуки, мамлакатимизда таълимни ташкил этишда алоҳида эътибор қаратиб келинаётган таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилиши шу пайтгача асосий вазифа сифатида

белгиланмаган эди. Эндиликда ушбу вазифа қонун билан мустаҳкамланди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш давомида 238 та қонун ва қоидалар қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, маъмурий бюрократик тизимга доир 7 та модда олиб ташланди. Натижада янги таҳрирдаги қонун 11 та боб ва 75-моддадан иборат тартибда ишлаб чиқилди.

Эндиликда давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим ташкилотлари ҳам тегишли талаблар асосида таълим фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлаётир.

Яна бир янгилик – тегишли ҳудудларнинг, соҳалар ва тармоқларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат таълим муассасаларига мақсадли ўқишга қабул қилиш билан боғлиқ қоида киритилди.

Ўқитувчилар фаолиятига аралаштириш тақиқланади

Сир эмаски, баъзан педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралаштириш, таълим олувчиларнинг билимини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатиш, хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Буларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолият кафолатлари, жумладан, ўқитиш ва тарбия усуллардан эркин фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

– Янги таҳрирдаги қонунга педагог ходимларнинг обрўси ва жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган алоҳида моддалар киритилди, – дейди Халқ таълими

вазирининг биринчи ўринбосари Усмон Шарифхўжаев. – Эндиликда педагоглар қандай дарс ўтиш, қайси материални, қандай йўналишда беришни ўзининг касб маҳоратидан келиб чиқиб ҳал этади. Шунингдек, янги таҳрирдаги қонунда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болалар бир йиллик бошланғич таълим тайёргарлигидан ўтгандан сўнг етти ёшга тўладиган йилда яшаш жойидаги давлат умумий ўрта таълим муассасасига мажбурий ўн бир йиллик таълим бўйича қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Янги таълим шакллари жорий этилади

– Янги таҳрирда қабул қилинган қонунга катта ёшдагилар таълими, махсус таълим, инклюзив таълим, экстернат тартибида таълим олиш, ма-софавий таълим, дуал таълим, таълим соҳасидаги давлат назорати ва текшируви, таълим муассасаларининг ўзини ўзи баҳолаш, таълим ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, давлат таълим муассасаларига мақсадли қабул, таълим ташкилотларининг рейтинг каби кўплаб янги моддалар киритилди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдумалик Акрамов. – Шунингдек, таълим жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, вояга етмаган таълим олувчилар ота-онасининг ҳамда бошқа қонуний вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, нодавлат таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш, таълим соҳасидаги расмий ҳужжатларга аподистиль қўйиш, таълим соҳасидаги давлат-хусусий шерикчилик, хорихда таълим олиш каби меъёрлар ўрин олган.

– Илғор хорижий давлатларнинг тажрибалари асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун ўз ичига кўплаб янги йўналишларни қамраб олган, – дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълимини ўқув методик мувофиқлаштириш

бош бошқармаси бошлиғи Ўткир Алижонов. – Мисол учун, қонунда дуал таълим шакли алоҳида модда сифатида кўрсатилган бўлиб, унга асосан, республикамизда ўқитишнинг дуал таълим шаклини жорий этиш имконияти яратилди. Дуал таълимда таълим олувчилар зарур билим, малака ва кўникмаларнинг назарий қисмини таълим муассасалари негизда, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади. Қонунда барча таълим босқичлари қатори янги ташкил этилаётган профессионал таълим акс эттирилган бўлиб, ҳар бир профессионал таълим босқичи алоҳида ёритиб қўйилган. Бошланғич профессионал таълим касб-хунар мактабларида IX синф битирувчилари негизда кундузги таълим шаклида 2 йиллик интеграциялашган дастур асосида бепул амалга оширилади. Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида 2 йил кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича ўқитилса, ўрта махсус профессионал таълим техникумларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида камида 2 йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида ташкил этилади.

Қонунда акс этган яна бир муҳим қоидалардан бири – вояга етмаган таълим олувчилар ота-онасига (қонуний вакилларининг) қатор ҳуқуқлардан фойдаланиш билан бирга, болани ўқув машғулотларига қатнашиши, ўзлаштириши устидан назорат қилиши ҳамда ўқиши, тарбияланиши, интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланиши бўйича масъул эканининг ҳам белгиланганидир.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга, таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга ва таълимни халқаро ҳамжамият билан уйғунлашган ҳолда олиб боришга кенг имкониятлар яратади. Энг муҳими, таълим сифати яхшиланди.

Рустам ЮСУПОВ
«Mahalla»



1 ОКТАБРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида қатор ўзгаришлар жорий этилмоқда. Ўзгараётган акциз солиғи ставкалари, тадбиркорлар учун янги имтиёз, кучга кираётган янги тартиблар шулар жумласидан.

ТАДБИРКОРЛАРГА «САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК БЕЛГИСИ» БЕРИЛАДИ



Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида тадбиркорларга «Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси»ни бериш амалиёти жорий қилинади.

Бунинг учун тадбиркорлар фаолиятининг санитария ҳолатлари, меъёрлари ва гигиена

қоидаларига қанчалик мослиги ўрганиб чиқилади. Таҳлиллар натижаларига қараб ушбу белги берилади. Белги Санитария-эпидемиология хизмати томонидан уч хил турдаги – «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифалар бўйича **12 ой муддатгача** берилади. «Яшил» тоифадаги белгига эга бўлган тадбиркорлар фаолияти Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан ўрганилиши ва текширилишига йўл қўйилмайди (оммавий заҳарланиш ва гуруҳли касалликлар қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно).

МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА ЎРГАНАДИ

Бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари харид қилиниши назарда тутилган товарлар рўйхатини шакллантиришда уларни cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини мажбурий тартибда ўрганади.

Бунда корхоналар раҳбарлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкони бўлмаган тақдирда, импорт орқали товарлар харид қилинишининг мақсадга мувофиқлигини кузатув кенгашларига асослаб беради.

МИЛЛИЙ ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМИ ИШГА ТУШАДИ



Эндиликда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар **Миллий географик ахборот тизимида** давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

Ушбу тизим Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгилаб қўйилган. Миллий географик ахборот тизими юридик ва жисмоний шахсларни кадастр маълумотлари билан тезкор таъминлаш имконини беради.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМТИЁЗ

Қуввати **140 киловаттгача** бўлган электр ускуналарини тармоққа улашда сарфланадиган харажатлар тадбиркорларнинг хоҳишига кўра, «**Худудий электр тармоқлари**» АЖ маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бу тадбиркорнинг Давлат хизматлари марказларига техник шартларни олиш учун мурожаат қилиш билан бир вақтда берилган сўровномаси асосида амалга оширилади. Мазкур маблағлар кейинчалик тадбиркорлар фойдаланган электр энергияси қийматига қўшилидиган устамалар ҳисобидан 1 йил давомида ундириб олинади.

ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

1 октябрдан бошлаб идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўлиқ тарзда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг **ягона электрон тизими орқали** амалга оширилади.

Ушбу тизим 2020 йил 1 июлдан бошлаб синов тариқасида амалга ошириб келинмоқда.



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

2020 йил 1 октябрдан бошлаб нодавлат таълим ташкилоти лицензия олганидан кейинги лицензия талаблари ва шартларидан бири – «Нодавлат таълимни бошқариш ахборот тизими»га киритиш учун тегишли маълумотларни **Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдим этиш** ҳисобланади.

Мазкур тизимда нодавлат таълим ташкилоти, унинг таълим олувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли маълумотнинг **лицензия олингандан бошлаб 30 кун давомида йўқлиги** – лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш учун асос бўлади. Шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат бланкалари берганлик учун **БХМнинг 10 фоизи миқдоридан йиғим** жорий этилади.



ИНТЕРВЕНЦИОН ХАРИДЛАР ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Аҳолини дон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва нархлар кескин ўзгаришининг олдини олиш мақсадида интервенцион харидлар тизими босқичма-босқич жорий этилади. Бунда 2021 йил ҳосилидан бошлаб дон учун давлат буюртмаси ҳажмлари босқичма-босқич камайтирилади, бошқоқли дон харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор механизмлари жорий этилади. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун давлат буюртмаси тизимидан давлат захирасидан фойдаланишга ўтиш бўйича тизим ишлаб чиқиш назарда тутилади.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Эндиликда республика бюджети маблағлари ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этишда нархларни **давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади**.

АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ МИҚДОРЛАРИ ЎЗГАРАДИ

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган (хизмат кўрсатиладиган), акциз солиғи солинадиган товарлар(хизматлар)нинг айрим турларига акциз солиғи ставкалари ошади.

НАРХЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Бундан буён ичимлик суви хизматлари учун нархлар маҳаллий Кенгашлар томонидан кўриб чиқилади. Бунинг учун, аввало, сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар монополияга қарши курашиш ва нархларни тартибга солиш органлари хулосалари олиниб, **маҳаллий Кенгашлар қарори билан** маъқуллангандан сўнг тасдиқланади.

Р.ЮСУПОВ тайёрлади.



Халқаро конгресс марказида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Адлия вазирлиги томонидан амалдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хатлови ўтказилганда 2,5 мингга яқин эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган, ҳаддан ташқари тартибга солиш юқини, бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқараётган ҳужжатлар аниқланди.



КЕРАКСИЗ ҚОНУН ВА ҚОИДАЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАДИ?

Дарҳақиқат, қонун ҳужжатларининг кўпчилиги нафақат аҳоли, юридик шахслар, балки ҳуқуқни қўловчи давлат хизматчиларига ҳам ноқулайлик туғдиради. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 сентябрдаги «**Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги фармони эса ана шундай муаммоларни бартарф этишга қаратилган. Хўш, мазкур фармон билан қандай янгиликлар киритилмоқда? Қонун ҳужжатлари соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда қандай тизимдан фойдаланилади?

Эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлар

Мазкур фармон билан Президентнинг 500 га яқин эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлари бекор қилинди. Бундан буён ҳам эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган, ҳаддан ташқари тартибга солиш юқини, бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқараётган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш давом эттирилади. Мазкур тоифадаги меъерий ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳолда тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар тизимлаштирилади. Бунда аниқ соҳалар бўйича муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар бирлаштирилади.

«Тартибга солиш гильотинаси»

Иқтисодий ўсишдаги тўсиқларни бартараф этиш ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида амалиётга жорий этилган «тартибга солиш гильотинаси» амалиёти 1980 йилда Швецияда ишлаб чиқилган. Ушбу методнинг асосий ғояси қисқа муддатларда амалдаги меъерий-ҳуқуқий базани хатловдан ўтказиш ва унинг натижасида қонунчиликка зид бўлган, иқтисодий самарасиз, амалда ўз аҳамиятини йўқотган, амалга оширилиши ортиқча хара-

жатлар талаб қиладиган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ҳисобланади.

«Тартибга солиш гильотинаси» методини амалга оширишда керакسىз қонун ва қоидаларни бекор қилиш жараёнида сиёсий ва маъмурий харажатларни қисқартириш, тадбиркорлар ва бошқа манфаатдор шахслар учун консалтинг муҳитни шакллантириш, вазирлик ва идоралар ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш каби мақсадлар илгари сурилади. Шунингдек, ушбу метод орқали самара бермаётган, эскирган меъерлар олиб ташланади ҳамда керакسىз тўсиқлар бўлмаслиги учун янги қонунчилик меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилади.

ДАРВОҚЕ...

Ҳозирга қадар мамлакатимизда яхлит 728 та қонун, 423 та Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, 2538 та Президент фармони, 2699 та Президент қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 10245 та қарори ва 1895 та идоравий меъерий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Бундан ташқари, ҳар бир ҳудудда кўп сонли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари мавжуд.

Қандай натижалар кутулади?

«Тартибга солиш гильотинаси»дан Жанубий Корея, Мексика, Хорватия, Сербия, Молдова, Украина, Кения ва бошқа давлат ҳукуматлари фойдаланган. Улардан баъзилари (Жанубий Корея, Мексика, Молдова) бир йилдан кам вақт ичида меъерий-ҳужжатларни тартибга солувчи қонунларнинг ярмини бекор қилишди. Шунингдек, юқоридаги давлатларда «тартибга солиш гильотинаси» методини тўлиқ амалга ошириш икки ойдан икки йилгача муддат талаб қилиб, натижада миллиардлаб маблағларни тежаган ҳамда ЯИМга ижобий таъсирини ўтказган. Бунга

ёркин мисол тариқасида Жанубий Корея амалиётини келтириш мумкин. Давлат 11 ой давомида 11000 га яқин меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқди ва уларнинг 50 фоизини бекор қилди. Натижада ЯИМ ҳажми 36 миллиард долларга ўсган бўлса, қўшимча бир миллион иш ўрни яратилди.

Махсус ваколатли орган

Фармон билан Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Бу эса камчиликларни бартараф этиш, янги қирраларни очишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, фармонда тартибга солиш сиёсатининг яхлитлигини таъминлашга қаратилган институционал ўзгаришлар назарда тутилган. Масалан, эндиликда Адлия вазирлигининг Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси ташкил этилади. Барча давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларида тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул ходимлар тайинланади.

Шуниси эътиборга моликки, янги бошқарма зиммасига меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳамда аниқланган коррупциоген омилларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўриш ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилмоқда. Коррупция келиб чиқишига шароит яратётган қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар, қоидалар ва қонунларни аниқлаш, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилишида коррупциявий тусдаги хавфларни таҳлил қилиш ҳам ушбу бошқарманинг ваколатига киритилмоқда.

Қонун ижодкорлиги соҳасида қандай ўзгаришлар бўлади?

Эндиликда, мазкур фармон билан қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам ўзгаришлар амалга оши-

рилмоқда. Хусусан, Парламент палаталари, Президент, Ҳукумат ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал ва ташкилий тусдаги ҳужжатларини улар томонидан қабул қилинадиган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқлашнинг аниқ мезонлари қонун даражасида белгиланади. Янги таҳрирдаги қонун ҳужжати ўрнига бир вақтнинг ўзида амалдаги қонун ҳужжати кучини йўқотган, деб топишни назарда тутувчи янги қонун ҳужжати қабул қилиш амалиёти жорий этилади. Аввал қабул қилинган бундай қонун ҳужжатлари эса қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш ҳамда тадбирлар ўтказишни ташкил этиш юзасидан қабул қилинган ҳужжатлари тегишли йил якуни бўйича ўз кучини йўқотган, деб топилади.

Бундан ташқари, мазкур фармон билан **2021 йил 1 июнга** қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари базасига киритилиши мажбурий қилиб белгиланди. Адлия вазирлиги маҳаллий ҳокимият органларининг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларини инвентаризация қилиш билан биргаликда, маҳаллий ҳокимият органларининг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш ҳамда ушбу ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб боради.

Хулоса сифатида айтганимиз бўлса, «Тартибга солиш гильотинаси» методини тўлақонли амалга ошириш натижасида тадбиркорларга ғов бўлиб келаётган турли маъмурий чекловлар бартараф этилиб, иқтисодиёт тармоқларида юқори самарадорликка эришилади ҳамда бизнес юритиш муҳити яхшиланади.

Отабек ТОШЕВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот инс-
титутути маъсул ходими.



Тантанали маросим илк бор давлат раҳбари иштирокида ўтди.

ЭНДИ ЧИҚИНДИЛАР уюлиб ётишига йўл қўйилмайди... (МИ?)



Саноат ва ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши, қурилиш ишлари қамровининг кенгайиши натижасида чиқиндилар ҳажми ҳам кўпаймоқда. Юзага келаётган вазият чиқиндилар билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини такомиллаштириш талабини қўймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 сентябрдаги «**Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида**»ги қарори айна шу учун ҳам аҳамиятлидир. Зотан, ҳужжат билан чиқиндиларни қайта ишлашда замонавий технологияларни татбиқ этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, соҳага тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Қарор Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси олдида бир нечта муҳим вазибаларни қўймоқда. Хусусан, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва Давлат активларини бошқариш агентликлари билан ҳудудларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг янги моделини босқичма-босқич жорий этиш шулар сирасидан.

Янги тажриба амалиётга қандай татбиқ этилади?

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари билан хусусий шерик ўртасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилади. Унга мувофиқ, давлат шериги томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун тегишли ҳудудлар хусусий шерикка бириктирилади.

— *Эътиборлиси, давлат корхоналари ҳисобидаги чиқинди полигонлари чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни татбиқ этган ҳолда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шартини билан хусусий шерикка узоқ муддатга фойдаланишга берилади, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Умаржон Абдуллаев. — Шунингдек, маиший*



чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникалар хусусий шерикка етти йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шартини билан сотилади. Лойиҳа якуни бўйича тўловлар тўлиқ тўлаб бўлингач, уларни тасарруф этиш ҳуқуқи хусусий шерикка ўтказилади.

Мажбурияти ҳам борми?

Хусусий шерик ўзига бириктирилган ҳудудда яшовчи аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаши керак.

2020 йилнинг якунига қадар олтига вилоят ҳудудида 16 та, 2021 йилда эса барча ҳудудларда 46 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Давлат-хусусий шериклик битимига мувофиқ, инвестициялар киритиш ва санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш ҳам унинг зиммасида. Шунингдек, махсус автотранспорт воситалари ва техникалари ҳаракати ҳамда чиқинди полигонларини реал вақт режимда назорат қилиб боради. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний ва юридик шахслардан тасдиқланган нархларда мажбурий тўловлар йиғилишини ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича яратилган ягона электрон

тизимга уланилишини таъминлайди. Давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган муддатларда чиқиндиларни саралаш (қайта ишлаш) технологияларини ўрнатади ва ишга тушириш каби ишларни амалга оширади.

Энди қурилиш жойларида чиқиндилар уюлиб ётмайди

Яна бир янгилик, 2021 йил 1 январдан бошлаб бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари, биринчи навбатда, такрорий фойдаланиш, қайта ишлашга ёки утилизация қилишга йўналтирилади. Қурилиш ишлари амалга ошириладиган объект жойлашган ҳудудда (туман ёки шаҳар) қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга корхоналар бўлмаса уларни белгиланган тартибда чиқинди полигонларига жойлаштиришга йўл қўйилади.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун мажбурий тўлов тарифлари дастлаб нархларни тартибга солиш органлари ҳулосалари олиниб, кейинчалик тегишлигича маҳаллий Кенгашлар қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланганидан бўлди. Қолаверса, маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларига хизмат кўрсатиш учун бириктирилган ҳудудларда иккиламчи хомашёни (металл парчалари ва чиқиндиларини сотиб олишдан ташқари) қабул қилиш шохобчалари орқали тайёрлаш мазкур кластерлар томонидан амалга оширилади. Хонадонлар сони 300 тадан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар маиший

чиқиндиларни тўплаш шохобчалари билан таъминланмаган бўлса, фойдаланишга қабул қилишга рухсат берилмайди.

Жарима рағбатга қандай йўналтирилади?

Аҳоли томонидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг интернет тармоғидаги махсус ахборот тизимига юборилган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Ҳужжат билан фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахслар шахси сир сақланган ҳолда ҳуқуқбузардан ундирилган жарима миқдорининг **15 фоизи миқдоридидаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади.**

— *Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида юборилган фотосуратлар ва видеоёзувлардаги ҳуқуқбузарларнинг шахсини аниқлаш Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари сўровига асосан, ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси инспекция бошлиғи Икромжон Тоғаев. — Шунингдек, таъкидлаш керакки, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар, видеоёзувлар ва хабарларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Қарор билан эндиликда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар барча ҳудудлардаги аҳолига атроф-муҳит, шу жумладан, маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишлар ҳолати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи махсус ахборот тизими яратилади.*

Сирасини айтганда, мазкур қарор маиший ва қурилиш чиқиндиларидан самарали фойдаланиш, уни қайта ишлаш орқали даромад манбаини шакллантириш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, қайта ишлаш саноатини жорий этишга хизмат қилади.

Содиқ НОРБОЕВ,
журналист.



Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

БЮРОКРАТИЯ ишни ҳам, тараққиётни ҳам ОРҚАГА ТОРТАДИ



Хар бир инсоннинг, керак бўлса, ҳар бир давлатнинг асосий мақсадларидан бири, шубҳасиз, фаровон ҳаётни таъминлаш, тараққиётга эришиш ҳисобланади. Бунга эса фақат баландпарвоз гаплар билан эмас, аввало, шароит, имконият ва қулайлик яратиш орқалигина етиш мумкин. Тан олиш керак, кундалик ҳаётимизда одамларга энгиллик беришдан кўра, уларга тўсиқ бўладиган, халақит берадиган омиллар оз эмас.

Эътибор берсак, айрим давлат ташкилотларида эскирган бюрократик усулларда иш юритиш ҳали-ҳануз сақланиб қолаётир. Хужжатлар айланмасига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш даражаси паст, қоғозбозлик ҳажми юқори. Шунингдек, қонунчилигимизда айрим амалдорларнинг манфаатига хизмат қиладиган ва бюрократияга йўл очадиган бўшлиқлар ҳам йўқ эмас.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 28 сентябрда имзоланган «Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан қатор бюрократик тўсиқларга барҳам берилди.

Ҳокимлар ваколоти қисқартирилади...(ми?)

Аввало, айтиш керакки, янги қонун билан 6 та қонун ва 3 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бир қатор ваколатлари бекор қилинмоқда. Жумладан, бугунгача ҳокимлар маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган айрим қоидаларни белгилаш ваколатига эга эди. Бу эса айрим ҳолларда коррупция ҳолатларини келтириб чиқаргани ҳам бор гап. Янги қонун билан ҳокимларнинг бу ваколоти тугатилди.


— Бугунгача ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни чорвачилик эҳтиёжлари мақсадида тайёрлаш учун махсус рухсатнома ҳокимлар томонидан бериларди, — дейди **Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарҳод Боқиев**. — Худди шундай, ўрмонларнинг ҳолатига зарар етказилган ҳолларда ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича қарор қабул қилиш ваколоти ҳам уларнинг



зиммасида эди. Бундан ташқари, ҳокимлар атмосферага ифлослангичи моддаларни чиқариш бўйича талаблар бузилиши билан боғлиқ фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш масаласида қарор қабул қилиши мумкин эди. Янги қонун билан эндиликда юқоридаги ваколатлар тугатилиши баробарида бундай фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашуви қисқартирилади.

Суғуртасиз автомобиллар жарима майдонига қўйилмайди

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига — транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартибига ўзгартиш киритилди. Унга кўра, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузгани, шунингдек, суғурта полисининг ҳайдовчи ёнида бўлмаслиги



транспорт воситаларини ушлаб туришга асос бўлмайди.

— Кодекснинг 291-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси «Менинг фикрим» жамоатчилик порталига келиб тушган мурожаатлар асосида ишлаб чиқилди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Алишер Ҳамроев. — Депутатлар томонидан ҳам бу лойиҳа энг кўп муҳокама қилинди. Яқинда ҳужжат кўпчилик овоз билан қабул қилиниб, суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда машинани жарима майдончасига қўйиш тартиби бекор қилинди. Айтиш керакки, мазкур ўзгартириш билан мулк ҳуқуқларининг кафолатлари кучайтирилди.

Таъкидлаш керак, юқоридаги ўзгартириш қоидабузарлик учун жаримани бекор қилмайди. Яъни ёнида суғурта полиси бўлмаган ҳайдовчи жаримага тортилади, бироқ машинаси олиб қўйилмайди. Ҳозирда унинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг (223 000 сўм).

Энди маҳалладан маълумотнома сўралмайди

Сир эмас, турли ҳаётнинг ва-зиятларда фуқаролардан маҳаллалар томонидан бериладиган маълумотномалар талаб этилади. Бироқ амалиётда бундай ҳужжатларни бериш тартиби ҳаддан зиёд бюрократлаштирилган, баъзи ҳолларда эса уларни бериш учун ноқонуний тўлов олиш ҳоллари кузатилиб, бу фуқароларнинг

ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ушбу органларда маълумотлар йўқлиги сабабли мазкур ҳужжатлардаги ахборотларни асосли ва тўғри, деб ҳам бўлмайди.

Шу боис янги қонун билан Меҳнат ва Уй-жой кодекслари, «Васийлик ва ҳомийлик тўғриси-

да»ги ҳамда «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан маълумотнома талаб қилиш билан боғлиқ қоидалар бекор қилинди.

— Бу орқали шахслардан ишга қабул қилиш вақтида тураржойдан маълумотнома олиб келиш талаб этилмайди, — дейди **А.Ҳамроев**. — Шунингдек, васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс томонидан аризасига яшаш жойидаги маҳалладан маълумотнома илова қилиш талаби бекор қилинади. Тураржойларни алмаштириш ва сақлаш гувоҳномаси (брон) беришда ҳам фуқаролардан яшаш жойидан маълумотнома зарур бўлмайди.

Айтиш керакки, бугунгача назорат остидаги шахсининг қаердалиги аниқланмаган тақдирда, ички ишлар органи унинг тураржойи ва етиб келмаслик сабабларини аниқлаш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги ҳужжатларга маҳалладан тегишли маълумотномани илова қиларди. Ўз навбатида, бу ҳужжат қидирув эълон қилиш тўғрисидаги тақдимнома билан судга юбориларди. Эндиликда бундай амалиётга ҳам барҳам берилди. Бу каби ўзгартиришлар натижасида бугун кўпчиликни қийнаётган ортиқча бюрократик тўсиқлар олиб ташланиб, сансалорликларга чек қўйилади.

* * *

Қонунларнинг бирдан бир манбаи халқ бўлиши керак. Шунда бу қонунлар халқнинг фаровонлигига ва жамиятда адолатли қарор топишига хизмат қилади. Адолат устувор жамиятдагина ислохотлардан натижа кутиш мумкин. Бюрократия эса ҳеч қачон, ҳеч кимга фойда келтирмаган. У ишни ҳам, тараққиётни ҳам орқага тортади, холос. Шу маънода бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш бўйича қатъий қарор қилингани эртанги тараққиётимиз сари ташланган яна бир муҳим қадамлардан бўлди.

Бюрократияни қонун билан жиловлаш мумкин, лекин унга фуқароларнинг фаоллигисиз барҳам бериш мушкул. Демак, бюрократияга, коррупцияга биргаликда йўқ деймиз.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Президент томонидан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳи мукофотланди.

Давлат ва одамлар орасидаги муносабатларда ҳамيشа «Ер — давлатнинг мулки!» деган тушунча устунлик қилган. Шунинг учунки, ер энг йирик бойликлардан бири ҳисобланади. Афсуски, сўнгги пайтларда шов-шувли воқеаларнинг асосий қисми ҳам айнан ер билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, суғориладиган майдонда иморат қуриш, «снос» масаласи, ердан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар шулар жумласидан.



ЕР УЧАСТКАСИ

ИККИЛАМЧИ ИЖАРАГА ҚАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 29 сентябрда имзоланган «Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун соҳадаги айрим масалалар ечимига қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ерлар 1 йилгача муддатга иккиламчи ижарага берилади

Маълумки, қонунчилигимизга кўра, деҳқоннинг ерни иккиламчи ижарага бериши тақиқланган. Бироқ бугун амалиётда такрорий экиндан сўнг фермерлар томонидан ноқонуний бўлса-да, ерлар иккиламчи ижарага берилётган ҳолатлар кузатилмоқда. Иккиламчи ижара ҳисобидан олинаётган даромад ва ушбу ерларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг эса аниқ ҳисоб-китоби мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, турли тушунмовчиликлар, коррупция ҳолатлари келиб чиқишига замин яратаётир.

Эндиликда янги қонун билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни **иккиламчи ижарага бериш имконияти яратилмоқда. Бунда ушбу тоифадаги ерлар 1 йилгача муддатга** ижарага берилади. Инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ёки ўрмон фонди ерларини иккиламчи ижарага бериш тарафларнинг келишувига кўра, лекин ер участкасини ижарага бериш шартномаси муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

— **Иккиламчи ижара амалиёти Озарбайжон, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Украина, Арманистон, Хитой каби қатор давлатларда мавжуд. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалаги масалалари қўмитаси раиси Равшан Мамутов.** — Ерни иккиламчи ижарага беришда шартнома тузилади. Шартнома эса юридик ҳужжат ҳисобланади. Унда икки тараф ҳам ўз шартларини ёзади. Ернинг аҳволи, сув таъминоти ва қанақа маҳсулот етиштирилиши шартномада кўрсатилади. Бу билан ҳар икки



тараф ўзининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шартнома имзолайди.

Мазкур шартнома **давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.** Шартномани муддатидан илгари бекор қилиш **тарафларнинг келишувига кўра**, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса **суднинг қарорига** кўра амалга оширилади.

Ижарага олинган ерни ҳадя қилиб бўлмайди

Яна бир масала: тан олиш керак, ўтган йиллар давомида айрим фермерлар томонидан ижарага берилган ер майдонларини ноқонуний равишда сотиш ҳолатлари ҳам кузатилди.

Ер участкасини ижарага бериш шартномасининг муддатидан илгари бекор қилиниши иккиламчи ижара шартномасининг ҳам бекор қилинишига сабаб бўлади (шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса).

Айни ҳолат ҳисобга олиниб, иккиламчи ижарага берилган ер участкаси **олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш** объекти бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Қонун билан **фермер хўжалиги** берилган ер участкалари қишлоқ хўжалик экинларини **оралиқ экиш учун 1 йилгача** бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши мумкин. Ўз навба-

тида, **деҳқон хўжаликлари** ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаларини ёки унинг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш мақсадида вақтинча фойдаланишга бериши мумкин.

Қонуннинг аҳамияти нималарда кўринади?

Айтиш керакки, бунда, энг аввало, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш ва бунинг ҳисобидан даромад олиш қонунийлаштирилади. Ер майдонлари янада самарали фойдаланувчиларга ўтади, ушбу ерларда етиштириладиган маҳсулотларнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш имкони яратилади.

— **Шунингдек, фермер хўжаликлари ҳисоб рақамларида эркин пул маблағлари шаклланиди ва улар маҳсулот етиштириш харажатлари учун айланма маблағга эга бўлади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурахим Қурбонов.** — Шу билан бирга, қишлоқ аҳолисининг шартнома асосида иш билан таъминлаш ва даромад олиш имконияти кенгайди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, лалми ва ўрмон фонди ерлари, яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга киритиш имкони яратилади. **Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, ер участкасини вақтинча фойдаланиш тартиби жорий этилади.**

Фермерни деб ижарачи жабр кўрмасин

Қонун эълон қилинган санасидан эътиборан кучга кирди. Энди унинг ижроси бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Айни шу жараёнда бир қатор жиҳатларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Жумладан, **эҳтиёжманд, ишлашга иштиёқи баланд оилаларнинг** камбағалликдан чиқишига ёрдамлашиш мақсадида уларнинг 30 ёшгача бўлган фарзандларига ерлар **имтиёзли ҳақлар эвазига** ижарага берилса, айни муддао бўларди. Бу уларда камбағалликдан чиқишга рағбат уйғотади.

Шунингдек, қонунда ер участкасини ижарага бериш шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши иккиламчи ижара шартномасининг ҳам бекор қилинишига сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Айтиш керакки, қонуннинг айнан шу банди депутатлар, сенаторларнинг ҳам кенг муҳокамасига сабаб бўлганди. Нега? Ер участкаси ҳосил пишиб етилгунга қадар бирламчи ижарачи, яъни фермер хўжалиги билан тузилган шартнома қандайдир сабаблар билан бекор қилинадиган бўлса, бундан **иккиламчи ижарачи жабр кўрмаслиги керак.** Чунки унинг шартномаси бор, у ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар учун жавоб бермаслиги муҳим.

Бизнингча, ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши иккиламчи ижара шартномаси **муддати тугагунга қадар** тўлиқ амал қилиши, ё бўлмаса, бу **иккиламчи ижарачига таъсир кўрсатмаслиги** зарур. Бундай амалиётдан, асосан, эҳтиёжманд оилалар фойдаланишини ҳисобга олсак, унинг аҳамияти янада ортади.

* * *

Янги қонундаги ўзгартиришлар одамларда ерга бўлган муносабатнинг ўзгаришига хизмат қилади. Энди ерга даромад манбаи сифатида қараш кучаяди. Бир энлик тошлоқ тупроғимизда ҳам гиёҳ унишини эътиборга олсак, ердан оқилонга фойдаланиш халқимиз фаровонлигини таъминлайди.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Президент солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантиришга доир қарорни имзолади.



Бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча эскича ишлаганлар тараққиётдан ортда қоляпти. Рақамли иқтисод, бу — бугунги кунда жаҳон иқтисодининг ривожланиш белгиларидан бири бўлиб, самардорлик ва шаффофликни оширмоқда. Оддий мисол, бундан кейин рақамли иқтисод туфайли юртимизда пенсия расмийлаштириш учун битта паспортнинг ўзи кифоя бўлади.

ЖАМИЯТ БАРЧА СОҲАЛАРНИ БИРДЕК РАҚАМЛАШТИРИШГА ТАЙЁРМИ?

Хўш, юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Электрон ҳукумат нима?

— Электрон ҳукуматга доир элементларни татбиқ этиш ва рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт режасидан мустаҳкам ўрин олган, — дейди **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Кўчқаров**. — Бу, биринчи навбатда, электрон ҳужжат алмашиш улушини янада ошириш ва давлат хизматларининг муайян қисмини Давлат хизматлари марказлари орқали босқичма-босқич равишда электрон шаклга ўтказиш вазибаларига тегишлидир. Телекоммуникация инфратузилмаси бу жараёнда муҳим вазифани бажаради. Жорий йилнинг 28 апрелида Юртбошимиз томонидан «Рақамли иқтисодиёт ва электрон

ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинган. Ҳозирда 2021 йил биринчи чорага мўлжалланган лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Бунинг учун, аввало, аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгил қилиш муҳим. Шу талабдан келиб чиқиб, ишчи гуруҳлар томонидан 530 та ҳудудий ва 280 та тармоқ лойиҳаси тайёрланди.

Хусусан, жорий йил якунигача 14 та ва келгуси йил биринчи чорага яна 14 та туманда одамлар энг кўп мурожаат қиладиган соғлиқни сақлаш, кадастр, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича 239 та лойиҳа амалга оширилади. Мисол учун, «Электрон поликлиника» тизимини жорий қилиш орқали қоғоз ҳужжатлар 40 фоизга, навбат кутиш 60 фоизга қисқаради. Бунинг учун марказий шифохона ва поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш лозим. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида электрон тиббиёт картаси, электрон шифохона ҳамда шошилиш тиббий ёрдам тизимлари жорий этилмоқда. Ушбу дастурлар келгуси йили Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Янги тизим орқали нималар ўзгарди?

Рақамлаштириш иқтисодиёт тармоқларида тежамкорлик ва самардорликни таъминлайди. Масалан, Тойлоқ ва Оқдарё туманларидаги шағал ковлаб олиш карьериди машиналарнинг юк ҳажмини назорат қилиш тизими йўлга қўйилгани натижасида ойлик тушум

3 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмга ошган. Саноат тармоқларида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар кузатилди. Келгуси уч йилда нефть, газ ва энергетика соҳасида 18 та, металлургия бўйича 12 та, автосаноат тизимида 9 та, кимё саноатида 8 та, тоғ-кон геология тармоғида 4 та рақамлаштириш лойиҳаси режалаштирилган. Мисол учун, Муборак ва Шўртан нефть-газ корхоналарида автоматлашган диспетчерлик хизмати жорий этилгани туфайли йилига 50 миллион куб метр газ ва 650 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилишга замин яратилди. Асакадаги автомобиль заводида логистика, харидлар, хомашё ва бутловчи қисмлар ҳаракатини рақамлаштириш орқали 41 миллион АҚШ доллар тежаланди. Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатидаги «Ёшлик-1» ва «Қолмоққир» конларида транспорт комплекси автоматлашган бошқарув тизимини жорий қилиш ҳам шундай самарали лойиҳалардан. Бу орқали йилига 28 миллиард сўмлик маблағ тежаб қолинади.

Рақамли иқтисодиёт коррупцияга барҳам берадими?

— Рақамли иқтисодиёт жамиятнинг барча соҳасини рақамлаштириш ҳисобланади, — дейди **Тошкент молия институтининг профессори Барногул Саноқуллова**. — Бироқ жамият бугун барча соҳаларни бирдек рақамлаштиришга тайёрми, деган савол туғилади. Республика бўйича узлуксиз электр таъминоти муаммоси ечилмас экан, рақамлаштириш тўғрисидаги гапларимиз баландпарвоз гаплардан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. Кейинги масала, аҳоли бу тадбирга қанчалик моддий ва рухий жиҳатдан тайёрлиги, яъни аҳолининг барча қатлами бугун ўз ҳаётини реал онлайн режимида акс эттирилиши, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларни шаффоф бўлишига тайёр бўлиши

керак. Чунки бу тизим аҳолининг маълум бир қатламига нисбатан ишлаб, ярмига нисбатан амал қилмайдиган бўлса, мақсадга эришиб бўлмайди. Бу тизимда ҳар бир шахс ва фаолиятини мониторинг қилиш, керак бўлса йиғилиб бориладиган маълумотлар асосида унинг келгуси фаолият йўналишини башорат қилиш имкониятлари ҳам мавжуд бўлади. Рақамли иқтисодиётга ўтиш коррупцияни йўқотади, мансабдор шахслар ноқонуний бойлик орттиришдан қўрқади ва бунга қўл урмайди. Инсонларнинг кундалик ҳаёти осонлашади, қоғозбозлик йўқолади, бу ўз-ўзидан харажатларни камайтиради.

Кадрлар масаласи муҳим

— Рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва унумли ишлатиш, албатта, мутахассисларга боғлиқ. Шу боис кадрлар тайёрлашга ҳар томонлама аҳамият берилмоқда, — дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Жамол Мақсудов**. — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ахборот технологияларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган 205 та мактаб ташкил этилиши режалаштирилган.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва IT-паркларда ахборот технологиялари ўқитувчиларини тайёрлаш ҳамда уларни сертификатлашнинг миллий тизимини жорий қилиш муҳим. Бундан кейин малака сертификати олган ўқитувчиларга ҳар ойда қўшимча 50 фоиз устама тўланади. Шунингдек, ўқувчиси «Бир миллион дастурчи» курсини муваффақиятли якунлаган мактаб ўқитувчиларини мукофотлаш ҳам йўлга қўйилади. Буларнинг барчаси рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги амалий ишлардир. Бу эса иқтисодий тизимнинг ривожланишида ҳамда шаффоф бўлишида асқатиши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Юртимизда туман ва шаҳар ҳокимлари бир ойда 2-3 кун фақат рақамлаштириш билан шахсан шуғулланиши белгиланди. Уларнинг фаолиятига ҳудудда рақамлаштириш қай даражада йўлга қўйилганига қараб баҳо берилди. Бу соҳада яхши натижа кўрсатган раҳбарларга 30 фоизгача устама жорий қилинади.

Шунингдек, бундан кейин «электрон кундалик», «электрон дарслик», «ўқитувчиларни баҳолаш» тизимлари барча ҳудудларда жорий этилади.

Ўзбекистон Бош вазири Тожикистон Президенти билан учрашди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ:



Ўсимликлар карантини бугунги талабга жавоб бериётими?

Мамлакатимиз ҳудудига чет элдан олиб кирилган ҳар бир маҳсулотнинг фитосанитария сертификати ёки гувоҳнома-си бўлиши шарт. Зеро, юртимизга зарарли организмлар худ-ди коронавирус сингари кенг масштабда тарқалиб, иқтисо-диётга жиддий зарар етказиши мумкин. Маълумотларга кўра, сўнгги олти ой давомида карантин чегара масканида 26 та ҳолатда умумий ҳажми 120 килограмм бўлган уруғлик маҳсулот йўқ қилиш учун олиб қўйилган. Уларда зарарли ҳашаротлар ёки паразитлар аниқланган.

Пандемия шароитида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан нафақат экспорт маҳсулотлари, балки импорт маҳсулотлари назорати ҳам янада кучайтирилмоқда. Хўш, ўсимликлар карантини бўйича юртимизда қандай ишлар амалга оширилмоқ-да? Импорт ва экспорт масалалари қай даражада ҳал этилмоқда? Соҳадаги муаммолар нималардан иборат?

Айтиш керакки, озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг тараққиёти кўп жи-ҳатдан Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятига ҳам боғлиқ. Агар карантин ости ўсимликлари, масалан, шумғия, девпечак, зарпечак, олма курти ва бошқа зараркунандалар мамлакат ҳудудига ўтиб кетса, қишлоқ хў-жалиги экинларига катта моддий зарар етказилади.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар ва экспорт сиёсати-нинг асосий мақсади — мамла-катимиз маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига мослашти-ришдир, — дейди инспекция бошлиғи Иброҳим Эргашев. — Ҳозиргача 19 та давлатга 78 хил маҳсулотни экспорт қилиш учун рұхсатномалар олинди. Сертифи-кация учун ўнлаб ғоғоз хужжатла-ри ўрнига ягона электрон тизим жорий этилиб, экспортчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш муд-дати 10 кундан 1 кунга туширил-ди. Шунингдек, инспекцияга 1 декабрга қадар ўз маълумотлар базасини божхона органларининг «Ягона дарча» электрон тизими-га тўлиқ интеграция қилиш вазифаси қўйилган.

Қандай муаммолар мавжуд?

Албатта, ютуқлар ўзимизники, уларни ҳар қанча таъкидласак ар-зийди. Хўш, соҳада қандай муам-молар бор? Улар нималарга тўсиқ бўлмоқда?

— Айтиш керакки, фитосанитар дала назорати фақат текшириш орқали амалга оширилиши ўсим-ликлар карантини давлат инспек-торлари фаолиятида қийинчилик туғдириб, шошилиш чоралар қў-

рилишига тўсқинлик қилмоқда, — дейди И.Эргашев. — Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғриси-даги кодексда белгиланган жари-ма миқдорларининг камлиги ушбу ҳуқуқбузарликларнинг қайта-қай-та содир этилишига ҳамда улар сонининг ортишига сабаб бўлмоқ-да. 4 миллион гектар ер майдо-нида дала назоратини ўтказиши-миз лозим эди. Лекин пандемия ва бошқа турли сабаблар билан дала назоратининг мониторинги тўлиқ ўтказилмади. Инспекторлар тўғридан-тўғри дала назоратини ўрнатишида чекловлар мавжуд.

Таъкидлаш керакки, ҳозир-ги пайтда зарарланган орга-низмлар жуда кўпайиб кетди. Маҳсулотларнинг экспорт-боглиги тушиб бормоқда. Зараркунандаларга қарши курашиш тўғри белгилан-магани натижасида ҳосил-дорлик кўрсаткичи тушган. Хусусан, 2020 йилнинг ўтган 8 ойида маҳсулотларимиз экспортга чиқарилганда кўп-лаб давлатлардан эътирозлар келди. Хорижий давлатларга экспорт қилинган мева-сабза-вот маҳсулотлари импортёр давлатлар фитосанитария талабларига мувофиқлигини таъминлашда юзага келаётган муаммолар оқибатида 2019 йилда 77 та нотификация келган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 112 тани ташкил этди.

— Ўзбекистоннинг битта маҳсулотини хорижга экс-порт қилиш учун бир неча ой, ҳатто йиллаб музокара қилишга тўғри келади, — дейди И.Эргашев. — Инспекция томонидан 19 та ноанъанавий давлатга 78 турдаги маҳсулотни экспорт қилишга эри-шилди. Улар биздан боғларнинг, қадоқлаш цехларининг рўйхатини сўрашмоқда. Ўсимликлар каран-тини давлат инспектори камида уч марта ўша боққа бориб дала назоратини амалга оширганини тасдиқловчи далолатномани ҳам талаб қилишади. Қандай ҳашарот чиқди, унга қарши қандай дори сепилди, натижаси қандай бўлди, ҳаммасининг ҳисоботи сўралади. Биргина мисол: Жанубий Корея

юртимизда етиштирилган қо-вунни 4 йилдан буён ўз ҳудудига киритмаяпти. Қовунга тушадиган ҳашарот республиканинг қайси ҳудудларида бор, бизга харитаси-ни беринглар, деяпти. Унга қарши курашишда кўрилган чоралар бў-йича ҳисобот сўрашапти. Қовунни ҳашаротсиз тоза ҳудуддан юбор-ганимизни исботлаб беришимиз-ни талаб қилишади.

Айтиш керакки, юқоридаги каби муаммоларнинг юзага чиқиши-да маҳсулотларни етиштиришда зараркунанда ва касалликлар-га қарши сифатсиз кураш олиб

ҳозирги нархидан 3-4 баравар қимматроқ сотишдир. Товарларни халқаро фитосанитария талаби асосида тайёрлаш учун маҳсу-лот етиштирувчи, қадоқловчи ва экспорт қилувчи ҳар бир орхо-нага карантин инспекторларини бириктириш керак.

— Литва, Латвия, Украина, Озар-байжон, Миср, Қатар, Монголия, Афғонистон ва бошқа давлатлар билан музокара ўтказилиб, гилос, анор, узум, қовун каби мева-сабза-вотлар экспорти учун тадбиркор-ларга йўл очиб бериш чоралари кўрилмоқда, — дейди Инвести-

циялар ва ташқи савдо вази-рининг биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов. — Бу орқали мева-сабзавот экспортни 2-3 миллиард АҚШ долларига етказиш мумкин. Бунинг учун замонавий лабораториялар ва карантин инфратузилмасини ривожлантиришимиз зарур. Ҳо-зир хориждан икки ой муддат ичида 50 миллион АҚШ дол-лари миқдорида инвестиция жалб қилиш бўйича иш олиб бораётимиз. Келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини 5 миллиард АҚШ долларига етказиш мўл-жалланган.

Албата, юртимизда етишти-рилаётган маҳсулотлар экс-порти ҳажмини кўпайтириш ва четдан кириб келаётган ҳар бир маҳсулотнинг сифат дара-жаси стандартларга ҳослигини текшириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сифат ва рақобат-ни таъминлаш борасида хусусий клиника ва биологаторияларни кўпайтириш керак. Айни дамда соҳага оид хусусий сектор ишти-рокида 205 та ўсимликлар клини-каси ва 690 та биологатория мавжуд. Мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида Тошкент дав-лат аграр университети ва унинг филиалларида ҳам халқаро фито-санитария талаблари ўқитилмоқ-да. Бу эса фан билан амалиётни уйғунлаштирган тарзда мамлакат иқтисодиётига ўз таъсирини ўтка-зиши тайин.

Мавзуга оид маълумот:

Жорий йилнинг 8 ойи даво-мида хориждан жами 2,4 млн. тонна карантин остидаги юк-лар олиб келиниб, назоратдан ўтказилган. Юртимиздан чет мамлакатларга экспорт қилин-ган карантин остидаги юклар 1,4 млн. тоннани ташкил қилиб, уларга 114,1 минг дона халқаро фитосанитар сертификатлари берилган. Шу билан бирга, рес-публика бўйича жами 67 405 дона ички фитосанитар серти-фикати белгиланган тартибда расмийлаштириб берилди.

борилаётгани, дала ва боғларга агроном мутахассисларининг жалб қилинмаётгани, маҳсулот-ларни экспорт қилишда маҳсус саралаб қолиб қолган, қадоқлаш ва маркировкалаш технологиялари-дан ўтмагани, ҳали-ҳануз эскича тизимда, яъни зарарланган ёғоч яшиқларга юклаб, тўғридан-тўғ-ри экспортга юборилиши кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Фан билан амалиёт уйғунлашуви натижа кўрсатади


Бугунги кундаги энг долзарб масала, бу — янги экспорт бо-зорлари топиб, маҳсулотларни

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Ўзбекистон спиртли ичимликлар экспортини 2 бараварга оширди.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ: нега шу вақтгача бирор жиддий лойиҳа амалга оширилмади?



– Мазкур йўналишда Ғиждувон туманида Хитойнинг йирик «Liaoning lider» корпорацияси билан шомол электрстанцияси ташкил этилмоқда, – дейди Бухоро вилояти ҳокимлиги аппарати инвестиция ва ташқи савдо бўйича котибияти мудири **Отабек Қазоқов**. – Айни пайтда тегишли синов ишлари якунланди. Тез орада бу ерда 240 миллион АҚШ доллари қийматида тўғридан-тўғри хориж инвестициясини киритиш ҳисобига 200 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган шомол электрстанцияси барпо этилади. Бундан ташқари, «ACWA Power» компанияси (Саудия Арабистони) томонидан Пешку ва Ғиждувон туманларида шомол салоҳиятини ўрганиш учун режалаштирилган 18 та метеорологик устундан 10 тасини ўрнатди. Шомол салоҳиятини ўрганиш ишлари 2021 йилнинг август ойигача давом этади. Синовлар муваффақиятли амалга ошса, умумий қуввати 1000 МВт бўлган шомол электрстанциялари қурилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, вилоятда қуёш электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича ҳам бир қатор инвесторлардан таклифлар келиб тушмоқда. Аммо... Гап шундаки, мазкур муқобил манбалар эвазига ишлаб чиқарилган энергия нархи аҳолининг айни пайтда фойдаланиб турган анъанавий энергия тўловидан анчайин фарқ қилади. Масалан, шомол электрстанцияси ташкил этаётган Хитойнинг йирик «Liaoning lider» корпорацияси дастлаб бир кВт электр энергиясини 13 центдан баҳолаган. Энергетика вазирлиги билан музокаралар натижасида нархни 4,5 центга туширишгача боришган. Аммо ушбу нарх ҳам айни ҳолатда истеъмолчилар учун қимматлик қилмоқда (маълумот учун: вилоятда 1 кВт электр энергияси нархи 295 сўмни ташкил этади).

Кўриниб турибдики, энергия ишлаб чиқариш қиймати аҳолининг мавжуд истеъмол харажатларидан бирмунча қиммат. Бу эса аҳолининг энергия истеъмоли борасидаги харажатларининг бир қисми давлат томонидан қопланаётганини англатади. Агар соҳада янада янги инновацияларни жорий этмоқчи бўлсак, биринчи навбатда, тизимга ҳам бозор муносабатларини жорий этишимиз, аҳолининг мазкур йўналишдаги боқимандалик кайфиятини бартараф этиш керак. Ана шундагина соҳага инвесторлар оқими янада кўпроқ кириб келади ва аҳоли ҳам доимий энергияга эга бўлади.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Утган куз-қиш мавсумида Бухоро вилояти аҳолисида тушган мурожаатларнинг 18 фоизи электр энергияси таъминоти билан боғлиқ. Бу бир соҳа учун жуда ҳам кўп.

– Электр таъминоти сифати кўп жиҳатдан мавжуд ускуна ва қурилмаларнинг техник соғлиғига ҳам боғлиқ, – дейди «Бухоро ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти техник директори ўринбосари **Зоир Рустамов**. – Мазкур мақсадда жорий куз-қиш мавсуми олтидан барча подстанция ва электр ускуналарининг техник ҳолатини синовдан ўтказдик. Кўрик давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида подстанцияларнинг 31 тасида мукамал, 52 тасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шу билан бирга, ҳудудлардаги эскириб қолган, техник ҳолати талаб даражасида бўлмаган трансформатор пунктлари, ҳаво электр узатиш тармоқларида мукамал ҳамда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

«Ҳақини тўла ва электр ол» ёхуд АСКУЭ тизими афзаллиги нимада?

Тан олиш керак, электр таъминотидаги муаммолар кўп ҳолларда истеъмолчиларнинг ўз вақтида фойдаланилган электр энергия тўловларини амалга оширмагани оқибатида келиб чиқар эди. Электр корхоналари ҳам хўжалик ҳисобидаги алоҳида юридик шахс. Подстанциялар, трансформаторлар, электр узатиш тармоқлари таъмири харажатлари истеъмолчилар тўловидан келиб тушган даромадлар ҳисобидан қопланади.

– Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида республикада биринчилардан бўлиб электр энергиясидан фойдаланишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди, – дейди жамият бўлим бошлиғи **Қахрамон Қувватов**. – АСКУЭ деб аталувчи ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, унга уланган барча истеъмолчиларнинг электр ҳисоблагичлари доимий назоратда бўлиб, баланс қиймати «нол» суммадан кам бўлган тақдирда тизим орқали автоматик равишда, яқка тартибда, тармоқдан ажратилиши амалга оширилади ҳамда истеъмолчи томонидан тўлов амалга оширилгандан сўнг электр энергияси

таъминоти тез фурсатда қайта тикланади. Демак, эндиликда фақат электр энергияси пули тўланган тақдирдагина электр етказиб берилади.

Янги тизим муаммоларни тўлиқ ҳал этиптими?

– Илгарилари баъзан ҳафталаб электр энергияси бўлмаган вақтлар бўларди, – дейди **Ромитан туманидаги «Атторон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Зебо Ғайбуллаева**. – Тан олиш керак, сўнгги йилларда электр таъминоти анча яхшиланди. Аммо ҳали ҳам баъзида узилишлар бўлиб турибди. Кимдир, «шукр қил, аввалгидан яхши-ку», дейиши мумкин. Аммо ҳозир аввалги замонга қараб иш тутадиган пайт эмас. Қолаверса, кундалик ҳаётимиздаги барча эҳтиёжлар электрга боғланиб қолган. Масалан, қишлоқ шароитида ер остидан

МАНА, ЭНДИ БУГУН АҲОЛИНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА ЭҲТИЁЖИ ШИДДАТ БИЛАН ОШГАН БИР ПАЙТДА БУ МАСАЛА КУН ТАРТИБИДА НИҲОЯТДА ДОЛЗАРБ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

сув чиқарувчи ускуна, иссиқлик қозони, уйдаги маиший жиҳозлар – барчаси электр билан ишлайди. Фарзандларимизнинг онлайн дарсларда қатнашиши учун ҳам электр таъминоти зарур. Демак, электр бўлмаса ҳаёт ҳам тўхтайдиган ҳисоб. Шу боис эндиликда, электр таъминотида «лимит», «чеклов» деган тушунчалар ҳам бартараф этилса яхши бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонаси маълумотларига асосан, куз-қиш мавсумида электр энергияси таъминотида узилишлар бўлиши, тасдиқланган графика асосан, электр энергияси етказиб берилмаслиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Қоракўл туманидаги жануби-ғарбий магистрал миллий бошқарув корхонасига қарашли «Қоракўл-500» подстанцияси Самарқанд диспетчерлик бўлими томонидан бошқарилади. Электр ишлаб чиқарувчи корхоналарда қувват танқислиги пайдо бўлган заҳоти, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг технологияларини сақлаб қолиш мақсадида истеъмолчи камайгириш учун биринчи бўлиб Қоракўл туманини электр энергияси таъминотидан узиб қўйилмоқда.

Демак, мавжуд ишлаб чиқарилаётган электр қувватлари аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қоплай олмаяпти.

Муқобил энергия манбаларини амалга татбиқ этиш вақти келмадими?

Электр таъминотида муқобил энергия манбаларини жорий этиш, минтақамизнинг шомол, қуёш энергияси манбаи сифатидаги салоҳияти хусусида кўплаб умидли сўзларни эшитганмиз. Аммо шу вақтгача бирор-бир жиддий лойиҳа амалга оширилганлигини кузатмадик. Мана, энди бугун аҳолининг электр энергиясига эҳтиёжи шиддат билан ошган бир пайтда бу масала кун тартибда ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда. Тўғри, барпо этилаётган атом электрстанцияси мазкур йўналишдаги муаммоларга анчайин ечим бўлиши мумкин. Аммо уни ишга туширишга узоқ муддат талаб этилади. Бизга эса қисқа муддатда эксплуатация қилинадиган лойиҳалар керак.



Тожикистоннинг Сўғд вилоятида Ўзбекистон томонидан бунёд этилган мактаб очилди.

Тахтакўпир тумани — Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Туман маркази Нукус шаҳридан 120 км. узоқликда жойлашган ушбу ҳудуд масъуллар нигоҳидан ҳам четда қолгани боис йиллар давомида бир қатор муаммолар тўпланиб қолган. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, йўл, транспорт масалалари, коммунал хизмат кўрсатиш, тиббиёт ва таълим соҳалари катта эътибор қаратишни талаб этади. Тўғри, бу борада салмоқли ишлар бошланган, лекин вақт ўтгани сари ушбу юмушларнинг қўламини кенгайтириш зарурати ортиб борапти.

Муаммоларга кимдир қизиқадими?

Тумандаги Атакўл овул фуқаролар йиғини аҳолисини ичимлик суви билан боғлиқ муаммо қийнаб келяпти. Ушбу ҳудудга шу вақтгача бирон марта ичимлик суви қувурлари тортиб келинмаган. Айтишларича, овулдаги уйларнинг сийрак, бир-биридан узоқ жойлашгани, бу эса кўп харажат талаб қилиши бунга сабабдир. Шу боис одамлар шўр бўлсада, қудуқлардан, босма кранлардан чиққан сувни ичишга мажбур.

Яна бир масала: овул туман марказидан 12 км. узоқда жойлашган. Йўлларнинг талаб даражасида эмаслиги боис маҳалладан туман марказига транспорт қатнови йўқ. Фақат яқшанба кунлари бозор учун битта автобус бир маротаба қатновни амалга оширади. Болалар боғчаси фаолияти ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмас. Бу борада туман ҳокимлигига қанча мурожаат қилинса-да, негадир бу масала ечимини топмаяпти.

Ҳудуд болалари йиғин марказидаги 8-умумтаълим мактабида тахсил олади. Бу эса 7 км. узоқликдаги аҳоли пунктларидан қатнайдиغان 80 нафарга яқин ўғил-қизлар учун катта қийинчилик туғдиришмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг қишнинг қор-қировли, изғиринли кунларида яёв кетаётганини кўз олдига келтиришнинг ўзи кишини даҳшатга солади.

— *Мақтаб, боғча қуриб бериш масаласида туман ҳокимлигига кўп марта мурожаат қилганмиз, — дейди Турман овулида истиқомат қилувчи Бахтбой Кунжўжаев. — Лекин боғча ёшидаги болалар камлиги баҳона қилиниб, мурожаатимиз ортга сурилиб келмоқда. Йўл масаласи ҳам асосий муаммолардан. Йўлнинг бир қисмига шағал тўқилган. Аммо 3,5 км. оралиқ масофа тупроқ кўча бўлгани боис ёзда чанг, ёмғирли кунларда лой оралаб йўл топишга қийналамиз. Биз яшайдиган овулни йиғин маркази билан боғловчи, ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган кўприк ҳам таъмирталаб бўлиб қолган.*

«ЮҚОРИ»ДАН ОДАМ КЕЛМАГУНЧА МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛМАЙДИМИ?



Биргина йўлнинг носозлиги қатор муаммоларга сабаб бўляпти. Овулда табиий газ йўқ ва аҳоли суюлтирилган газдан фойдаланади. Газ баллонларини алмаштириш учун эса туман марказига бориш керак. Йўлнинг носозлиги, транспорт қатновининг камлиги боис одамлар икки ҳисса ортиқча харажат қилишига тўғри келади. Яъни одатда 1 дона газ баллони 22 минг сўмга тўлдирилса, овул аҳли бу учун 50 минг сўм харажат қилишга мажбур.

Сайёр қабул муаммолар ечимига хизмат қилдимиз?

Тумандаги Қораой овул фуқаролар йиғинида ҳам кўплаб муаммолар йиғилиб қолган. Хусусан, кўп йиллардан буён ички йўлларни таъмирлаш борасидаги мурожаатлар эътиборсиз қолиб кетмоқда. Айдуствқалъа овулига эса болалар боғчаси зарур. Ҳудуднинг «Ўзбекистон», «Маржонкўл» маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам, асосан, ички йўлларни таъмирлаш, айрим овулларни ичимлик суви билан таъминлаш масаласи кун тартибиди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Алишер Усмонов раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган сайёр қабулда Тахтакўпир тумани маҳаллаларида йиғилиб қолган юқоридаги каби муаммолар ўрганиб чиқилди.

Унга асосан, Атакўл овул фуқаролар йиғини ва «Ўзбекистон» маҳалласидаги ичимлик суви масаласи шу ернинг ўзида ҳал этилиб, 2021-2023 йилги Инвестиция дастурига киритилди. Унгача аҳолига махсус транспортларда тоза ичимлик суви етказиб бериладиган бўлди. 7 км. узоқликдаги мактабга қатнайдиغان ўқувчилар учун туман ҳокимлиги томонидан махсус транспорт ажра-

тиладиган бўлди. Йўл масалаларини ижобий ечиш учун тегишли ташкилотларга топшириқ берилди.

Шунингдек, сайёр қабулда фуқароларга кредит ажратиш, уларни иш билан таъминлаш масаласи билан боғлиқ мурожаатлар шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди.

— *Қорақалпоқ давлат университети тамомлаганман, — дейди Зуҳра Қурбонбоева. — Тахтакўпир қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида кадрлар бўлимида ишлаётган эдим. 2019 йилда штатлар бирлиги қисқариши натижасида ишсиз қолдим. Бир йилдан буён иш қидириб бормаган жойим қолмади. Сайёр қабулда мурожаатим ижобий ҳал этилди. «Маржонкўл» маҳалласидаги 20-умумтаълим мактабига ишга қабул қилиндим. Масофа бироз узоқ бўлса-да, ишли бўлганимдан хурсандман.*

Кўрсатмалар бекаму кўст бажарилишига кафолат борми?

Албатта, юқоридаги масалалар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолмаган. Уларнинг юзага келишида қайсидир жойда эътиборсизлик, лоқайдлик, кимнингдир сансалорликка йўл қўйгани сабаб бўлган. Хўш, вазият қачон ўзгаради? Масъуллар бу ҳақда нима дейди?

— *Муаммоларнинг ечимига аллақачон киришилди, — дейди Тахтакўпир тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникация ва коммунал хўжали-*

ги масалалари бўйича ўринбосари Дониёр Жанабаев. — Айни пайтда «Маржонкўл» маҳалласидаги йўлни, давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш, Атакўл овулидаги кўприкни бутлаш ишлари учун маблағ ажратиш масаласи кўриб чиқилляпти. Шунингдек, мавжуд муаммоларнинг ечимини 2021 йилги Давлат дастурига киритиш бўйича юқори ташкилотларга тақлиф юборилмоқда. Бу борада соҳалар бўйича махсус комиссиялар тузилиб, жойларга юборилди. Ўрганиш натижасида тегишли лойиҳалар тайёрланади.

Шу ўринда бизни бир қатор саволлар қийнайди: нега туман миқёсида ечилиши мумкин бўлган масалалар шу пайтгача пайсалга солиб келинган? Ичимлик суви учун махсус транспорт қўйиш, болалар учун автобус ажратиш учун республика даражасидаги ишчи гуруҳи бориб, масалани ўрганиши шартми? Ҳўп, мутасаддилар шу вақтгача муаммоларга панжа орасидан қараб келган экан, ишчи гуруҳи ортга қайтгач, кўрсатмалар охиригача бекаму кўст бажарилишига кафолат борми? Ёки бу масала учун яна бир марта республика миқёсида ишчи гуруҳ келиши керакми?

Хуллас, саволлар бисёр, уларга қандай жавоб бўлишини эса вақт кўрсатади. Демак, биз мавзуга яна қайтамыз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»



Ўзбекистонда биринчи
жинси бренди яратилди.

ЭНДИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ТАСВИРГА ОЛИШ ТАҚИҚЛАНАДИ...(МИ?)



Кейинги пайтларда тасвирга олиш, овозни ёзиш воситаларининг кескин ривожлангани туфайли айрим фуқароларнинг ножоиз хатти-ҳаракатлари оммага тарқалиб кетиши, оқибатда шармандали вазиятларга олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айрим ҳолларда эса бундай «факт»лардан товламачилик, фирибгарлик мақсадида фойдаланадиганлар ҳам топилмоқда.

Масалан, жорий йил ёз ойларида тошкентлик йигит бир қизнинг ишончига кириб, уни суратга туширгани ва тарқатиб юбориш билан қўрқитиб, анча пайт пул олиб юргани тўғрисидаги шов-шувлар тарқалди. Натижада товламачига пул топиб беролмай қолган қиз ўз жонига қасд қилган. Албатта, жиноятчи тегишли жазони олди. Аммо бу билан илдириб кетаётган муаммо ҳал бўлиб қолгани йўқ.

Суратдан фойдаланиш учун розилик олиш шарт

Яқинда Адлия вазирлиги Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳасини муҳокама учун эълон қилди. Лойиҳадаги янгиликлардан бири, бу — фуқаронинг ўз тасвирга бўлган ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашга қаратилган алоҳида модда киритилаётганидир. Ҳўш, мазкур чора юқоридагидек ҳолатларга чек қўя оладими? Айрим оммавий ахборот воситалари янгиликни давлат хизматчилари тасвирини ҳимоя қилишга қаратилгани ва демократик тамойилларга тўғри келмаслигини айтиб танқид қилишмоқда. Бу юртимизда энди-гина куртак отаётган матбуот, сўз

эркинлигини қайта жиловлашга уриниш деб баҳолашяпти. Лойиҳа юзасидан мутахассислар фикри билан қизиқдик.

— Фуқаролик кодекси лойиҳасига киритилаётган «Фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқини ҳимоя

Масалан, кейинги пайтларда мазкур соҳа вакиллари билан боғлиқ кўплаб видеоёзувлар оммага тарқатилди. Айрим ҳайдовчилар ўзининг ҳақлигини исботлашнинг бошқа йўлини топа олишмаган. Энди фуқаролар бу имкондан маҳрумми?

— Йўқ, янги лойиҳа истисно ҳолатларни, яъни фуқарони тасвирга тушириш ва ундан фойдаланишга розилик олишни талаб қилмайдиган қатор вазиятларни ҳам назарда тутди, — дейди **Аъзам Мадамино**. — Масалан, бунга тасвир

рилганда ва бу тасвирлардан фойдаланилганда розилик олиш талаб қилинмайди. Йўл ҳаракати қатнашчилари ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурилмага қайд қилиш ҳуқуқига ҳозир ҳам эга ва бу қоида сақлаб қолинади.

Қоидани бузганга қандай жазо бор?

Айтиш керакки, ўзининг тасвирдан розилигисиз фойдаланишга дуч келган фуқаро тасвирини ўчириб ташлашни, тасвири акс этган нарсаларни йўқ қилиш ва муомаладан чиқаришни, олиб ташлашни талаб қилиши, талаблар бажарилмаса, ўзига етказилган моддий зарар ва маънавий зиённи ундириш учун судга мурожаат қилиши мумкин бўлади. Бунда фуқаро ўзи талаб қилаётган ҳолатларни, ўзига моддий зарар ва маънавий зиён етказилганини исботлаши лозим бўлади.

Ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари дахлсиз бўлиши шарт

Бизнингча ҳам, фуқароларнинг тасвирларидан ғараз ниятда ёки сўроқсиз бизнес воситаси сифатида фойдаланиш ҳар қандай демократик жамиятнинг талабларига тўғри келмайди. Аммо бундай қоидалар оддий инсонларнинг турли жиноятларни фош этиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини ҳам чекламаслиги керак.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсиқ сифатида талқин қилинишига йўл қўйилмаслиги шарт. Ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг тасвирларидан фойдаланган ҳолда уларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказувчи, оилавий ва шахсий сирини ошкор этувчи маълумотлар тарқатиш ҳолларига эса чек қўйилиши керак.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



қилиш» деб номланган моддага кўра, фуқарони тасвирга тушириш (унинг фото ва видео тасвирини ҳамда унинг тасвири акс этган тасвирий санъат асарини яратиш), шунингдек, унинг тасвирдан фойдаланиш учун ушбу фуқаронинг розилиги, агар фуқаро вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, унинг қонуний вакиллари розилиги, вафот этган бўлса, фарзандлари, эри (хотини) ёки ота-онасининг розилиги талаб этилади, — дейди **Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори Аъзам Мадамино**. — Яъни умумий қоида тариқасида ҳар қандай фуқаронинг фото ёки видеотасвирдан фойдаланиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Энди ЙПХ ходимини суратга ололмайми?

Мазкур муаммо, айниқса, йўл-патруль хизмати фаолияти билан боғлиқ саволларни вужудга келтирмоқда.


дан давлат ёки жамият манфаатлари учун фойдаланилганда розилик талаб этилмайди. Бундай фойдаланишга ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш, тасвирдаги шахснинг жиноят содир этгани ёки бедарак йўқолгани сабабли қидирув эълон қилиш, давлат ва жамоат арбоблари ҳамда илм-фан, маданият ва бошқа соҳалар таниқли вакиллари тасвирдан жамият учун катта қизиқиш уйғотадиган ахборотни тарқатиш мақсадларида фойдаланиш, шунингдек, давлат хизматчиларининг хизмат вазифаларини бажариш жараёнида тасвирга тушириш ва бундай тасвирлардан фойдаланиш ҳоллари киради.

Яъни тасвирдан шахсий манфаатларда эмас, балки давлат ва жамият манфаатларида фойдаланилганида, шу жумладан, давлат хизматчисини хизмат вазифасини бажариш жараёнида тасвирга туши-

Мавзуга оид маълумот:

Шахсни тасвирга тушириш учун унинг розилигини олиш талаби ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд. Масалан, Европа Иттифоқида шахсий маълумотларни қайта ишлаш (тўплаш, ёзиб олиш, фойдаланиш, тарқатиш ва бошқалар) шахсий маълумот субъекти ўзининг шахсий маълумотларини бир ёки бир нечта аниқ мақсадларда қайта ишлашга розилик берган тақдирдагина қонуний ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Ушбу Регламентга кўра, инсон юзининг тасвири унинг шахсий маълумотлари қаторига киради.

Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишда давлат тили бўйича имтиҳондан ўтилади.



IMEI КОДЛАР МАШМАШАСИ: МАСЪУЛЛАР ҚАНДАЙ ИЗОҲ БЕРДИ?

Муаммонинг сабаби нимада эди?

Бобур ТИЛЛАБАЕВ,
Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази директори:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида мобил қурилмаларни ҳисобга олиш тизимини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш тизими жорий этилган. Мақсад — истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, республикамизга сифатсиз мобил қурилмаларнинг кириб келиши ҳамда унинг ноқонуний савдосининг олдини олишдан иборат эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган республикамиз ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низомда мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланган. Унга асосан, жисмоний шахслар учун рўйхатдан ўтказишни онлайн, «Ўзбекистон почтаси»нинг жойлардаги почта алоқа пунктларига ёки тизим операторига шахсан мурожаат қилиш орқали амалга ошириш имконияти яратилган. Жисмоний шахслар мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш учун паспорт маълумотлари, телефон рақами ва мобил қурилманинг IMEI-кодини тақдим этишлари талаб қилинади. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинаётган мобил қурилмаларнинг Давлат божхона қўмитаси томонидан ўрнатилган божсиз олиб кириш нормаларига риоя этилгани текшириш мақсадида шахснинг паспорт маълумотларига асосан, фуқаронинг Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар текширилади. Шу мақсадда тизим оператори Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан электрон ахборот алмашувини йўлга қўйган. Бироқ рўйхатдан ўтказиш масофавий ёки онлайн тарзда амалга оширилаётганда рўйхатдан ўтказувчи шахс билан тизим оператори ўртасида бевоқифа контакт бўлмаслиги сабабли фуқароларнинг паспорт маълумотларини айнан шу шахснинг ўзи ёки бошқа шахс томонидан тақдим қилинаётганини аниқлаш имкони бўлмайди. Шу сабабли



ҳозирда учинчи шахсларнинг паспорт маълумотларидан фойдаланган ҳолда мобил қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш ҳоллари кузатилмоқда. **Эндиликда учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида мобил қурилмаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнига қўшимча текширув алгоритми киритилди.** Яъни қурилманинг IMEI-кодини рўйхатдан ўтказишда жисмоний шахслар томонидан фойдаланиладиган абонент рақами маҳаллий мобил операторлардан ариза берувчи номига расмийлаштирилгани талаб этилади. Шу ўринда фуқароларимиздан республика ҳудудидан мобил қурилмаларни харид қилиш вақтида, уларнинг IMEI кодлари рўйхатдан ўтганини текшириб олишини сўраб қолардик. Текширишни **1170** қисқа рақамга IMEI кодни SMS жўнатиш ёки **uzimei.uz** сайти орқали текшириб олишингиз мумкин.

Давлат бюджетига қанча маблағ тушган?

Рустам ҚОБУЛОВ,
Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи:

— Четдан олиб келинган мобил қурилмаларни юртимизда сотиш учун тадбиркорлик субъекти бож юритиш декларациясини тақдим этиши лозим. Ҳозир божхона органларида декларациялар маълумотини автоматик текшириш йўлга қўйилган. Агар импорт қилувчи тақдим қилган маълумотлар декларациядаги маълумотга мос келмаса, қурилмаларнинг бутун тўплами рўйхатга олинмайди. Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтгани тўғрисидаги маълумотлар (сана, усул ва бошқа) Давлат персоналлаштириш маркази билан электрон ахборот алмашиш орқали мурожаат этилган сана ва жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами қайд этилган ҳолда автоматик текширилади. Шунингдек, меъё-

ридан ортган қисми бўйича божхонага кириш ордери орқали божхона тўловларини ҳам тўлаш мумкин. Мазкур маълумотлар ҳам Uz IMEI тизимига интеграция қилинган. Жорий йилнинг 1 январидан 15 сентябрга қадар 451 минг 39 та (29,8 млн. долл.) мобил қурилма импорт қилинган. Давлат бюджетига эса 72,6 млрд. сўм ундирилган. Шунингдек, жорий йилда жами 4,9 млрд. сўмлик уяли алоқа воситаларининг ноқонуний олиб ўтиш ҳолатлари аниқланди.

Боши «айлан-тирилган» 3115 та уяли алоқа воситаси

Жавоҳир ҚОДИРОВ,
ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти катта терговчиси:

— Фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, тарқатиш, узатиш, йўқ қилиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 46²-моддасига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусан, 2020 йилнинг 18 сентябрь куни Андижон шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирларда ноқонуний ҳаракатлар аниқланган. Уч нафар шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 141²-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари ва 182-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб

борилмоқда. Дастлабки тергов жараёнида фуқаро банк филиалидан ўзининг номига берилган 5 та пластик картадаги пул маблағидан «UZPAYNET» МЧЖ орқали жами 2158 донга уяли алоқа воситасини қонунга хилоф равишда «Мобил қурилмаларини рўйхатга олиш тизими»да қайд этишда фойдаланган. Ушбу ҳолатда гумон қилинувчилар жуда кўп сонли бўлиб, 3115 донга уяли алоқа воситаси Қирғизистондан Ўзбекистонга айланма йўллар билан олиб кирилган.

Айни вақтда мазкур шахсларни аниқлаш тадбирлари давом этмоқда.

Садоқат МАХСУМОВА
тайёрлади.

Мавзуга оид маълумот:

Ҳурматли истеъмолчилар, мобил қурилмани харид қилишдан олдин IMEI-коди ҳолатини текширинг!

Бу қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

Тизим операторининг веб-сайтида

1. Сайтга кириш: www.uzimei.uz;
2. «IMEI-кодини текшириш» бўлимига ўтиш;
3. Мобил қурилмани IMEI-кодини киритиш (15 рақам);
4. Текшириш кодини киритиш;
5. «Текшириш» тугмасини босиш.

1170 қисқа рақамга SMS юбориш орқали

1. 1170 қисқа рақамга мобил қурилмани IMEI-коди (15 рақам) билан SMS юбориш;
2. SMS орқали жавобни кутинг.

***1170# USSD сўров орқали**

1. Мобил қурилманинг клавиатурасида *1170# комбинациясини теринг;
2. Тилни танланг;
3. "IMEI-кодни текшириш" хизмат турини танланг;
4. Мобил қурилмани IMEI -коди киритиш (15 рақам);
5. SMS орқали жавобни кутинг.

► Мобил қурилманинг IMEI-кодини телефон клавиатурасида *#06# комбинациясини териш орқали билиб олиш мумкин.
► Мобил қурилмада икки ёки ундан ортиқ IMEI-кодлари бўлса, мобил қурилманинг барча IMEI-кодларини текширишни унутманг.

ДИҚҚАТ! Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш қурилмани Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирган шахс томонидан амалга оширилади.



Жисмоний шахсларга олтин ёмби ва тангаларни хорижга олиб чиқишга рухсат берилди.

Ўсимлик хилими, ҳайвон турими, қайсидир маконда «туғилиб», унинг иссиқ-совуғига мослашади ва ўша жой биологик турга «ватан» бўлиб қолади. Одам-зотнинг феъли шундайки, бой-бадавлат, фаровон яшаш мақсадида ҳеч кимнинг хаёлидан ҳам ўтмаган ишларни қилсам, дейди.

Шу маънода сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида туяқуш бизнесини юритаётган, бундан катта даромад олаётган юртдошларимиз ҳақидаги ахборотлар оқимига дуч келяпмиз. Хўш, Африка туяқуши, Австралия эмуси, Америка нандуси каби ўзга қитъалар иқлимга мослашган туяқушни Ўзбекистон шароитида боқиб, кўпайтиришдан кўзланаётган манфаат нимада? Катта даромад эгаси бўлишимиз? Паррандалар туркумига кирувчи бу қушнинг гўшти, тухуми ички бозоримизда қандай нархланмоқда ва истеъмолга қай даражада яроқли?

Туяқуш Ўзбекистон иқлим шароитига қай даражада мос?

— Туяқуш ҳар қандай шароитга мослаша олади, — дейди бу борада илмий тадқиқот олиб борган ёш мутахассис Соҳиба Ибрагимова. — Африка саҳросида бу қуш ҳавонинг 56° С гача бўлган иссиқ ҳароратига чидай олади. Европа ва Россия фермаларида 15-16° С совуқ ҳам унинг сайр қилишига тўсқинлик қила олмайди. Шу боис Европа, АҚШ ва Канададаги мол гўшти ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари туяқуш кўпайтиришга ўтдилар. Ўзбекистон шароитига ҳам бу парранда тез мослаша

ДАРВОҚЕ...

Ҳозирги вақтда диетологлар туяқуш гўштининг парҳезбоплигини айтишмоқда. Гўшт таркибида холестерин миқдори камлиги боис қандли диабет, саратон, ОИТС каби касалликларни енгишда им-мун тизимини яхшилади. Хирургияда анчадан бери инсон пайлари жароҳатини даволашда туяқушдан донор сифатида фойдаланилади. Кўриш органларини даволашда туяқуш кўзининг мугуз пардасини одам кўзига кўчириб ўтказиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Туяқуш миясидан сўриб олинган суюқлик билан Альцгеймер касаллигини даволашда фойдаланилмоқда.

Андижонда «Asaka City» қурилиши бошланди.

ТУЯҚУШ бизнеси ўзини қай даражада оқлайди?



олиши исботланди. Айни пайтда Нишон, Қарши, Ангор, Сайхун-обод, Мирзаобод туманларида туяқуш кўпайтиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари мавжуд.

Таққослайдиган бўлсак, сигир туғилгандан кейин 645 кун ўтгач, сотиш оғирлигига етган бузоқни етиштиради ва 250 кг. гўшт беради. Катта ёшли туяқуш йилига камида 407 та жўжа беради ва у туғилгандан бошлаб 407 кун ўтгач, маркетинг ёшига етади ва унинг гўшт маҳсулдорлиги 1800 кг.гача боради. Бундан ташқари, 50 м² тери ва 36 кг. пати ҳам бўлади. Аммо туяқуш гўштининг нархи маҳаллий бозоримиз олди-сотдига қай даражада тўғри келади, бу ҳақда ҳали гапиришга эрта. Чунки туяқуш боқилаётган хўжаликларда ҳали уни мослаштириш жараёни кетмоқда. Бир дона тухуми эса 120 минг сўмга пулланиши ва 30 дона товук тухуми билан тенг келиши аҳолимизнинг истеъмол саватига тўғри келавермайди.

Кипригидан тухум пўчоғига чадаромад келтиради

Наманган вилояти Чуст туманидаги «Тепақўрғон» маҳалласида яшовчи Шавкат Ғойибназаров ҳам бу борада ўзига хос муваффақиятларга эришган ишбилармонлардан.

— Ушбу парранда турининг тез кўпайиши, тез катта бўлиши, сифатли тери, гўшт ва тухум бериши мени қизиқтирди, — дейди Ш.Ғойибназаров. — Бундан ташқари, унинг киприги, тирноғи, тухуми, ҳатто тухум пўчоғи ҳам даромад келтираркан. Ҳозирда йигирмадан зиёд она туяқуш ва олти мишга яқин жўжаларни парвариш қиляпмиз. Туяқуш товук, қора мол, қўй сингари жониворлардан фарқ қилади ва парваришда ҳам ўзига хос


жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу паррандага меҳр бериш керак. Рационига қатъий амал қилиш талаб этилади. Туяқушни тушуниб боқмаган одам эғлолмайди.

Туяқуш кластерини ташкил этишим учун ўтган йили ҳокимлик томонидан 5,5 гектар ер майдони ажратилди. 50 дан ортиқ ишчи ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, туяқуш терисидан оёқ кийим ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман. Ўтган вақт ичида 3 бош туяқуш сўйдик. Қизиқишим устунлик қилиб, уларнинг терисидан косиблар ёрдамида ўнлаб оёқ кийимлар ишлаб чиқардик. Кластер ишга тушгач, бу борада ҳам бир қанча лойиҳаларни амалга оширмоқчиман.

Эгаридан тушови қиммат эмасми?

Тўғриси айтганда, хорижники бўлса, хўрозқандга ҳам «кулук» қиламиз. Менталитетимиз шундай, чет элликларнинг ҳаёт тарзига, кийим-кечага, озиқ-овқати, ҳаттоки, жонзотларига ҳам ўта қизиқиш билан қараймиз. «Қовун қовунни кўриб ранг олар» деганларидек, телевидение орқали туяқуш боқётганлар ҳақида кўрсатув намойиш қилиндими, курби етган тадбиркор ана шу паррандани боққиси, даромадини яна ҳам кўпайтиргиси келиб қолади. Аммо уни четдан келтиришнинг нарх-навоси, боқиб бўйича тажрибаси етадимми, йўқми, бу ёғи бошқа масала.

— Ўзбекистонда, асосан, Африка туяқуши (лот. Struthio camelus) боқилади, — дейди Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Баҳриддин Раҳмонов. — Аммо 1 кг. гўштининг 120-130 минг сўмга баҳоланиши ҳамма одамнинг ҳам чўнтагига мос эмас. Қолаверса, туяқуш жўжаси ёши, дурқунлик даражасига қараб 250 дан 2500 долларгача нархланган ҳолда республикамызга келти-



рилиши масаласига «Эгаридан тушови қиммат эмасми?» деган нақл билан қараш керак. Ахир, бунақа катта чиқим тадбиркорликда малакаси, тажрибаси бўлмаган одамни катта хавф остига қўйиши мумкин. Туяқушни маҳаллий шароитга мослаштириш технологияси ҳали бизда мукаммал ишлаб чиқилмади. Ҳар ким ўзи билганича ва эшитганига қараб парвариш-ляяпти. Бизнесда эса таваккалчилик кетмайди.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Туяқушни ўз ватанидан Ўзбекистонга келтириш осон дейсизми? Бу — бизнеснинг катта тури. Миллиард-миллиард маблағ унча-мунча одамда йўқ. Буни фақат «чув» тушириш йўли билангина қўлга киритиш мумкин. Гап шундаки, туяқуш бизнеси билан шуғулланмоқчи бўлган кимсалардан бир гуруҳи «Straus House» МЧЖ таркибига бирикиб, 2019 йил январь ойида ўз фаолиятини бошлайдилар. Ният пок бўлмагани учун ҳам «ташаббус» туфайли қанчадан-қанча одамлар бармоқ тишлаб, афсус-надоматда қолдилар. Нимага дейсизми?

— Алдам-қалдам билан пул топмоқчи бўлган шахсларнинг хатти-ҳаракати барибир фош бўлади, — дейди Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди судьяси Одилбек Илҳомжонов. — «Straus House»нинг бир гуруҳ вакиллари 2019 йил бошидан то апрель ойига қадар 90 кун ичида Жанубий Африка Республикасидан «Ostrich» зотли туяқуш (страус) жўжасини етказиб бериш бўйича 300 нафардан ортиқ киши билан шартнома расмийлаштириди. Фирибгарлик билан қанчадан-қанча одамларнинг пулини ўзлаштирмоқчи бўлган шахсларга Жиноят кодексининг 168-, 184-, 189-, 243- ва бошқа моддаларида белгиланган жазо турлари тайинланди.

Нима ҳам дердик? Ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг салбий ва ижобий жиҳатлари бор. Африка туяқушининг Ўзбекистонга келтирилиши, мослаштирилиши ва кўпайтирилишига ҳеч ким қарши эмас. Фақат ўзга минтақанинг жонзоти Ўзбекистон иқтисодига, халқимиз турмуш тарзига ҳар томонлама самара келтирсанига бу масалани қўллаб-қувватлаш мумкин. Буни эса вақт кўрсатади.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»



Тахририятимизга Наманган вилояти Поп туманида жойлашган маҳалла раислари мактуб йўллашди. Унда тумандаги 31 нафар маҳалла раиси ўз вазифасидан озод этилгани кўрсатилган. Уларнинг аксарияти ўз аризасига кўра вазифасини топширган бўлса-да, маълум қисми бу ҳолатдан норози? Хўш, ўзи нима гап? Бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Умуман, бундай оммавий равишда маҳалла раисларини алмаштиришдан қандай мақсад кўзланган?

БИР ТУМАНДА 31 НАФАР МАҲАЛЛА РАИСИ НЕГА БИРДАН ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ?

«Ислохотни туман бўлимидан бошлаш керак...»

Тумандаги «Янги Хўжабод» маҳалласининг эндиликда собиқ раиси Фароғатхон Бобохонованинг айтишича, бу ҳолат 35-45 ёшдаги фуқароларни тажриба тарикасида маҳалла раиси этиб синаб кўриш мақсадида қилинган.

— Вилоят ҳокимлиги томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус туман ҳокимлигига қўл келди, — дейди **Ф.Бобохонова**. — Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси чақирилиб, маҳалла раисларига ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиш айтилди. Ушбу кўрсатмага амал қилмаганлар ноҳақ айбланиб, туман Кенгаши томонидан тузилган далолатнома асосида ўз вазифасидан озод этилди. Биз тизимга янги ва ёш кадрларнинг келишига қарши эмасмиз, аммо ўз вазифасини яхши бажариб турган раисларни бирдан ишдан бўшатиш қанчалик тўғри?!

Майли, мақсад тизимга ёш, замонавий дунёқарашга эга, шижоатли ёшларни жалб этиш экан, буни маҳалла раисларидан бошлаш шарт эдими? Ахир, бу ишни туманлар кесимида қисман бажариш ҳам мумкин эди-ку. Назаримда, маҳалла раиси катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак. Умуман олганда, ислохотни туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимидан бошлаш керак эди...

Ишни эплай олмайдиганлар аризачи бўладими?

Бу вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига мурожаат қилдик.

— Ҳозир ҳар бир соҳага ёш кадрларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди **туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Тўлқин Эрматов**. — Шу боис тумандаги маҳалла раисларига мазкур вазиятни тўғри тушунириб, уларнинг ўрнига ёш кадрларни олмоқчи эканимизни айтдик. Аксарият раислар буни тўғри қабул қилишди. Улар билан ҳеч қандай муаммо юзага келгани йўқ. Фақат айрим маҳаллаларда ўтказилган текширувлар натижасида

фаолиятида йўл қўйган камчиликлари учун далолатнома тузилиб, вазифасидан озод этилган маҳалла раислари арз қилиб юрибди.

Аслида бирон ишни қойиллатиб қўймайдиганлар аризачи бўлар экан. Шу пайтгача аҳолидан ўша маҳалла раислари ўз вазифасига панжа орасидан қараши, фуқаролар билан ишлашда хатоларга йўл қўяётгани борасида аризалар келиб тушган. Вазифасидан озод этилган маҳалла раисларига иш топиб беришимизни, ҳозирча эса ўз худудида пахта теримида отряд раҳбари бўлиб маош олиши мумкинлигини айтдик. Аммо улар бу ишни рад этди.

«Иш топиб берамиз деган эди, аммо...»

Дарҳақиқат, миллий қончилигимизга кўра, маҳалла раисини ўша худудда яшайдиган фуқаролар сайлайди. Шундай экан, ҳокимнинг биргина кўрсатмаси билан уларни вазифасидан озод этиш қанчалик тўғри?! Эътиборлиси, мутасаддилар топшириғи билан вазифасини топширган маҳалла раислари ўрнига сайлов йўли билан эмас, тайинлов орқали янги кадр кўрсатилади. Нега?

— Пандемия даврида асоссиз равишда ишдан бўшатиш қонуний жиҳатдан ҳам, инсоний жиҳатдан ҳам тўғри эмас, — дейди **«Пилол» маҳалласининг собиқ раиси Мақсуджон Имомназаров**. — Ўша пайтда менга пахта теримини ташкил этиш учун отряд раҳбари бўлишим мумкинлиги айтилганди. Олти кун давомида пахта йиғим-теримига қатнадим. Лекин кейин ишдан бўшаганимни эслатиб қўйишди. Шу тариқа ишсиз қолдим. Биз ҳақимизда туман мутасаддилари турлича фикр билдириши мумкин, чунки ҳеч қачон уларга ёқиш учун ҳаракат қилмаганмиз. Бизга алам қиладигани — ҳужжатлардаги айрим жузъий камчиликларни рўқач қилиб, вазифамиздан озод қилишди. Бунинг учун огоҳлантиришнинг ўзи ҳам етарли бўларди.

Маҳалла раисларини халқ сайлар экан, холис баҳони ҳам улар бериши керак эмасми? Қолаверса, маҳалла раислигига олий маълумотли ёш кадрларни тайинлашни айтишдию, амалда ўрта махсус маълумотига эга ва бирон иши билан халқ ишончини оқламаган кадрлар ҳам тайинланди. Бу халқнинг ижро органларига бўлган

ишончини сўндиришга хизмат қилмайдими?

— Туман мутасаддиларига барча кўрсатмасини сўзсиз бажарадиган ходимлар керак, — дейди **Ф.Бобохонова**. — Шунинг учун соҳадаги кадрларни ёшартириш баҳонасида ўзларига ёқадиган фуқароларни маҳалла раиси қилиб олишди. Вазифасидан озод этилганлар рўйхатига яхши ишлайдиган, аммо ҳақиқатни юзга айтадиган раислар киритилди. Агар ростдан ҳам, ишимиз қониқарсиз бўлса, келиб халқ билан учрашиб, ҳақиқий аҳволга баҳо беришмайдими?! Доим туманимизни ўрганмоқчи бўлган комиссияни бизнинг маҳаллага бошлаб келишди. Негаки, маҳалламиз ростдан ҳам намунали худуд ҳисобланади. Агар маҳалладаги ишлар жойида бўлмаса, ишимда хато бўлганида бошқаларнинг олдида уятли бўлиб қолмаслик учун ҳам арз қилиб юрмасдим.

Хулоса ўрнида

Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Тўлқин Эрматовдан ўз аризаси билан вазифасидан озод этилган маҳалла раисларининг орасида бу қарордан мамнун бўлганлар ҳам бор-йўқлигини сўрадик. Албатта, бу сўроққа ижобий жавоб бўлди. Уларнинг фикрини билиш биз учун ҳам муҳим экани, масалага холис ёндашиш учун ҳам ҳар икки томоннинг фикрини ўрганишимиз зарурлигини айтдик.

Афсуски, туман бўлими раҳбари ходимлари биз билан боғланиб, зарур ҳужжатлардан нусха ва уларнинг қарорига хайрихоҳ бўлган собиқ раислар билан боғлаб беришни айтган эди. Аммо орадан бир неча кун ўтса-да, ушбу маълумотларни олиш имкони бўлмади. Эҳтимол, тумандаги бошқа муҳим вазифалар сабаб бизга маълумот беришга имкон бўлмагандир. Аммо бир нарса аниқ, ҳар қандай

вазиятда ҳам бир туманда оммавий равишда маҳалла раисларини ишдан бўшатиб, уларнинг ўрнига тўла тажрибасиз ёшларни тайинлаш, юмшоқ қилиб айтганда, кўр-кўрона иш тутиш ҳисобланади.

Тизимдаги кадрларни ёшартириш яхши, аммо уларга тажриба алмашиш учун ҳам айрим маҳаллаларда ёши, иш ва ҳаётий тажрибаси бор кадрлар қолиши керак эмасми? 30 дан ортиқ маҳалла раисларини ишдан бўшатишдан аввал уларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш керак эмасми? Биз икки томонни ҳам бирдек эшитиб, ўзимизни қизиқтирган саволларни ўртага ташладик. Умид қиламизки, вилоят миқёсида ушбу масала қонуний ўрганилиб, ижобий ечим топилади. Биз эса мавзуга яна қайтамиз.

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Дарвоқе...

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига биноан, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда, умумқабул қилинган ахлоқ, одоб нормаларини қўпол равишда бузувчи, раис (оқсоқол) мақомини бадном қилувчи ва фуқаролар йиғини обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ва ноҳўя ишлар содир этган, шунингдек, ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаган тақдирда фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан қарор қабул қилинганда, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда, соғлиғи ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда, вафот этганда мuddатидан илгари тугатилади.

Пандемия барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказиши оқибатида салбий кўрсаткичларини ҳам намоён этмоқда. Юртимизда карантин даври эълон қилинганидан буён турли хил чекловлар жорий этилди. Жумладан, карантин қоидаларини бузган, яъни мумкин эмас соатларда автомобилларнинг ҳаракатланиши жарима майдонларига олинишига тўғри келди.

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда карантин қоидаларини бузгани учун 26 мингдан ортиқ автомобиль жарима майдонида ноқонуний тарзда ушлаб турилгани ҳақида турли хил қарашлар, тортишувлар ва фикрлар тарқалмоқда. Ҳўш, аслида нима бўлган эди?

Хатоларни яшириш эмас, тан олиш ва тўғирлаш керак

— Юртимизда карантин жорий этилиб, машиналар ҳаракати чекланганидан сўнг, ушбу қондани бузган кўплаб стикерсиз машиналар жарима майдонига жойлаштирила бошланди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев. — Бу ўз-ўзидан кўплаб норозиликларга олиб келди. Яъни жарима майдонида турган автомобиль карантин тугагач олиб чиқилар экан ва шу муддат давомида унга ҳар бир кунга жарима майдончаси учун тўлов йиғилиб боради. Аслида бу тўғрими? Ана шу масалалар ортидан кўплаб муносабатлар билдирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига ўзгартириш киритиш таклиф этилган. Бунда, ушбу Кодекснинг 54-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, яъни «Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш» борасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиб ҳаракатланаётган транспорт воситаларини вақтинча ушлаб туриш мақсадида жарима майдонига жойлаштириш тартибини жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларига, асосан, фуқаро автомобилни ушбу кодекснинг 54-моддаси, яъни эпидемияга қарши кураш талабини бузганлик учун жарима майдончасида мажбурий ушлаб туриш

ЖАРИМА майдонидаги

26

мингта машина тақдири нима бўлади?



ДАРВОҚЕ...

Республикаимиз бўйича 233 та жарима майдони фаолият олиб бормоқда. Автомобиль сақланган ҳар бир сутка учун ўртача 12 минг сўм хизмат ҳақи олиниши инobatта олинса, 26 минг транспорт воситаси бир кундан ушлаб турилган, деб фараз қилинган тақдирда ҳам, фуқаролардан жами 312 млн. сўм хизмат ҳақи ундирилган бўлади. Аммо биргина фуқаронинг транспорт воситаси жарима майдонида 3 ой сақланиб, бу учун унга 1 млн. 80 минг сўм ҳисобланган ҳолатлар ҳам мавжудлиги ҳисобга олинса, жами сумма миллиардларни ташкил этиши тайин.

мумкин эмас. Лекин шунга қарамай, ИИБ вакили берган маълумотга кўра, мамлакатимизда карантин чекловлари жорий этилган муддат давомида 26 мингдан ортиқ ушбу турдаги қоидабузарликлар аниқланиб, транспорт воситалари жарима майдонларига вақтинча ушлаб туриш учун олиб қирилган. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг мақсадидан келиб чиқадиган бўлса, бугунги кунга қадар ички ишлар ходимлари томонидан МЖТКнинг 54-моддаси асосида 26 мингдан ортиқ транспорт воситалари жарима майдонларига ноқонуний тарзда олиб қирилганлигини аниқладими? Карантин қоидалари бузилганда автомашина жарима майдонига қўйилишини қонуний деб маълумот берган ИИБ ушбу қонун лойиҳаси билан энди бу ҳолатларни нотўғри эканлигини тан олмақдами?

— Таъкидлаш жоизки, фавкулотда ҳолатлар давридаги тартиб қоидалар ва карантин талабларига бўйсунмаган фуқароларга нисбатан ўз вақтида чора кўришни таъминлаш орқали аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишда шубҳасиз қону тун, иссиқ ва совуқда виждонан хизмат қилаётган минглаб ватанпарвар, мард ва ҳалол Ички ишлар органлари ходимларининг меҳнати ва ўрни бекиёс, — дейди Д.Ғаниев. — Модомики, Ички ишлар вазирлиги мазкур қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ўзгартишлар уларга ўз хизмат вазибаларини бажаришлари учун муҳим ҳисоблаб, қонун даражасида тегишли ҳуқуқий асослар яратиш зарурияти бор деб билишса, албатта, парламент уларни доим қўллаб-қувватлайди. Лекин қонун ҳужжатлари ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ўзаро мос бўлиши,

биринчи навбатда, қонун устуворлиги таъминланиши керак. Шу боис таклиф қилинаётган қонун лойиҳаси маъқулланишидан олдин ИИБ ҳам ўз хатосини тан олиши ва бугунги кунга қадар МЖТКнинг 54-моддаси асосида транспорт воситаларини жарима майдонларида ушлаб туриш ортидан фуқаролар томонидан тўланган маблағларини қайтаришлари энг тўғри йўл бўлади.

Судлар сўнгги нуқтани кўядими?

— Эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун автомобиль жарима майдонига қўйилмаслиги ҳақидаги қонун талабини айтганимда бир қатор идоралар бундан кўз юмиб, йўқ ҳаммаси қонуний тўғри, деб оғзимизни ёпишга уринишган эди. Аслида буни ўрта маълумотга эга фуқаро ҳам билиб турибди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев. — Жабр кўрган

26 мингдан ортиқ фуқаролар олдида эртага ким айбдор қилинади? Депутатларми? Унда ким жарима майдонида автомобиллар ғайриқонуний ушлаб турилгани учун пул тўлайди? Аслида Маъмурий жавобгарлик кодексининг 54-моддасига биноан, автомобилни вақтинча ҳибсга олиш қонунни бузиш дегани. Масалага суд нуқта қўйиб бериши мумкин. Ниҳоят судьяларимиз ҳам муҳокама марказида турган масала бўйича четда турмай ўз муносабатларини билдирмоқда. Энг муҳими, мен кутганимдек қонун устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб, ҳурматли суд раиси эпидемия талабларига риоя этилмаганлик учун автомобилларни вақтинча жарима майдонига мажбурий қўйилиши қонунчиликда белгиланмаганлигини тушунтириб берибди. Албатта, келгусида судлар томонидан бу каби ишлар кўрилган тақдирда мана шундай ёндашув амалда ҳам доимий бўлиб қолишига умид қиламан. Зеро, қонун устувор бўлгандагина адолат таъминланади.

Дарвоқе, Тошкент шаҳар Миробод туман маъмурий судининг раиси С.Юлдошев фуқаро М.В.нинг санитария-эпидемиология назорати Миробод туман филиали томонидан чиқарилган қарорга нисбатан норози бўлиб келтирган шикоятини кўриб чиқди. Суд томонидан руҳсатнома стикерсиз машина бошқарганлиги учун жаримага тортилган ҳайдовчига нисбатан маъмурий иш бекор қилинди. Автомобилнинг жарима майдонида сақланиши ноқонуний деб топилди.

Хулоса ўрнида

Ривожланган жамиятларда аввал қонунлар чиқарилади, кейин амалиёт унга мослаштирилади. Аммо аввал фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган қонунга хилоф амалиётни жорий қилиб, кейинчалик уни қонунчиликка киритадиган жамиятда нимадир нотўғри. Балки жамиятнинг ривожланиб кетмаётганининг кўплаб сабабларидан бири ҳам шудир. Вазият қандай яқун топиши ҳозирча номаълум. Жарима майдончаларига қўйилган машиналар бўйича яқуний хулоса ва қарор эълон қилинган, албатта бу ҳақда яна батафсил маълумот берамиз.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



«Меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларнинг жуни учун субсидия ажратилади.

ҲОКИМЛАР АЛМАШАВЕРАДИ ваъда эса ваъдалигича қолаверадими?

Самарқанд вилоятининг бир қатор туман ва шаҳарларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз биносига эга эмаслиги хусусида газетамизнинг сўнгги йиллардаги сонларида бир неча бор танқидий мақолалар чоп этилди. Ўшанда масъуллар бу борада «Йўл харитаси» ишлаб чиқилгани ва амалий ишларга киришилгани ҳақида ваъда берган эдилар. Хўш, ўтган вақт мобайнида қўрилган чора-тадбирлар қандай самара берди? Вилоятда мазкур муаммонинг ечими бўйича ҳозир вазият қандай?

Айни шу саволларга жавоб излаб Нарпай, Оқдарё, Пайариқ, Тойлоқ, Жомбой, Самарқанд туманлари ва Самарқанд шаҳрида бўлди.

Ҳашамат эмас, иш самараси муҳим

Нарпай туманида мавжуд 56 та йиғиндан 15 таси турли ташкилотлар биноларида ижарада фаолият олиб бораётганди. Бу йиғинлар учун янги бино қуришга эса ҳар доимгидек бюджет маблағлари етишмасди. Туман мутасаддилари ва кенг жамоатчиликнинг савий-ҳаракати билан жорий йилнинг шу кунига қадар ҳомийлар маблағи ва ҳашар йўли билан 5 та маҳалла учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— «Тортувли», «Тева», «Сарбозор», «Ўзбек кенти» ва «Халқобод» маҳаллалари ходимлари эндиликда замонавий бинода ишляптилар, — дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Насим Хусанов. — Ҳомийлар ва жамоатчиликнинг кучига таянган ҳолда иш бошладик. Йил охиригача «Бирлик», «Чорбоғ», «Тевақўрғон» ва «Қоракент» йиғинлари учун ҳам янги бинолар фойдаланишга топширилади.

Тойлоқ туманидаги «Ворсин» маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ҳам янги бинога кўчиб ўтишди. Бу ерда ходимлар учун барча шароитлар яратилган.

— Бу бошланган қурилиш ишларининг биринчи босқичи якуни, — дейди йиғин раиси Манзура Исломова. — Иккинчи босқичда йиғинимиз ёнида «Тойлоқ туман хунармандлар маркази» қурилмоқда. У ишга туширилиши билан бу ерда 30 та янги иш ўрни ҳам яратилади. Дарвоқе, яна бир гап. Биз учун бинонинг чиройи, ҳашаматлилиги эмас, унда олиб бори-

ладиган юмушларнинг самараси муҳим.

Худди шунингдек, Самарқанд шаҳридаги «Чоршанба», «Оқмачит», Пайариқ туманидаги «Томойрот», «Эрназарқўрғон», Самарқанд туманидаги «Қўштамғали» маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ҳам янги бинода иш бошладилар.

Битта таклифни ўрганиб чиқишга 10 ой кетадими?

Газетамизнинг 2020 йил 6 августдаги 25-сонидан чоп этилган «Бошланасиз йиғинлар қачонгача тадбиркорнинг қовоғига қарайди?» номли материалда қарийб беш минг киши истиқомат қиладиган Оқдарё туманидаги «Бозоржой» маҳалласида йиғин биноси йўқлигидан ходимлар раиснинг уйда фаолият кўрсатаётгани қайд этилганди.

Йиғин раисининг сўзларига қараганда, маҳалла учун янги бино кун тартибига қўйилганидан бери туманда уч марта раҳбар алмашган ва уларнинг барчаси маҳаллий бюджетга пул тушиши биланок, мазкур маҳаллага янги бино қуришга ваъда берганлар. Аммо бу ваъдалар ҳамон бажарилмаяпти.

— Газетадаги танқидий мақоладан сўнг мени бир неча марта туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Бобомурод Аралов чақириб, янги бино қурилиши учун таклиф беришимни сўради, — дейди йиғин раиси Шафоат Бобомуродова. — Ўз таклифларимни бердим. Маҳалламиз худудидан ўзига тўқ тадбиркорларимиз бор. Улардан бири Акмал Аҳмедов: «Агарда мен қурадиган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасига ҳокимдан жой сўраб олиб берсангиз, шу мажмуанинг ёнидан маҳаллага янги, замонавий бинони ўз ҳисобимдан қуриб бераман», деди. Унинг бу

таклифи менга маъқул келди ва бундан 10 ой илгари шу таклифни туман ҳокимлигига бергандим. Ҳокимликдагилар бу таклифни «қўриб чиқишларини» айтганди. Аммо ҳозиргача ҳеч гап йўқ. Наҳотки, битта таклифни ўрганиш ва қўриб чиқиш учун қарийб бир йил вақт талаб қилинса?

— Бу масала бўйича бугун кечқурунга туман ҳокимлигининг қурилиш бўлимига тадбиркор Акмал Аҳмедов ва йиғин раиси Шафоат Бобомуродовани таклиф қилганмиз, — дейди туман ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Юлдуз Ўроқова. — Ўйлайманки, йиғинга янги бино қуриш масаласи бугун, албатта, ўз ечимини топади.

Ҳоким ўринбосарининг жавоби эса йиғин раисининг баттар энсасини қотирди.

— 10 ойдан бери фақат ҳокимликка таклиф қилишди, аммо натижа йўқ, — дейди Ш.Бобомуродова. — Бугун кечқурунга таклиф қилинганимиз эса ҳозир сиздан эшитяпман. Мени ҳеч ким ҳокимликка чақиргани йўқ.

Маҳалла фаоллари қачонгача ижарада сарсон бўлади?

Самарқанд шаҳрининг «Хишрав» кўрғонида жойлашган, илгари қайсидир қурилиш ташкилотининг маъмурий идораси бўлган эски бинода эса «Чилқудук» маҳалласи фаолият кўрсатади. Шуниси ажабланарлики, худудда 2019 йил мобайнида «Обод маҳалла» дастури асосида кенг қамровли қурилиш-бунёдкорлик юмушлари амалга оширилгану, қурувчилар маҳаллага бино қуриш кераклигини нимагадир унуттишган.

— Бу ҳақда кўп марта тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик, аммо қуруқ ваъдабозликдан бошқа нарсани эшитмадик, — дейди маҳалла фаоли Тойир Мустафоқулов. — Қолаверса, дастурда белгиланган бандларнинг ҳам кўпи

ҳалигача бажарилгани йўқ, чала ётибди. Майли, бу — алоҳида мавзу. Аммо йиғинга янги бино қуриб берилмаса бўлмайди. Деворларнинг, шифтнинг аҳолини кўраясизми, тўкилиб ётибди. Остонада эса қиш турибди.

Йиғин раиси Убайдулла Элибоевнинг айтишича, янги бино қуриш учун ер ҳам, 820 миллион сўм миқдорда маблағ ҳам ажратилган. Гап масъуллар эътиборида қолган, холос.

Худди шундай ҳолатни Жомбой туманидаги «Нўш» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам учратдик. Бу ерда ҳам бундан икки йил олдин «Обод қишлоқ» дастури доирасида кўп иш бажарилгану, йиғинга бино қуриб берилмаган. Қишлоқ врачлик пунктининг эски биносидаги битта хонада ижарага олган йиғин ходимлари яқинда яна бошқа бинога кўчиб ўтишибди.

— Бу бино илгари нуронийлар чойхонаси бўлган, ҳозирда уни қайтадан таъмирлаб, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш мажмуасига айлантиряпмиз, — дейди Жомбой тумани ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Хусан Ҳамроев. — Мажмуа таркибида маҳалла ходимлари учун ҳам янги хоналар ажратилади. Бундан ташқари, мажмуа атрофи тўлиқ ободонлаштирилади. Бу юмушлар жорий йилнинг охиригача ниҳоясига етказилади.


Ҳа, маҳаллий раҳбарларда масъулият ва эътибор бўлса, ўша ерда аҳолини қийнаётган муаммолар ўз ечимини топади. Фақат гап ўша масъулиятни ҳис қилиш ва муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратишда. Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган масалаларга масъуллар, албатта, эътибор беришади ва биз бу мавзуга яна қайтамыз.

Ўрмамат РУСТАМОВ
«Маҳалла»



Ўзбекистонда яшаш учун мўлжалланган уйлар сони
6,3 млн.тани ташкил этмоқда.

Олий таълим муассасаларига 2020/2021 ўқув йили учун ўтказилган тест синовлари, касбий-ижодий имтиҳонлар ҳам ўз ниҳоясига етди. Абитуриентларнинг аксарияти талаба деган бахтга муяссар бўлди. Бироқ абитуриентлар, бўлажак талабалар ҳамда уларнинг ота-оналарида кўплаб саволлар пайдо бўлмоқда. Хусусан, бугунги коронавирус пандемияси даврида талабалikka қабул қилинган 1-курс талабалари ўқишни қачон, қандай тартибда бошлайди, деган савол кўпчиликти қизиқтирмоқда. Қолаверса, натижалардан норози бўлаётган абитуриентлар ҳам оз эмас. Улар қаерга, қачон мурожаат қилиши керак? Қўшимча контактда ўқиш истагини билдирган абитуриентлар-чи?..



МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИГА

Юртдошларимизни қизиқтираётган ана шундай саволларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги** мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида атрафлича жавоб берилди.

Дарс қачон бошланади?

– Талабаларнинг ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштириб бўлингач, 12 октябрдан бошлаб 1-курс талабалари учун ўз ҳудудларида танишув дарслари ташкил этилади, – дейди **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош бошқарма бошлиғи Абдували Холиқов**. – Ушбу жараён ҳафтасига 3 кундан 2 ҳафтагача давом этади. Дарслар 2 парадан ортиқ бўлмайди. Ҳар бир парада 10 дақиқадан танаффус берилади.

Мисол учун, Тошкент давлат техника университетига Самарқанд вилоятидан ўқишга кирган талабалар учун Самарқанд вилоятидаги олий таълим муассасаларидан бирида дарслар ташкил этилади. Унда пойтахтдан профессор-ўқитувчилар бориб, танишув дарсларини ўтади. Бунда талабаларга олий таълим муассасаси ҳақида маълумот берилиб, дарс жадвали, кимлар дарс бериши, тўлов-шартнома, масофавий таълимнинг олиб борилиши каби масалаларга ойдинлик киритилади. Шу тариқа, 1-курс талабалари ҳам масофавий ўқийди.

Анъанавий ўқишлар-чи?

– Олий таълим муассасаларида узоқ ҳудудлардан келиб ўқийдиган ва ётоқхонада турадиган талабалар ҳам бор. Бу эса эпидемиологик ҳолат юзасидан мумкин эмас. Шу боис ҳам айни вақтда масофавий ўқитиш ишлари давом эттирилади. Қолаверса, бу жараён пандемия ҳолатидан келиб чиқиб, Республика махсус комиссиясининг қарори асосида амалга оширилади.

ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПИЛАДИ?

Касбий-ижодий имтиҳон натижалари қачон эълон қилинади?

– Касбий-ижодий имтиҳонларда республика бўйича 32 та олий таълим муассасаларида 132 таълим йўналишида 122 мингдан ортиқ абитуриент иштирок этди. Барча

ларда қўшимча контракт (халқ тилида «супер контракт») ҳақида саволлар пайдо бўла бошлади. Оширилган контракт асосида ўқиш истагида бўлган абитуриентларга 10 октябргача вақт керак бўлади. Чунки ОТМлар аввало талабалikka тавсия этилган талабалар билан керакли жараёнларни бажариб бўлганидан кейин ушбу масала билан шуғулланишни бошлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқишга кира олмаган абитуриентлар қўшимча контрактда ўқиш учун шоянчи шарт эмас. Ким биринчи ариза берса, ўша биринчи қабул қилинади, деган қоида ҳам йўқ. Барчаси тўпланган баллга қараб тартибга солинади. Қўшимча контрактда ўқиш истагида бўлганлар ОТМ ректори номига ариза беришади.

Интернет бўлмаса, ўқиш қандай ташкил этилади?

– Олий таълим муассасалари платформаси ташкил этилган. Лекин бугунги кунда олис ҳудудлар, интернет тезлиги яхши бўлмаган ҳудудлар бор. Бунинг натижасида 30 мингдан ортиқ талабалар масофавий таълим олишда қийналмоқда. Шуларни инобатга олиб, 172 та туманда вазирилик таркибидаги коллеж ва техникумларда компьютер синфлари ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда интернет муаммоси туфайли масофавий дарс ўтишда қийналаётган талабалар барча имкониятлардан фойдаланиши мумкин.

Битирувчи курсларнинг амалиёт ўташи қандай бўлади?

– Битирувчи курслар, магистратуранинг юқори курс талабалари бир жойга бориб амалиёт

ўташи бугунги кунда баҳсли масала. Агар педагогика йўналишида ўқиётган талаба мактабларга бориб амалиёт ўташи керак бўлса, мактабда ўқувчилар саломатлигини хавф остига қўйиши мумкин. Айни жараёнда амалиёт ўташ керак бўлган касб йўналишлари юзасидан вазирилик томонидан таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Тиббиёт олий таълим муассасаларида юқори курс ўқувчилари ҳамда яқка тартибда илмий раҳбари билан ишлайдиган битирувчиларга рухсат берилади.

Иккинчи мутахассисликка кириш имтиҳонлари қачон бўлади?

– Фуқароларимиз иккинчи мутахассислик бўйича қайси олий таълим муассасасига ҳужжат топширган бўлса, ўша ОТМга тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари мумкин. Чунки иккинчи мутахассисликка оид жараёнлар ОТМлар ваколатига киради. Бугунги кунда ОТМлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар таълим йўналишлари бўйича кўриб чиқилипти. Қайсидир ОТМларда суҳбат жараёнлари ҳам бошланган.

Апелляция шикоятини қандай бериш мумкин?

– Агар абитуриентлар мандатдан ва ўзининг тест жавобларидан норози бўлса, апелляция шикояти бериши мумкин. Апелляция шикоятини abitur.dtm.uz сайтидаги шахсий кабинетига кириб, онлайн равишда юборишлари мумкин. Шикоят юборган абитуриентларга уни кўриб чиқиш санаси ва вақти кўрсатилган хабарнома берилади. Абитуриент хабарномада белгиланган вақтда ўзининг паспорти ва абитуриент рухсатномаси билан Давлат тест марказига (Тошкент шаҳрига) келиши шарт.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



ОТМ иждодий имтиҳонлар якунига етказилиб, апелляция жараёнлари кўриб чиқилди. Тез кунда касбий-ижодий имтиҳонлар натижалари эълон қилинади.

Магистратурага ҳужжат топширганлар-чи?

– Бу йил магистратура қабул жараёнлари бошқача тартибда ўтказилди. 73 минг абитуриент 13 та ҳудуддаги 19 та ОТМда онлайн тест топширишди. Ҳозирги кунда апелляция жараёнлари амалга оширилиб, натижалари барча ОТМларга чиқарилди. Якуний натижалар умумлаштирилиб, давлат комиссиясига киритилади ҳамда комиссия томонидан тасдиқлангач, тез кунда эълон қилинади. Қолаверса, магистратурага ҳужжат топширганлар шахсий кабинет орқали ҳам натижаларини билиши мумкин.


«Супер контракт» бўйича ўқиш истагидагилар қаерга мурожаат қилиши керак?

– Тест натижалари чиқишни бошлагач, аксарият абитуриент-



Ўзбекистон 2 миллион долларга тенг бўлган мебель маҳсулотларини экспорт қилди.

ИМТИҲОНЛАР АТРОФИДАГИ МАШМАША: тест жавоблари СОТИЛГАНМИДИ?



Жорий йил олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари ҳар сафаргидан-да шов-шувларга бой бўлди. Биринчидан, пандемия шароитида аввалдан режалаштирилган қатор янги тартиблар амалга киритилмади. Имтиҳонлар илк марта очик майдонлар, стадионларда ўтказилди. Бу борада Ўзбекистон тажрибаси хорижий мутахассислар томонидан юқори баҳолангани ҳам рост. Масалан, машҳур «The New York Times» газетасининг бош саҳифасида мавзу юзасидан катта мақола эълон қилинган эътирофнинг ўзига хос кўриниши эди.

Мазкур нашр бошқа давлатларни ҳам шу каби тадбирларни уюштиришда Ўзбекистон тутган йўлдан фойдаланишга чақирган. Аммо... Имтиҳон натижалари атрофида содир бўлган шов-шув ва мишмишлар эришилган барча натижа ва эътирофларни пучга чиқарди, десак янглишмаймиз. Ижтимоий тармоқларда қоидабузарликлар, тест жавоблари нотўғри ҳисобланаётгани, жавоблар аввалдан 2 мингдан 4 минг АҚШ долларигача қийматида сотилгани тўғрисида хабарлар тарқала бошлади.

Биргина Тошкент давлат юридик университетида 400 нафар талаба бир хилда энг юқори балл тўплаб, ўқишга киргани бу шубҳаларни янада ошишига замин яратди. Хўш, аслида нима бўлганди?

ДТМ раҳбарияти нима дейди?

— Жорий йил бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовларида 1 240 614 нафар абитуриент иштирок этди, — дейди Давлат тест маркази аппарати ходими Улуғбек Абдуназаров. — Улар орасида максимал балл (189 балл) олганлар ҳам кўп. Буни баъзи ижтимоий тармоқларда бир ёқлама талқин қилиш ҳолатлари кузатилди. Аслида бунга 2019 йилдан бошлаб умумтаълим фанларидан тест саволлари тўплами нашр



этилиб, ушбу тўғламда ишлатилган саволларнинг 20 фоизидан кўпрогидан имтиҳонларда фойдаланилгани, «Telegram» тармоғида «E-sinov» тизимидан абитуриентларга бепул фойдаланиш имконияти яратилгани (бу синовларда 1,4 млн. нафардан ортиқ абитуриент қатнашган)ни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, Давлат тест маркази раҳбарлари жорий йилги тест топшириқлари соддалаштирилгани, масалан, 4-даража қийинликдаги (энг қийин) саволлар умуман ишлатилмагани, 3-даражали саволлар сони камайтирилиб, 1-даражали саволлар сони тегишли равишда оширилгани ҳам балларнинг юқори бўлишига сабаб, деб кўрсатишмоқда. Жумладан, бу йилги саволларнинг 12 таси — 1-даражали, 12 таси — 2-даражали, 6 таси — 3-даражали қилиб белгиланган.

Шунингдек, барча умумтаълим фанлари бўйича назарий саволларнинг сони кўпайтирилган. Ўқув-лаборатория машғулотларига оид, расми, харитали ва жадвали тест топшириқлари сони оширилган. Миллий ва халқаро сертификатларнинг тегишли даражасига, пандемия даврида ишлаб чиқилган «IELTS Indicator» сертификатига эга бўлган абитуриентлар учун ҳам максимал балл бериш белгиланган.

ДТМ мутахассисларининг фикрича, юқоридагиларнинг барчаси алал-оқибат максимал балл олган абитуриентларнинг кўпайишига сабаб бўлган. Шунингдек, жорий йил учун истисно тариқасида тест синови топшириладиган 5 та фандан 2 та мутахассислик фани қолдирилди. Ҳар бир тўғри деб топилган жавобга балл бериш тизими ўзгартирилиб, биринчи ва иккинчи фан учун мос равишда 3,2 ҳамда 3,1 балдан берилиди, олдинги йиллардаги каби 1,1 балл бериш қўлланилмади. Тест синов-

ларини топшириш учун ажратилган вақт меъёри оширилиб, амалдаги тартибда кўрсатилган 2 соат ўрнига 3 соат этиб белгиланди.

Имтиёзлар қачонгача абитуриентнинг оёғидан чалади?

Айрим мустақил экспертлар эса юқоридаги фикрларга қўшилмайди. Масалан, бир неча йилдан буён мазкур мавзунинг ёритиб келаётган ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиев максимал балл тўплаган абитуриентларнинг сероблигини имтиёзли тоифаларнинг кўпайганида деб билади.

— 189 балл можароси имтиёзлар нотўғри қўллангандан келиб чиққан, — дейди Х.Худойбердиев. — Абитуриентлар ўрни қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак. Кўплаб йўналишларда 189 балл олган абитуриентлар грантга кира олмай, контрактга тавсия этилгани жамоатчиликда эътирозларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, турли халқаро ва республика миқёсидаги танловларда ғолиб бўлган спортчилар имтиёзли равишда берилган квота доирасида грантга қабул қилинди. Натижада кўплаб йўналишларда 189 балл олганлар контрактга тушиб қолди.

Хўш, спортчилар квота ичида қабул қилиниши керакми ёки бошқалар ҳалақит қилмасдан квотадан ташқарими? ДТМ берган расмий баёнотга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, спортчилар мавжуд квота ичида қабул қилиниши керак. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, ўша 12 йил олдинги ҳужжатда шундай ёзилган. Аммо жорий йилнинг бошида «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинган эди. Ҳужжатнинг 12-бандида олимпия

ва паралимпия спорт турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охириги уч йилда ғолиб ва совриндор (1-3-ўринлар) бўлган спортчи-ўқувчиларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларига (тиббиёт йўналишидан ташқари) қўшимча давлат гранти асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилиш кераклиги белгилаб қўйилган.

Яъни улар бошқа билимчиларга ҳалақит бермаслиги керак эди. Шунга кўра, квота ичида қабул қилинган барча спортчиларга қўшимча грант ажратилиши керак ва натижада қолганларнинг ўрни қайта ҳисобланиши лозим, деб ҳисоблайман.

Х.Худоебердиевнинг фикрича, 189 балл олганларни грантга киришига тўсқинлик қиладиган яна бир тоифа «имтиёзчилар» бор. Булар — «Темурбеклар мактаби» битирувчилари бўлиб, уларга қўшимча балл берилади. Натижада уларнинг кўпчилигининг баллари 189 баллдан ошиб кетади.

«X вариант» ёхуд жараёнга коррупция аралашмаганмиди?

Бизнингча, юқоридагиларнинг барини масаланинг асл моҳиятидан қочиш деб баҳолаш мумкин. Зеро, бугун тест саволлари жавобларини аввалдан сотиш ҳолатлари неча йиллардан буён мавжуд эканини инкор этишдан фойда йўқ. «X вариант» савдоси ҳар йили эрта баҳорданоқ бошланиб кетишини тизим билан у ёки бу даражада тўқнаш келган ҳар бир инсон яхши билади.

Гап жорий имтиҳонларда юртимизда коррупцияга қарши олиб борилаётган кескин кураш, таълим тизимини тозалаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, яна шу «амаллар» такрорлангани, йўқми, шунинг устида бориши керак. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам жорий йил бошидан буён кўплаб шу каби жиноятларни фош этишди. ОТМга киритиш учун абитуриентлардан пора олган қатор шахслар қўлга олинди.

Ўйлаймизки, тез орада ҳуқуқ-тартибот идоралари мазкур саволга ҳам атрофлича жавоб беришади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



«Супер» контракт учун аризалар
10 октябрдан кейин қабул қилинади.

Коронавирус инфекциясининг қисқа муддатда бутун дунёга кенг тарқалиши инсониятни, айниқса, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларини эсанкиратиб қўйгани бор гап. Негаки, инфекция тарқала бошлаган вақтда унга қарши қандай чоратadbирлар кўриш кераклиги ҳақида бирон бир илмий асосланган маълумот йўқ эди. Ўтган давр мобайнида вирусга қарши курашиш бўйича маълум даражада кўникма ҳосил бўлди.



Нега КОМИССИЯ ҚАРОРЛАРИНИНГ бири иккинчисини рад этмоқда?



Бу борадаги янгиликлардан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам мунтазам хабардор қилиб борапти. Аммо юртимизда Республика махсус комиссияси томонидан бир-бирини инкор этадиган қарорлар қабул қилиниши ҳақли равишда кенг жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўляпти. Хўш, ўзи нима гап? Махсус комиссия қарорлари нега ўзгариб турибди?

Пахта терими учун уйда қолмаслик тавсия этилди...(ми)?!

Бу ҳақда сўз борганда, яқинда Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси Нурмат Отабековнинг касалликни юқтириб олиш аксарият ҳолларда уйда кузатилаётганини билдиргани кенг муҳокама-ларга сабаб бўлди. Айрим юртдошларимиз айнан кузда бундай фикр билдирилиши пахтани йиғиб-териб олиш учун айтилган, дея фикр билдирмоқда. Хўш, аслида-чи?!

— Республика бўйича COVID-19 билан касалланиш мутлақ сонда 54 мингдан ортиб кетди, бу умумий аҳоли сонига нисбатан 0,15 фоизни ташкил этади, — деди Нурмат Отабеков. — Энди уй шароитида касалликни юқтириб олиш эҳтимоли юқори деган фикрга қўшилган ҳолда, мазкур фикрни асослаб берамиз. Ҳаво томчи йўли билан юқадиган юқумли касалликлар, жумладан, COVID-19 ҳам ёпиқ жойларда тез тарқалади. Негаки, ёпиқ жойда вирус узоқ муддат сақланибгина қолмай, яқин мулоқотлар натижасида бир одамдан иккинчи одамга юқиш эҳтимоли ортади. Амалиётда кўрайтмизки, агар касаллик бирон бир хонадонда қайд этилса, биттагина бемор қайд этилиши билан чегараланиб қолмаяпти. Аксинча баъзи ҳолларда бемор яқинларининг, оила-аъзоларининг қарийб барчасига касаллик юқяпти.

Тахлиллар кўрсатяптики, беморлар билан хонадон шароитида мулоқотда бўлганларнинг 50-100 фоизига касаллик, албатта, юқяпти. Афсуслар бўлсинки, битта хонадондан бир нечта одам вафот

этган ҳолатлар ҳам мавжуд. Тан олишимиз керак, биз кўчада масъулиятни, жавобгарликни сезганимиздан, истиҳола қилганимиздан, уялганимиздан бўлса-да, карантин ёки чеклов тadbирларига тўлиқ ёки қисман риоя этамиз. Уйга келгач, бу каби талаблар борлигини тўлиқ унутамиз, ўзимизни эркин тутамиз, маиший мулоқотларимизни кенгайтираемиз.

Сиз кўчадан касалликни юқтириб олдингиз, дейлик, ҳали касаллик белгилари намоён бўлмаган ёки тест синамасини топширмагансиз, демак, касалликнинг яширин даврида уйда бўлиш баробарида сиз кўплаб оила-аъзоларингизни хавф остига қўясиз.

Ким ҳақлигини қаердан билиамиз?

ЖССТ «Плаквенил» дориси вирусни даволашда қўл келмаслигини таъкидлаган эди. Шунга қарамай, мамлакатимизда бу доридан воз кечилмади. Аммо ЖССТ гидроксихлорохинни коронавирустга қарши таъсирини ўрганиш бўйича синовларни тўхтатгач, бу дори воситаси Ўзбекистонда даволаш протоколдан чиқарилган эди. Шундай бўлса-да, мазкур дори уйда даволанаётган беморларга бериладиган бепул дори-лар тўпламига қўшилди. Хўш, биз кимга ишонишимиз керак?!

— ЖССТ — топириқ берадиган эмас, фақат тавсия берувчи ташкилотдир, — дейди Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси Ҳабибулло Оқиллов. — Унинг тавсияларини қабул қилиш-қилмаслик ҳар бир давлатнинг ўз ихтиёрида. Ўзбекистон эса «Плаквенил» масаласида ЖССТ тавсиясига эмас, ўз тажрибасига асосляяпти. Негаки, мамлакатимиз март ойидан бери коронавируст билан курашиб, бу борада ўз тажрибасига эга бўлди. Тажрибага кўра, «Плаквенил» касалликнинг бошланғич босқичи — дастлабки 3-5 кунда берилса, ўз самарасини кўрсатмоқда.

Шунингдек, бемор билан мулоқотда бўлганларга профилактика

сифатида «Плаквенил»дан ҳафтасига 2 та таблетка бериляпти. Бу ҳам протоколга киритилган. Мазкур дорининг даволаш протоколдан чиқарилиб, кейин яна киритилганига келсак, бундай ҳолат барча давлатларда кузатилаётган. Бутун дунё бу жараёндан бир ўтиб кўрди. «Lancet» журнали шундай ёзгани учун кўпчилик уни протоколдан чиқарди, журнал мақоласини қайтариб олгач, аксарият давлатлар яна уни қўллашга қайтди. Биз ҳам ўз тажрибамизга қайтдик. Бу доридан воз кечганимизда касаллик кўрсаткичлари салбий томонга ўзгарди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди: бизга бошқаларнинг маслаҳати эмас, тажрибамиздаги натижалар зарур экан, нега унда ушбу доридан амалда воз кечилди? Ачинарлиси, ушбу дорининг касалликка қанчалик таъсир қилиши ҳамон илмий жиҳатдан тўла ўрганилмаган.

Наҳотки аллергия касаллик ҳам янгилик бўлса?!

Мутахассис таъкидлагани каби «Плаквенил»нинг таъсирини ўрганиш учун ҳали вақт топила, аммо нега турли кўринишдаги дезинфекция усуллари инсон саломатлигига зарари ҳақида шу пайтгача ҳеч ким огоҳлантирилмади? Ваҳоланки, аввалига Махсус комиссия жамоат жойларида дезинфекция туннелларини ўрнатишни мажбурий қилиб қўйди. Барча жойларда улардан фойдаланиб келинаётган бир вақтда эса ушбу қарорнинг ҳам хато экани айтилди.

— Дезинфекция туннелларида фойдаланиладиган хлорли эритмалар тиббиётда жуда кўп йиллардан бери ишлатилади ва унинг инсон организмга хатарли таъсири жуда кучли, — дейди Республика ихтисослаштирилган алергология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Илмира Разиқова. — Кун давомида ишлаб турган туннелдан бир киши қайта-қайта ўтишига тўғри келиши мумкин. Давомий ишлатилган ҳар бир ким-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати масъул идоралар раҳбарларига чақириқ билан чиқди. Унда Коронавирусга қарши кураш бўйича штаб аъзоларининг тўлиқ рўйхатини жамоатчиликка тақдим этиб, фуқароларни эпидемиологик вазият ҳақида хабардор қилишга қаратилган брифинг ва матбуот анжуманларида вазирлик ва идоралар раҳбарияти даражасидаги ваколатли шахслар, Республика махсус комиссияси аъзоларининг иштирок этишини таъминлаш сўралган.

ёвий модда инсон организмда аллергия ҳолатларни келтириб чиқаради. Бу юқори нафас йўллари-нинг енгил қизаришидан то енгил куйишгача бўлган ҳолатларни чақиради. Бунинг натижасида инсонда аллергия ринит, конъюнктивит, бронхит ва ҳаттоки оғир касаллик ҳисобланувчи — бронхиал астмага олиб келиши мумкин.

Хўп, вирусга қарши қандай дори ижобий таъсир қилишини билиш учун маълум вақт керакдир. Бунга аниқлик киритилгунча хатоликлар бўлиши ҳам табиийдир, лекин хлорнинг аллергия касалликларга сабаб бўлишини билиш учун наҳотки шунча вақт керак бўлса? Бундай қарорларни чиқаришдан олдин унинг ижобий ва салбий жиҳатлари тўла ўрганилмайди-ми?! Шундай муҳим қарорларни қабул қилишда, аввало, очиқликни таъминлаш керак эмасми?

Албатта, бундай фавқулодда вазиятларда қарорлар зудлик билан қабул қилинади. Бироқ кейинги «тажриба» ишламаса, масъулиятни ким ўз бўйига олади? Умид қиламизки, соҳа мутахассислари шу пайтгача йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, етти ўлчаб бир кесишни ва, энг муҳими, кенгашиб иш тутишни тўғри йўлга қўйиб олади.

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»



Янги ўқув йилида хотин-қизлар учун
ОТМларга қўшимча 940 та квота ажратилди.



Ойгул ХАЛИЛОВА: «АВВАЛДАН САНЪАТ бир қадам олдинда бўлган»

Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи асосида ишланган «Найман она нидоси» спектакли намойиш этилмоқда. Томошабин ёвуз кучларнинг зўравонлик ва тазйиқ орқали ўз муридларини хотира, имон-эътиқоддан маҳрум этгани, натижада минглаб йигитларнинг манкуртга айланганига гувоҳ бўлди.

Улардан бири Жўломон тақдирю ички кечинмалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ўғлининг бошига тушган фалокатдан хабар топган онаизорнинг фарёди эса томошабин қалбини ларзага солади. Бу ролни маҳорат билан ижро этаётган **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойгул Халилованинг** эҳтироси, қалб ҳарорати кўзлардаги ёшлардан тўкила бошлайди. Ҳар қалбда «болам» деб бўзлаган онаизорда хайрихоҳлик, ҳамдардлик ҳислари уйғонади...

Найман онанинг аянчли тақдирю томошабинни қайғуга солсада, уларнинг қалбида Ватан ва онага бўлган муҳаббат садоқатни жўш урдиради. Театрнинг тарбия дарсхонасига қиёсланиши бежиз эмас. Ўз ролини маҳорат билан ижро этган, томошабинни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундаган ижрочи эса том маънода тарбиячидир.

Ойгул Халилова умрини айна шу касбга бағишлаган, санъатдан бахт топган, инсонлар қалбига яхшилик уруғуни сочишни ўз мақсади деб билган замондошларимиздан. Устоз-санъаткор бугун Қарши санъат коллежида анъанавий ижрочилик сирларини ёшларга ўргатмоқда. Санъаткор билан суҳбатимиз болалиги, ижод йўли ва вилоят театри ижодкорларини қийнаётган, ўйга солаётган масалалар хусусида бўлди.

Санъат мен учун...

– Санъаткор ҳар қандай оғирликка чидаши керак, – дейди **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойгул Халилова**. – Чунки у доим халқ нигоҳида бўлади. Унинг айби, хатоси бирдан кўриниб қолади. Бошқа соҳаларда ҳам енгил-елпи юрадиганлар, хато қиладиганлар учрайди, аммо санъаткорнинг кичик хатоси барчага катта мавзу бўлиши мумкин. Шу боис у тўғри йўлдан оғишмай ҳаракат қилиши лозим.

Санъаткорнинг бойлиги унинг овози, иқтидори, шижоати, изланишдан чарчамаслигида. Овоз ҳам пичоқнинг дамига ўхшайди, доим машқ қилиб турилмаса пичоқ занг босгани каби овоз ҳам бузилади, шижоат манфаат монон бурилади. Шунинг учун санъаткор доим ўз-

ўзини назорат қилиши керак.

Чинакам санъат чегара билмайди. Чекка бир қишлоқнинг санъатга ташна қалбини ким ҳам эшитарди, дердим. Адашган эканман. **Шу қалбнинг овозини Италия, Франция санъат ихлосмандлари эътироф этди.** Аввал «Шодиёна» дастасида, кейин вилоят театрида актриса бўлиб юрган кезларимдаги сахна асарларини янада изланишга чорлади. Вилоят театридаги фаолиятимда мумтоз драматургия дурдоналарида бош қаҳрамонлар образини яратдим.

Жаҳон сахнасида ўзбек фольклори

– Ижодимнинг ёрқин намойиши «Эски мачит» театр студияси билан боғлиқ. Биз, ёшлар тинмай изландик, жаҳонга чиқиш учун асарлар сахналаштиришга жиддий киришдик. Албатта, изланишларимиз беҳуда кетмади. Туркменистон, Қозоғистондан таклиф этилган режиссёрлар кўмагида изланиб топганларимизни сахнага чиқара олдик. Бу, албатта, республикада, сўнгра хорижда эътироф этилди. Ҳамкорликда ижод қилган асарлар намойиши, ўзбекнинг бетақдор кўшиқ ва рақслари билан, аввало, **Бишкек, Харьков, Москва, Франция, Германия, Миср Араб Республикасида бўлдим.**

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари мотивлари асосидаги «Рақсу самоъ» спектаклида Дилоромнинг туяда кетиб боришини 3 метрли чўпоёқлар воситасида рамзий кўринишда тасвирланганми. Баҳромнинг 7 қасри эса 7 доира кўринишида тасвирланган эди. Бу воситалар фақат рамз ёки ишорагина эмас, халқ оғзаки ижоди, фольклор намуналарини муҳим эътибор билан эса қоларли бўлганди. Ҳатто чет элликлар ҳам айнан ана шуларга катта қизиқиш ва эътибор билан қарашган.

Санъатта енгил-елпи қараш ярамайди. **Шундай асар сахналаштириш керакки, томошабиннинг маънавиятини, савиясини юксалтирсин.** Аммо айрим режиссёрларимиз ишига юзаки қарайди, осон йўлдан боришни маъқул кўради. Бу билан санъатнинг кадр-қиммати пасаяди.

Томошабин театрга шунчаки вақт ўтказиш учун келиши керак эмас. Афсус, бугун айна шу жараёнга яқинлашиб қоляпмиз

Ким айбдор: томошабинми ё режиссёр?

– Айб ҳар икки томонда. Спектаклни маромига етказмаган жамоа ўз устида ишлашни кучайтириши керак. Маромига етмаган сахна асарини билиш учун узоққа бориб ўтириш шарт эмас – мухлислар ҳақиқий баҳони беради. Аммо барча мухлисларни ҳам театр одобидан хабардор, деб бўлмайди. Ортиқча шовқин ҳам актёрларга ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ спектакль ҳақиқий санъат даражасига кўтарилган бўлса, ҳар қандай кишини ҳам ўз қаршисига «михлаб» кўя олади. Томошабин йиғма олмаяптими – бу театрларнинг айби! Спектакль томошабинни ортидан эргаштириши керак. Яъни кишилар савиясини кўтариши лозим. Аммо бугун одамларда енгил комедияга мойиллик кўпроқ. Бу, айниқса, ёшларимизни ҳаётга енгил-елпи қарайдиган қилиб тарбиялаши билан хатарли. Бунинг нутқ сўзлаб ёки учрашув ташкил этиб ҳал этиш қийин. Энг яхшиси, асл санъат намунаси бўлган асарни сахналаштириш керак, вассалом.

Кўпчилик халқ санъатни тушуниши керакми ёки санъат халққа тушунарли бўлиши керакми, деган саволни ўртага ташлайди. Аслида халқ санъатни тушуниши керак. Аввалдан санъат бир қадам олдинда бўлган. Агар санъатнинг барча учун бирдай тушунарли бўлиши кераклигини ёқлаб чиқадиган бўлсак, барча асарлар жўнлашиб, сийқалашиб бораверади...

Театрда фақат санъатни тушунадиган кишилар ўтиришини хоҳлайман

– Тургенев айтганди: «Мени ўқийдиган битта китобхон бўлса, ёзишда давом этавераман». Худди шундай, сахна асарида айтилаётган сўзни юзта томошабиндан биттаси тушунсин – шунинг ўзи кифоя, ўша одам учун роль ижро этсангиз арзийди.

ДАРВОҚЕ...

Ойгул Халилова «Ёрилтош»да Оймомо, «Тоҳир-Зухра»да Зухра, «Лайли ва Мажнун»да Лайли, «Шоҳ Эдип»да Иокаста, «Найман Она»да Найман она, «Аршин мололон»да Гулчехра, «Жаннатга йўл»да Она, «Баҳром ва Дилором»да Дилором, «Меҳрибонгинам»да Она ролларини ижро этган.

Бугун баъзи давраларда мумтоз кўшиқларни куйлаб турганимда туркча ёки бошқа кўшиқни айтиб беришимни сўрашади. Аввало, мен турк ёки рус эмасман. Маъно-мазмунига ўзим ва бошқалар тушунадиган тил ва оҳангда куйлайман. Афсуски, айримларга кўнглик яйрашидан кўра, қулоқни қоматга келтиришу қилпанглаш кўпроқ маъқул кўринади. Шундай экан, бундай даврада санъаткорга қандай эҳтиёж бор? Битта диск билан ҳам тадбирни ўтказса бўлади-ку!

Ёшлигимизда ҳам хориж кўшиқлари бўлган, ўзимиз ҳам севиб эшитганмиз. Аммо ҳозир баъзи ёш хонанда йигит-қизларни турли миллат мусиқаларига тақлид қилиб, кўчирмакашликка қўл ураётгани жуда хунук ҳолат. Бундай жараёни ижод деб ҳисобламайман. Таронанинг илк ноталаридан қайси миллатнинг санъатига тегишли эканини дарров сезасиз. Аслида сиз таъкидлаб ўтгандек, европаликлар ҳам ўзларининг «ўлдим-куйдим» мазмунидаги саёз матнли кўшиқларини эшитавериш чарчаган. Дунё бизнинг ижро маҳоратимизга, дурдона асарларимизга тан бериб, бунинг сирини ўрганишга интилаётган бир пайтда ўзимизникилар ҳам уни кадрлашини, дилбандларида ҳурмат, иштиёқ уйғотишларини истаб қолардим.

Шоҳиста БОЗОРОВА
ёзиб олди.



Хивада «Лазги» халқаро рақс фестивали ўтказилади.



ҚОН ОЛДИРИШ

қандай касалликларга даво? Ойнинг қайси саналарида бу амал жоиз саналади?

Қон — инсон организмнинг энг муҳим элементларидан бири. У тўқималарга кислород етказишда ва моддалар алмашинувида фаол иштирок этади. Бироқ вена, артерия томирларида қоннинг маълум бир қисмигина оқади. Қолгани эса туриб қолиб, «қарий» бошлайди ва ўзининг сифатини йўқотади. Қолаверса, нотўғри овқатланиш, ҳавонинг ифлосланиши, турли стресслар натижасида барча ёмон моддаларни ўзига шимиб олади.

Бу эса кишида турли хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис қон олдириш кўпгина касалликларда фойда беради. Хусусан, у простатит, бўйин ва елкадаги оғриқлар, жинсий заифлик, қон босими ошиши, иммунитет сусайиши, бавосил, бош оғриғи, бепуштлиқ, сил, юрак хасталиклари, қандли диабет, камқонлик, ревматизм, кўз нури хиралашиши, глаукома, гайморит ва бошқа бир қатор касалликларда тавсия этилади.

Қон олинган, организм янги қон ишлаб чиқаради, бу эса инсоннинг ўзини тетик ҳис қилишига сабаб бўлади. Уни олдиришнинг эса бир неча усуллари бор. Масалан, қортиқ қўйиш, наштар уриш, игна (шприц) ёрдамида олиш, зулук солиш ва ҳоказо. Қон олдириш, 24 соат ичида қаттиқ жисмоний зўриқишларга олиб келадиган амаллар тақиқланади. Бундан ташқари, киши қон босимининг пасайиши ёки кўтарилишига сабаб бўладиган ҳолатлар (масалан, самолётда учуш ва сувга шўнғиш) дан ўзини тийиш лозим. Бундай амалиётни махсус билим, малакага эга мутахассисларга қилдириш зарур.



ДАРВОҚЕ...

Биологларнинг айтишича, зулукларнинг ферментлари инсонларникига ўхшаб кетади ва шунинг учун ҳам у фойдалидир. Зулуклар сизнинг соғлигингиз учун сиздан кўпроқ қайғуради. Боиси зулуклар қонга тўйингач, уйкуга кетади ва бу пайтда шифокорлар томонидан йўқ қилинади.

Энг фойдалиси — зулук солишдир...

Қон олдиришда энг фойдали усул, бу — зулук қўйишдир. Зулук билан даволаш (гирудотерапия) табиий даволаш турларидан биридир. Зулукни қарийб уч минг йилдан бери табиблар турли касалликларга даво сифатида ишлатиб келишмоқда. Абу Али ибн Сино ҳам зулук билан даволашга алоҳида эътибор қилиб, ўзининг «Тиб қонунлари» китобида зулук солдиришнинг афзалликлари, тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумот берган.

Зулукнинг 270 та тиши бор ва у тишлари остидаги гирудин моддасини инсон танасига юбориш орқали қонни суюлтиради, кислород билан тўйинтиради, юракнинг кислородга бўлган эҳтиёжини қондиради. Натижада танадаги лимфа безлари қуввати ошади ва иммунитет кучаяди. Зулук сўлагиди 100 хилдан ортиқ ферментатив модда мавжуд. Улар инсон танасида қон айланишини яхшилаш билан бирга, тўпланиб қолган ёғларни эритиш, терини майинлаштиради, ортиқча вазндан халос қилади.

Бир йилда ёки олти ойда бир зулук солдирган киши нисбатан камроқ касалликларга чалинади. Зулук фақат беморларга қўйилмайди. Соғлом одам ҳам йилига бир марта зулук солдириб турса, саломатлиги янада мустаҳкамланади. Қадимда зулук муолажаси, асосан, баҳор, куз фаслларида қўланган. Ҳозирги замон олимлари олиб борган илмий тажрибаларда аниқланишича, йилнинг исталган фаслида зулук қўйиш мумкин.

Муолажа қандай ўтказилади?

Бу муолажада одам танасидаги махсус акупунктур нуқталарга 3-5 дона зулук қўйилади. У мазкур нуқталарга ёпишиб олиб, терини 1,5-2 мм. чуқурликда тилиб, секин-аста қон сўра бошлайди. Зулук — жуда нозик жарроҳ ва сиз ошиб борса, ари чаққандай энгил ачишишни ҳис қилишингиз мумкин.

Шуниси ҳам борки, бир дона зулук атиги 5 мл. дан ортиқ қон сўра олмайди. 40-60 дақиқа мобайнида қон сўриб бўлгач, ўзи теридан тушиб кетади. Зулуклар муолажа учун махсус кўпайтирилади ва мутлақо стерил даражада бўлиб, биттаси фақат бир одамга қўйилади. Зулук қон сўрган жойда 12-16 соат давомида бироз қонаш кузатилиши мумкин.

Унинг асосий шифо манбаи — сўлаги. Сўлак инсон қонига тушгач, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишларга қарши таъсир қила бошлайди. Натижада қон айланиши яхшиланади, тромбозлар хавфи камаяди ва шишлар қайтади. Иммунитетни ҳам ошириш хусусиятига эга.

Зулук билан даволаш қон боси-

ми кўтарилиши, турли тромбофлебитлар, урологик, неврологик хасталиклар ҳамда қандли диабет, тери ва қалқонсимон без касалликларида тавсия этилади. Шунингдек, ундан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, агар кишида зулук сўлагига аллергия бўлса, камқонлик, қон ивишида муаммолар аниқланса, зулукдан фойдаланиш ман этилади.

Динда нима дейилган?

Араб тилида ҳижома сўзи «ал-ҳажм» ўзагидан келиб чиққан бўлиб, у «сўриш» деган маънони англатади. Ал-ҳижома термини қон олдириш маъносида ишлатилиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муҳим суннатларидан бири ҳисобланади.

Саҳиҳ ҳадисда хабар берилишича, Расулulloх (с.а.в.) айтдилар: «Уч нарсада дардга даво мавжуддир — асал ичмоқ, қон олдириш ҳамда ярага тамға қиздириб босмоқ». Анас ибн Молик (р.а.) ривоят қилади: «Набий (с.а.в.) айтдилар: «Исро кечасида ҳар осмонда менга айтилди: «Эй Муҳаммад, умматингга ҳижома (қон олдириш)ни қилдиришни амр эт...»

Шунингдек, ҳадисларда қон олдириш учун мақбул саналар ҳам келтирилган. Хусусан, ойнинг 17-, 19-, 21-кунлари қон олдириш учун энг яхши вақтдир. Бундан ташқари, уламолар тўқ қоринда ҳижома қилдиришни тавсия этмайдилар, чунки бу меъда-ичак йўллариининг беркитилишига ва шу сабабли қаттиқ оғриқлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Табиблар сўзига кўра эса, энг мутаасиб ҳижома, бу — чўмилиб чиққандан сўнг икки ёки уч соат ўтганда, қорин на тўқ ва на оч бўлганда қилинган ҳижомадир.

Хулоса қилиб айтганда, қон олдириш — инсон саломатлиги учун фойдали. Фақатгина бунда айрим талаб ва қоидаларга қатъий риоя этилса, бас. Қон олдиришни бирон хасталикка чалинганда ёхуд соғлом пайтда ҳам амалга ошириш мумкин. Албатта, бу амалиётни синашдан олдин мутахассислардан маслаҳат сўраш талаб этилади.

Салима ДАНИЕВА,
гирудотерапия шифокори.



Қонда D витаминининг нормал даражаси коронавирус асоратлари кучайишининг олдини олади.

БОЛАЛАР ИММУНИТЕТИНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН?



— Фарзандимиз куз-қиш мавсумида тез-тез шамоллаб қолади. Шифокорлар бунга сабаб сифатида иммунитет пастлигини айтишяпти. Айтинг-чи, болаларда иммунитет сусайишига нима сабаб бўлади? Иммунитетни қандай ошириш мумкин?

Ноила ХОЛИҚОВА.
Қашқадарё вилояти.

**Зухра НОРХЎЖАЕВА,
олий тоифали шифокор, педиатр:**

— Сўнгги пайтларда бир ёшгача бўлган болалар орасида ҳам шамоллаш кўп учраб турибди. Бунга онанинг ҳомиладорлик даврида кўп шамоллаши, ота-онанинг ҳомила учун хавфли инфекцияларни юктириб олгани ва уларда камқонлик каби касалликлар аниқлангани асосий сабаб бўлади. Шунингдек, бўлажак онанинг ҳомиладорликда тўғри овқатланмаслиги ҳам асосий омиллардан саналади. Наслдан-наслга ўтувчи юкумли, инфекцияцион ва сурункали касалликлар ҳам болага ота-онандан ўтиши тиббиётда исботланган. Шу боис катталар саломатлиги бола ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Иммунитет пастлиги қандай аниқланади?

— Агарда бола йил давомида ўткир респиратор вирусли инфекция, грипп, бронхит каби касалликларга тез-тез чалинса, унда иммунитет пасайганини билиш мумкин. Шунингдек, гўдақда камқонлик аниқланган бўлса, бу иммунитет тизими иш фаолиятини сусайтиради. Касалликнинг тез-тез қайталаниши ҳамда бемор гўдакнинг касал бўлган кунларининг чўзилиши унинг саломатлигига жиддий таъсир этади.

Бундан ташқари, боланинг умумий аҳолидан ҳам унинг иммунитетни пастлигини билиш мумкин. Масалан, беморнинг кўз

атрофи кўкариши мумкин. Унда ҳолсизланиш ва камқувватлилик каби белгилар кузатилади. Кўпчилик болаларда жигарнинг катталаниши билан иммунитет тизими фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Нотўғри овқатланиш иммунитетни пасайтирадими?

— Мактаб ўқувчиларидаги иммунитет заифлигига эса кўпинча витаминлар танқислиги, ёмон уйқу ва доимий психологик стресс сабаб бўлади. Витаминлар танқислигини тўғри овқатланишни ташкил қилиш йўли билан олдини олиш мумкин.

Сир эмас, мактаб ўқувчилари орасида пала-партиш овқатланувчи болаларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораёпти. Ярим тайёр фасфуд таомлар кўпинча болаларга зарур бўлган витамин ва минералларни овқатдан олишига тўсқинлик қилади.

7 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда боланинг танасида бир вақтнинг ўзида ўсиш ва ўрганиш вазибаларининг турганини унутмаслик керак. Бу эса ота-онандан алоҳида эътибор талаб этади. Бола кунига камида 4 марта овқатланиши керак. Агар болада озғинлик ёки ортиқча вазн бўлса, шифокор маслаҳати зарур. Спорт билан шуғулланадиган ўқувчининг овқатланиши жисмоний машқлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда тузилиши талаб этилади.

Йодланган тузни доимий истеъмол қилиш, сув ичиш режимига амал қилиш ва овқатланиш рационини витаминларга бой бўлиши керак. А витамини билан бойитилган сабзи ва ширин картошкани, цитрус мевалари ва брокколи С витамини ҳамда грипп ва нафас йўллари юкумли касалликларига қарши курашишда ёрдам берадиган Е витаминига бой ёнғоқлар, албатта, болалар рационини бўлиши мақсадга мувофиқ.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Грипп COVID-19 кўпайишига таъсир қиладими?



— Грипп мавсуми бошлангани сабабли иммунитет пасаяди. Бу коронавирус касаллигига қанчалик таъсир кўрсатиши мумкин? Ва бундай вазиятда гриппга қарши вакцина қанчалик ёрдам беради?

Мафтуна ШУКУРОВА.
Тошкент шаҳри.

Барно АБДУСАМАТОВА, Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси:

— Грипп коронавирус инфекциясининг кўпайишига таъсир қилмайди, чунки бу икки хил инфекция. Эпидемияга қарши тадбирларга риоя қилмаслик эса касалланишнинг ошишига сабаб бўлади. Агар аҳоли мунтазам ниқоб тақса, қўлни тоза сақлаш гигиенасига риоя қилса, ижтимоий масофани сақласа, ўзини изоляцияласа, вазият анча узоқ вақт давомида барқарор бўлиб қолади.

Яна бир масала — агар киши коронавирус инфекцияси билан оғриган бўлса ва яна бирор ёндош инфекция (грипп ёки бошқа) билан касалланса, у ҳолда коронавирус қийин кечади.

Ҳозирги вақтда гриппга қарши эмлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Грипп COVID-19 инфекциясисиз ҳам оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин бўлган жуда жиддий инфекция ҳисобланади. Шу боис бир вақтнинг ўзида иккита инфекция билан касалланмаслик учун гриппга қарши эмлаш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, ҳаммада ҳам гриппга қарши эмлаш имкони йўқ, чунки айрим шахсларда ушбу вакцинага қарши кўрсатмалар мавжуд, лекин умумий ҳисобда, биз эмлаш керак, деб ҳисоблаймиз.



Ҳиндистонда Бухоро давлат тиббиёт институтининг филиали ташкил этилади.



«УСТОЗ ҲАҚҚИ

ота-она ҳаққидан ҳам кўпроқ бўлади...»

Азалдан устоз ва мураббийлар меҳр-муҳаббат билан улуғланиб, уларга эҳтиром кўрсатилган. Аждодларимиз мадраса илмини эгаллар экан, қадимги қўлёмаларда битилган табиат, фикҳ, ҳандаса, тиббиёт, астрономия, тарих фани асосларини зукко, синчков устозларидан тинглаб, буюклик чўққисига чиқишган.

Аллоҳ таоло илм-маърифат тарқатиш ва эгаллашнинг савобини, илм аҳли, устоз-мураббийлар, шогирдлар мартабасини баланд кўтарди. Буни муқаддас китобимиз — Қуръони каримнинг «Мужода» сураси 11-оятдаги мана шу жумла яққол ифодалайди: «Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур», дейди.

Аллоҳ таоло бу ояти каримада илмни, уни тарқатувчи илм аҳлини улуғламоқда. Улуғ саҳобалардан бири Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳар сафар ушбу оятни ўқисалар: «Эй, одамлар! Бу оятни яхши англашлар, у сизларни илмга тарғиб қилади», дер эканлар. Уни шарҳламоққа, маъноси мағзини чақмоққа ҳожат йўқдир.

Икки кишидан қай бири устун?


Ҳадиси шарифларда илм аҳли аъло даражада таърифланган. Имом ат-Термизий раҳматуллоҳу алайҳ Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анхундан ривоят қилади:

РИВОЯТ

Ким кимга такаббурлик қилмайди?

Ривоят қилинишича, тўрт иш борки, бирор улуғ киши агарчи, султон бўлса-да, уларни бажаришга такаббурлик қилмайди:

- отаси келганда ўрндан туришга ҳеч бир улуғ киши такаббурлик қилмайди;
- таълим олган олимга хизмат қилишга ҳеч бир улуғ киши такаббурлик қилмайди;
- билмайдиган нарсасини сўрашга ҳеч бир улуғ киши такаббурлик қилмайди;
- меҳмонга хизмат қилишга ҳеч бир улуғ киши такаббурлик қилмайди.



Пайғамбаримиз (с.а.в.) олдиларида икки киши зикр қилинди. Уларнинг бири обид, иккинчиси олим эди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): «Олимнинг обидга нисбатан фазли, худди мен билан сизларнинг энг кичикларингиз фазлига ўхшашдир», дедилар. Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Албатта, Аллоҳ таоло, унинг фаришталари, осмонлар ва ер аҳли, ҳатто, инидаги чумоли ҳам ва сувдаги балиқ ҳам инсонларга илм ўргатувчи кишига саловот айтади», дея олимлик мартабасига эришганларнинг қадрини, мақомини устун кўйдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзларининг бошқа бир ҳадисларида «Ким кичигимизни иззат қилмаса, каттаимизни улуғламаса ва илм аҳлини ҳурмат қилмаса, биздан эмасдир», дея устозларга яна бир қарра ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар.

Дарҳақиқат, дунёдаги ҳар бир мавжудот муаллимни қилаётган камтарона хизмати — саводхонликни тарғиб этгани, илм-маърифат тарқатаётгани учун мукофотлайди. Ҳаттоки, нозиккина хилқат — чумоли ҳам, сувдаги забонсиз балиқ ҳам унинг ҳаққига ҳамду сано айтиши бежиз эмас. Зеро, Аллоҳ таолонинг раҳматига, осмонлар ва ер аҳлининг саловотига сазовор бўлиб турган кишиларга ҳамisha қуллуқ қилинади.

Устозга шогирди алоҳида салом бермоғи жоиз

Устоз-шогирдлик аънаналаридаги энг эзгу ғоя, мақсад нимада? Бу савол барча ижтимоий тузумларда муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, шарқ давлатларида устознинг шогирдга, шогирднинг устозга муносабатидаги нозик жиҳатлар хусусида турлича ривоят ва асотирлар сақланиб қолган.

Ҳазрати Али розияллоҳу анху шогирд ва устоз ўртасидаги одобларни баён қилиб: «Сенинг зиммангда олим кишининг ҳақлари бор. Агар олим киши кўпчилик билан ўтирган бўлса, омматан салом берганидан сўнг олимга алоҳида салом берасан. Агар олим кишининг олдида ўтирган бўлсанг, ундан бошқага қўлларинг билан ёки кўзларинг билан асло ишора қилмайсан. Фалончи бундай деган-ку, деб унинг гап-ла-рига зид гапларни гапирмайсан. Унинг ҳузурда бирор кимсани



Жалолиддин ХОЛМЎМИНОВ,
«Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси.

ғийбат қилмайсан. Унинг янглишиб кетишини хоҳламайсан. Агар янглишса, узрини қабул қиласан. Аллоҳ учун уни улуғлаб, ҳурмат қилишинг сенинг бурчингдир. Агар унинг бирор эҳтиёжи бўлса, унинг эҳтиёжини чиқаришга бошқалардан олдин интиласан. Унинг олдида бошқа билан пичирлашиб гаплашмайсан. Унинг кийимларини ушламайсан. У хоҳламаётган пайтда қаттиқ талаб қилмайсан. Унинг суҳбати узунлигидан малолланмайсан. Зеро, олим қачон ундан менга бирор нарса тушаркин деб кутаётган ҳурмо дархтига ўхшайди», дея кўрсатма берганлиги ривоят қилинади.

Ғаззолийдан бир ҳикмат

Улуғ алломаларимиздан бири Абу Ҳомид Ғаззолий «Эй, фарзанд» номли асариде: «Устоз ҳаққи ота-она ҳаққидан ҳам кўпроқ бўлади. Чунки ота-она фарзанднинг дунёга келишига сабаб бўлса, устоз эса охираат биносининг тикланишига асосий сабабчидир», дея хайратомуз бир ҳикматни қолдирган. Дейилмоқчики, ота-она каби устознинг ҳам хайрли дуосини олиш, баддуосига қолмаслик керак. Бунда ҳарф ўргатган, оламни танитган зотнинг хайрли дуосини олган шогирднинг юксалишига ишора бор.

Бу битикларда олим зотини муқаддаслаштириб юбориш эмас, балки уларни ҳурматлаш ва қадру қийматлари қанчалар улуғ эканини англашиб кўйиш зарур эканлиги айтилмоқда. Хулоса шулдирки, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз муборак ҳадисларида, аввало: «Мен инсониятга гўзал ахлоқни ўргатиш учун юборилганман», деб ўзлари муаллим эканини баён қилганлар. Аллоҳ таоло ҳамду саносига мушарраф бўлган касб эгалари қаршисида таъзим айлаб, улар ҳаққини, хизматини адо этишга бурчли бўлмоғимиз лозим.



Мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек, текинга олинган даромадларга солиқ солинмайди.



Хабарингиз бор, Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги кўп йиллик можаро яна авж оляпти. Вазият кескинлашгани туфайли ҳар икки мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Якшанбага ўтар кечаси ва тонгда Тоғли Қорабоғдаги туташув чизиғида ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтган. Бунинг оқибатида нафақат ҳарбийлар, балки тинч аҳоли ўртасида ҳам қурбонлар борлиги айтилаётгани вазият нақадар кескин эканини англатади.



ҚОРАБОҒДАГИ қора доғлар қачон ювилади?

байжон билан ҳар икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида тинч ва конструктив мулоқотни бошлаши кераклигини эслатиб келади. Агар бу йўлда қатъий қадамлар ташланмас экан, оғир оқибатларидан муқаррар қочиб бўлмайди.

Қайд этиш керакки, Жанубий Кавказнинг икки республикаси ўртасидаги можаро 1988 йилда Арманистоннинг Озарбайжонга ҳудудий эътирози туфайли келиб чиққан. Ўша йиллари аҳолисининг аксарини арманлар ташкил этувчи мазкур ҳудудда айирмачилик кайфияти кучайди ва буни Ереван қўллаб-қувватлади. Воқеалар ривожи Озарбайжон ва Арманистон ўртасида уруш бошланишига олиб келди.

1994 йилда томонлар сулҳ тузишди. Озарбайжон ҳудудининг 20 фоизидан ажралди. Ереваннинг даъвосига кўра, Тоғли Қорабоғда азалдан арманлар яшаб келган ва у Арманистоннинг тарихий ҳудудидир. Ереваннинг қўллови билан тузилган ва Арцах деб ҳам аталадиган Тоғли Қорабоғ Республикасини халқаро ҳамжамият тан олмайди ҳамда ҳудудни Озарбайжоннинг бир парчаси деб ҳисоблайди.

Шундан бери Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги можарода томонлар ўртасида воситачилик қилиш учун Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг таркиби 11 давлатдан иборат «Минск гуруҳи» Россия, Франция ва АҚШ ҳамраислигида муваффақиятсиз тинчлик музокараларини олиб бормоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Тоғли Қорабоғ ва унга туташ ҳудудларни озод қилиш бўйича аввал қабул қилинган тўртта резолюцияси ҳануз Арманистон томонидан бажарилмаяпти.

Халқаро ҳамжамият қандай фикрда?

Тоғли Қорабоғ нафақат Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги, балки минтақавий аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Бу можарода Туркия Озарбайжонни,



Абдували САЙБНАЗАРОВ, сиёсий шарҳловчи.

Россия эса Арманистонни қўллаб-қувватлаб келади. Сурия ва Ливияда бўлгани каби бу ҳудудда ҳам Анқара ва Москванинг манфаатлари бир-бирига қарама-қарши, яъни Тоғли Қорабоғ масаласи ушбу икки давлат ўртасидаги таранглик омилларидан биридир.

Европа давлатлари, Хитой, Россия, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа мамлакатлар томонларни зўравонликларни тўхтатиб, мулоқот бошлашга чақирмоқда. Кавказдаги можарода энг бошидан Озарбайжонни қўллаб-қувватлаб келган Туркия иттифоқчисига мадад беришини билдирди. «Озарбайжонга ҳужум қилган Арманистонни яна бир бор қоралайман. Тоғли Қорабоғнинг босиб олиниши билан бошланган можарога барҳам бериш вақти келди. Арманистон Озарбайжон ерларидан дарҳол чиқиши билан тинчлик қарор топади. Бундан бошқа барча таклифлар адолатсиз ва ноқонуний бўлиб қолади», — деди Туркия президенти Режеп Таййиб Эрдоған.

Тоғли Қорабоғдаги биринчи урушда Арманистонни қўллаган Россия вазиятни кузатаётганини билдирди. Айрим таҳлилчилар Туркиянинг можародаги иштироки Россиянинг ҳам қўшилишига олиб келиши мумкин, дея хавотир билдирмоқда. Россия Арманистон ва Озарбайжонга қурол сотади, Арманистонда ҳарбий базага ҳам эга.

Америка Кўшма Штатлари Кавказдаги вазиятдан хавотирда эканини билдириб, томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга чақирди. Президент Дональд Трампнинг сўзларига кўра, АҚШ можарони диққат билан кузатмоқда ва «уни қандай тўхтатиш мумкинлигини кўриб чиқаяпти».

Ўзбекистон қандай баёнот берди?

Озарбайжон ва Арманистон муносабатларидаги кескинликнинг ошиши Ўзбекистон Республикасида ҳам жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ўзаро қарама-қаршилиқ чоғида ҳарбий кучнинг ишлатилиши икки томондан ҳам кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келиши мумкин. Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида айтилишича, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилаётган давлат сифатида МДҲ ҳудудида дўстлик, яхши кўшничилик муносабатлари ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, бахсли масалаларни халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий мос равишда тинч йўл билан ҳал қилинишининг муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Озарбайжон ва Арманистонни ҳарбий ҳаракатларни тезда тўхтатишга ҳамда можарони суверенитет ва ҳудудий яхлитлик тамойилларига риоя қилган ҳолда тинч йўл билан бартараф этиш мақсадида дипломатик музокараларни бошлашга чақиради.

Сирасини айтганда, дунёнинг бошқа минтақаларида бўлгани каби Кавказда ҳам тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришини истаймиз. Озарбайжон ҳам, Арманистон ҳам МДҲдаги шерикларимиз. Мураккаб синовли дамларда бир-биримизга ёрдам кўрсатдик. Уруш беҳуда қон тўкилишига, бегуноҳ инсонларнинг ўлимига, мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини чеклашга олиб келади. Жанубий Кавказ республикаларининг аҳиллиги ва муроса йўлини танлашигина минтақа тараққиётига хизмат қилади.

Энг ёмони, қуролли тўқнашувнинг катта урушга айланиб кетиш хавфи. Ўттиз йилдан ортиқроқ вақт давомида Тоғли Қорабоғни таллашиб ётган Озарбайжон ва Арманистон бир тўхтамга келолмаяпти. Агар кенг қамровли уруш келиб чиқса, сайёраимизда яна бир «қайноқ нуқта» вужудга келади.

Томонлар можарода бир-бирини айбламоқда. Баёнотларда ҳатто Сурия шимолидан жангарилар ёлланаётгани ҳам айтилмоқда. Талафотлар ҳар икки томондан ҳам катта. Ереван ҳам, Боку ҳам ўз муваффақиятлари ва рақиб мағлубияти ҳақида хабар тарқатди. Ҳарбий ҳаракатлар давомида қанча аскар ҳалок бўлгани маълум эмас — ҳар икки томон душман жуда кўп қурбон бергани ва ўзининг йўқотишлари нисбатан камлиги тўғрисида бир-бирига тўғри келмайдиган баёнотлар бермоқда.


Жумладан, Озарбайжон мудофаа вазирлиги Арманистон қуролли кучлари жанговар ҳаракатлар оқибатида 550 нафардан ортиқ ҳарбийсини йўқотганини маълум қилди. Ўз навбатида, Арманистон томони Озарбайжон армияси бир кунда қарийб 200 нафар ҳарбий хизматчисидан айрилгани ҳақида хабар тарқатди.

Можарога нима сабаб бўлмоқда?

Афсуски, бу тўқнашувлар халқаро ҳуқуқ нормалари асосида вазиятни ечишга қодир бўлмаган ёки ечишни истамайдиган халқаро ҳамжамият пасивлиги оқибатидир. Бир неча ўн йиллардан бери халқаро жамоатчилик бу можарони «музлатиб» бўлмаслигини, Арманистон босиб олган ерларини бўшатиб қўйиши, Озар-



«Йўқолиш хавфи нуқтаи назаридан жаҳондаги тиллар таснифланади.»



Қоя узра тирмашиб чиқаётган альпинистни кўрганда, ҳар қандай киши беихтиёр ҳайратга тушади. Ножоиз ҳаракат туфайли арқон узилиб кетса, чўққига чиқмоқчи бўлган кишининг ҳаёти хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис қалтис, ҳаёт учун хавфли бу спорт тури билан шуғулланишга унча-мунча инсоннинг юраги бетламайди.

Экстремал, аммо ҳис-ҳаяжонга тўла

Савол туғиладики, инсон ҳаёти учун хавф-хатар туғдирадиган бўлса, альпинизмни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашдан мақсад нима? Мутахассислар ушбу спорт тури экстремал, яъни қалтис бўлса-да, одамни ўз олдига қўйган мақсадни забт этишда кўрқув туйғусидан воз кечишга, қийинчиликни мардонавор енгилга, жисмонан соғлом бўлишга, ортиқча вазндан қутулишга ёрдам беришини айтадилар. Афсуски, шахсда ирода сифатларини шакллантиришга замин яратадиган альпинизмга юртимизда қандай шарт-шароит яратилаётгани, қандай натижаларга эришилаётгани ҳақида нимагадир эшитмаймиз.

— Очиғи, бизда тоғ туризми альпинизмга қараганда анча ривожланган, — дейди Республика альпинистлар федерацияси раиси Алишер Хурсандов. — Бироқ шаклан ва мазмунан унга ўхшаш бўлган альпинизмга давлат томонидан маблағ деярли ажратилмайдиган. МДХ давлатларида альпинизмни бюджетдан молиялаштириш бизниқидан қарийб 80-100 баравар кўпроқ бўлиб, ёшларни бу соҳага кенг жалб қилиш, бюджет ҳисобидан қопланадиган турли хил тадбирларни ўтказиш ва жамоатчиликда қизиқиш уйғотиш имконини беради. Тўғри, Ўзбекистонда альпинизм тарихи билан боғлиқ шонли саҳифалар бор. Жамоамиз бир неча маротаба турли чемпионатларда ғолиб бўлиб қайтган. Энг баланд чўққи — Эверест ҳам забт этилган. Аммо Ўзбекистонда

ҚОЯ

қачон забт этилади?

альпинизм билан шуғулланувчилар сони нари борса, 100 нафарга ҳам етмаслиги қувонарли ҳолат эмас. Сон кам бўлса, сифатга ҳам таъсири бор. Ҳаттоки, республика доирасида ўтказиладиган мусобақалар кам бўлгач, МДХ ёки халқаро миқёсдаги чемпионат, кубокларда иштирок этиш ҳақида гапириш мумкинми?

Альпинизм Ўзбекистонга «ўғай» спорт турими?

Табиийки, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан сўнг ана шу савол пайдо бўлади. «Ўғай»ликни эса ҳақиқийлик билан тенглаштириб бўлмайди. Альпинизмни ўз талаб ва андозалари даражасида ташкил этишга нима тўсқинлик қилади?

— Биринчидан, давлат ташкилотлари томонидан альпинизм муаммоларини ҳал этишга эътибор қаратилаётгани йўқ, — дея сўзида давом этади Алишер Хурсандов. — Қолаверса, федерациямиз фаолияти мутасаддиларни умуман қизиқтирмайди. Учинчидан, спортчилар разрядини оммавий тарзда оширишнинг ўқув дастурлари мукамал эмас. Экстремал бу спорт тури эркин, ихтиёр тарзда бўлгани учун ҳам уни молиялаштириш, инфратузилмасини яратиш қийин кечади. 2002 йилга қадар Тошкент вилоятининг Пском тоғ ён-бағирларида Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ташкил қилинган альпинистлар кўчма оромгоҳи ҳозир йўқ. Шуғулланаётганлар эса санокли.

Ўйлаймизки, давлатимиз раҳбарининг «Қишқи спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мураккаб турдаги тоғ чанғиси, хоккей,

конькида фигурали учуш ва бошқа спорт ўйинлари каторида альпинизмни ривожлантиришга ҳам замин яратади. Айнан шу спорт турлари билан ўзини чиниқтирган ёшлар баланд-баланд тоғ чўққиларини забт этишига шак-шубҳа йўқ.

Қояни ким забт этади?

Альпинизмга «эгизак» яна бир йўналиш — қояни забт этиш ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, сунъий қоя — скалодромда ўз иродасини обдон тоблаган ўсмир келажакда тоғ чўққисига кўрқув ҳисси билан эмас, балки катта журъат билан тирмашиб чиқишга куч топа олади. Хўш, спортнинг бу тури билан кимлар, қаерда шуғулланиши мумкин?

— Қояни забт этиш анча мураккаб машғулот туридир, — дейди спортнинг қишқи ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби тренери Фирдаус Деменская. — Унинг жорий йилдан бошлаб расман Олимпия ўйинлари таркибига киритилгани эътиборга молик. Мактабимизга ана шу турда ўзини чиниқтириш истагида бўлган ўсмирлардан 16 нафарини жисмонан соғломлиги, бўй-бастига қараб қабул қилганмиз. Машғулот ҳар куни 145-умумтаълим мактаби, «Анҳор-Локомотив» истироҳат боғи худудида ўтказилади. Ёзги мавсумда скалодромни очиқ шароитга ўрнатиб, ўсмирда ўзига нисбатан ишонч, ирода, сабр-тоқат сифатларини тарбиялаймиз. Аммо қиш ойларида скалодромни ўрнатадиган ёпиқ биномиз йўқ. Бундан ташқари, қўлга суртилдиган магnezия, нархи 550-600 минг сўм турадиган махсус оёқ кийими, арқон каби анжомлар билан спортчиларни таъминлашга қийналамиз. Ҳомийлар топилса, хурсанд бўлардик.

Терма жамоа шаклланган...(ми?)

Қайси спорт тури бўлмасин, терма жамоани шакллантириб бориш амалиёти ўз натижасини беради. Номидан сезиладики, терма жамоага ҳар жиҳатдан чиниққан, мускул-пайлари пишиқ, кичик мусобақаларда ўзини тоблаб,

ДАРВОҚЕ...

Илк марта 1786 йил 8 августда Мишель-Габриэль Паккард ва Жак Бальма денгиз сатҳидан 4810 метр баландликда бўлган Альп тоғларини биргаликда забт этган. Бунга қадар тоғ чўққисига чиқмоқчи бўлганларнинг уриниши беҳуда кетган.

катта аренага қадам қўйишдан чўчимайдиган спортчилар қабул қилинади. Айни пайтда Республика олий спорт маҳорати мактабида 809 нафар ўқувчи мунтазам равишда шуғулланиб келяпти. Шундан 320 нафари ўз турлари бўйича терма жамоа аъзолигига қабул қилинган. — Альпинизм, қояни забт этиш, хоккей, чанғи, конькида фигурали учуш сингари спорт турлари мураккаб, экстремал харақтерда бўлгани боис терма жамоани шакллантириш ҳам осон эмас, — дейди мазкур мактаб директори ўринбосари Исмоил Ирисов. — Бу турлар бир-бирига қайсидир жиҳатдан ўхшаш бўлса, фарқланадиган томонлари ҳам бор. Нима бўлишидан қатъи назар, ушбу турларга мойиллиги бор ва шуғулланаётган ёшларни қўллаб-қувватлашимиз зарур. Пойтахтимизнинг Олмазор туманида фойдаланишга топширилган Республика ўқув-машқ марказида қояни забт этиш бўйича машғулот ўтказадиган алоҳида бўлим очил режалаштирилган. Бу эса ёшларнинг келажакда улкан тоғ чўққиларини забт этиши, Олимпия ўйинларига тайёрланиши, муносиб натижаларни қўлга киритиши учун хизмат қилади.

Жисмонан соғломлик руҳий тетиклик билан уйғунлашса, кишида мардлик, жасурлик, ўзига ишонч, ғалаба учун интилиш ҳисси кучаяди. Альпинизм ва қояни забт этишдек мураккаб, хатарли спорт турлари ёшларда айнан ана шу сифатларни тарбиялар экан, уларни имкон даражасида ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилишини истар эдик.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистон альпинистлари Ҳисор (4421 м.), Тўртқўйлик (4366 м.), Ҳазрати Султон (4266 м.), Кўхитонг (3139 м.) ва бошқа тоғ чўққиларини забт этишган.



Олимпия машғаласи эстафетаси 2021 йилнинг 25 март санасида бошланади.

Атоқли адибимиз, Нақшбандия тариқатининг етук вакиллари билан бири Бобораҳим Машраб бошқа инсонларда такрорланмас хислатларга эга даҳо, афсонавий инсон бўлган. Балки шунинг учун ҳам яшаб ўтган даври жуда узоқ йилларга бориб тақалмаса-да, атоқли адибнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги маълумотлар афсона ва ҳақиқатлар билан қоришиб кетган. Шу боис бугунги кунда ҳам халқ орасида Бобораҳим Машраб номи атрофида турли фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Машраб қаерда туғилган?

Бобораҳим Машраб XVII асрда Фарғона водийсида таваллуд топгани маълум. Аммо ҳали-ҳануз унинг айнан қаерда ва қайси санада туғилгани ҳақида илм аҳли орасида кўплаб баҳс-мунозаралар юради. Хусусан, Пўлатхон Қаюмов ўзининг «Тазкираи Қайюмий» асарида шоирни «Фарғона водийсидан бўлуб, Наманган шаҳридан-дур» деб келтиради. Бунга асос қилиб Бобораҳим Машрабнинг шеърларидаги айрим белгиларни кўрсатади.

Ғафур Ғуллом бошчилик қилган бир гуруҳ олимлар эса тазкиранавис Муҳаммад Бадиъ Малиҳо Самарқандийнинг «Музаққир ул-асҳоб» асаридаги маълумотлар ва ижодкорнинг айрим шеърларига таяниб, уни Андижон шаҳрида таваллуд топганини айтади. Улар «Музаққир ул-асҳоб»дан: «Машраб қаландар Раҳимбобонинг тахаллусидир. Асли Андигон (Андижон) вилоятидан бўлиб, гўдаклик чоғларида илм ва фазилатлар касб этиш учун Наманган вилоятига (кўчиб) борган», деган иқтибосни келтирадilar. Хусусан, Ғафур Ғуллом ўз қарашининг тўғри эканини исботлаш учун: «Муҳаммад Бадиъ Малиҳо берган маълумотга шунинг учун ҳам ишониш керакки, у Машрабга замондош бўлиши билан бирга, у билан Самарқандда учрашган, уни яхши билган ва ўзининг «Музаққир ул-асҳоб» асарини ҳам Машраб ҳаёт вақтида, яъни 1688-1691 йилларда ёзган» дея таъкидлайди.

Аслини олса, қайси худудда

БОБОРАҲИМ МАШРАБ: АФСОҲА ВА ҲАҚИҚАТЛАРГА ҚОРИШГАН ҲАЁТ МАНЗАРАСИ



туғилишидан қатъи назар, Бобораҳим Машраб бутун ўзбек халқининг буюк аждоди, адибидир. Аммо олимларимиз илмий ҳолислик учун яқдил бўлиб, Машрабнинг таваллуд манзили ҳақидаги илмий ҳақиқатни юзага чиқаришлари ва қатъий бир тўхтамга келишлари зарур.

Ўз ўлимини башорат қилган... (ми?)

Бобораҳим Машраб 1711 йилда Балх вилояти ҳукмдори Маҳмудбий Қатағон амрига кўра, дорга осиб ўлдирилган. Унинг ўлим сани ва жойи тарихий манбаларда аниқ келтирилган. Аммо ўлим сабаби бўйича турлича қарашлар мавжуд.

Айрим илм аҳли вакиллари у куфр ила тўхмат қилиниб, қатл эттирилган деса, бошқа бир тараф бунга Машрабнинг ҳукмдорни танқид қилиб, халққа жабру зулмлар ўтказгани ва мамлакатни харобага айлантирганини фош этишларини сабаб қилиб кўрсатади.

Бобораҳим Машрабнинг ҳаёт фаолиятини ўрганар эканмиз, бир нарсга ажаблантирдик. Машраб ўлимидан олдин ғазалларидан бирида ўзининг қаерда вафот этиши ҳақида маълумот бериб кетган экан.

*Онайн зоримга берманглар хабар,
Балх шаҳрида қазо топсам керак.
Машраби шўрида Маҳмуд илқиди
Пирим амрини бажо топсам керак.*

Машраб пирининг даргоҳидан ҳайдалганми?

Бобораҳим Машраб илк устози Мулло Бозор Охунд тавсияси билан Қашқарга донгдор Нақшбандия шайхи ҳазрати Ҳидоятуллох Офоқ Хожа Эшон даргоҳига мурид бўлиб борган. Офоқ Хожа Эшон Машрабнинг камолотида муҳим роль ўйнаган инсон, тари-

ДАРВОҚЕ...

Бобораҳим Машраб ижодининг илк даврларида Риндий, Маҳдий деган тахаллуслар билан ҳам шеърлар ёзган. Лекин унинг хос ва мос тахаллуси Машрабдир. Бу сўзнинг маъноси кўп. Аммо унга шу тахаллусни берган устози Офоқ Хожа Нақшбандий назарда тутган маънолари «чашма», «булоқ»дир.

қат илмидан сабоқ берган пири ҳисобланади. Машрабнинг пир даргоҳидан кетиши манбаларда турлича талқин қилинади. Қиссаларда унинг даргоҳдаги канизакларнинг бирига кўнгил кўйгани, севиб-севилгани сабаб бўлгани айтилса, айримларида уларнинг қарашларида фикр айрилиғи бўлгани таъкидланади.

Машҳур ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Мирзо Кенжабек бу ҳақда «Ошиқ Машраб ва тасаввуф олами» китобида: «Камина бундай оғир гапларни Машрабнинг ахлоқи, жазбаси, ишқи, маърифати ва пок зотига лойиқ бўлмаган асоссиз ифодалар деб ҳисоблайман. Машраб ҳақидаги қиссалар илмий ҳақиқат учун тўлиқ ҳужжат бўла олмайди. Зотан, «Қиссайи Шоҳ Машраб» китобини нашрга тайёрлаган муҳтарам олимларимиз Сайфиддин Сайфуллох ва Абдусаттор Жуманазар сўзбошида: «Қиссадаги Машраб билан тарихий Машраб ўртасида анча фарқ бор...» деб ёзади.

Қаландария тариқатига мансуб бўлганми?

Кўпчилик Бобораҳим Машрабнинг шеърларида ўзини қаландар дея аташдан келиб чиқиб, уни Қаландария тариқатига мансуб дея хато фикр билдиради. Аслида Машрабнинг ўзини қаландар деб аташи тавозуъларида, хокисор-

лиги ва ўз нафсига қилган аччиқ маломатларидандир. Бу ҳақда «Ошиқ Машраб ва тасаввуф олами» китобида шундай дейилади: «Машрабни қаландария тариқатига мансуб қилиб кўрсатадилар. Бу ҳазрати Машрабга нисбатан оғир тўхматдир. Чунки у зотнинг Нақшбандия сулукига мансуб, ҳазрати Офоқ Хожа Эшон даргоҳига боғлиқ ориф, обид ва ўта муттақий зот эканлиги етарли далиллар билан исботини топган, шубҳасиз ҳақиқатдир. Қаландария тариқати эса тасаввуф арбобларининг яқдил хулосасига кўра, Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабидан ташқаридаги бир оқимдир. У ҳолда шундай азиз зотни нотўғри нарсаларга ҳукм қилинган бўлиб қолади».

Машрабнинг ўз-ўзини қаландар деб аташи худди девона сўзи каби мажозий ифода, яъни ошиқ деган маънодадир. Бинобарин, тарихий далилларга қарамай, у зотни қаландария тариқатига мансуб қилиб кўрсатиш илмий жиҳатдан мудҳиш хатодир. Машраб ижодидан у зотнинг қатъиян аҳли суннат вал-жамоат йўлига тобелиги равшан англашилади.

Шу боис бирон-бир тарихда ўчмас из қолдирган шахслар ҳақида фикр билдираётганда эҳтиёт бўлиш зарур. Билиб-билмай айтилган ишончсиз кичкинагина маълумот ҳам унинг обрўсига путур етказиши ёки аҳоли орасида буюк бобокалонларимиз ҳақида нотўғри таассурот пайдо бўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Мақолада келтирилган факт ва маълумотлар ёш адабиётшунослар, тадқиқотчилар олдида ҳали улкан вазифалар турганини кўрсатади. Машраб даҳосининг ижоди ва ҳаётини фаолияти тўлиқ ўрганиш, халққа етказиб бериш учун кўплаб изланишлар қилиниши, илмий рисола ва мақолалар чоп этилиши талаб этилади. Зеро, адабиётимизни ўрганиш ўзлгимизни англаш, тарихимизни ўрганиш эса келажагимизни мустаҳкам барпо этишимизга асос бўлади.

Нодира РАСУЛОВА,
тарих фанлари номзоди.

ЭЪЛОН:

2019 йил 20 июнда Муҳиддинов Равшанбек Улуғбековичга Тошкент геодезия ва картография касб-хунар коллежи томонидан берилган К № 5772546 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.



Фахрий фуқаро»ларни рўйхатга олганлик учун давлат божи ундирилмайди.

СОЛИҚ

Ўзини ўзи банд қилган шахс қанча солиқ тўлайди?

— Мен нон ва патир тайёрлаб сотаман. Яқинда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтдим. Энди қандай ва қанча солиқ тўлайман?



Эркабой РАҲИМОВ.
Андижон вилояти.

Музаффар НАЗАРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Солиқ кодексининг 369-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жами даромад таркибига киритилмайди ва солиқ солинмайди. Бундай шахслар 1 июлдан бошлаб ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида (яъни бугунги кун ҳолатига 111 минг 500 сўм) тўлайди. Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва у пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланишида асос бўлади.

УЙ-ЖОЙ

Бу йил оғир шароитдаги аёлларга уй ажратилмайдими?

— Икки нафар фарзандим бор, 5 йилдан буён ижарама-ижара сарсонмиз. Қийин аҳволда яшаётган аёлларга берилаётган уйлардан олмоқчи эдим. Айтишларича, бу йил карантин сабабли бундай уй-жойлар ажратилиши тўхтатилди. Шу тўғрими?

Нодира ХОЛОВА.
Сурхондарё вилояти.



Саодат БОЙМИРЗАЕВА,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— 2020 йилги Давлат дастурининг 168-бандига асосан, ҳар йили эҳтиёжманд шахсларга 1 минг 576 та арзон уй-жой берилиши режалаштирилган. Карантин муносабати билан бу уй-жойларнинг берилиши тўхтатилгани ҳақидаги фикрлар нотўғри. Давлат дастурининг 204-бандига мувофиқ, бугунги кунга қадар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарни уй-жой билан таъминлаш учун Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш Давлат мақсадли жамғармаси томонидан 852 нафар хотин-қизга 10 фоиз бошланғич бадал — 14 млрд. 563 млн. 113 минг сўм маблағ тўлаб берилди.

ҲУҚУҚ

Мажбурий меҳнатга жазо борми?

— Бошлиғим вазифамга кирмайдиган ишларни қилишга мажбурлайди. Агарда қилмасам, ишдан бўшатишини айтиб қўрқитади. Айтингчи, қонунчиликда мажбурий меҳнат учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Ирода НАБИЕВА.
Тошкент шаҳри.



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига асосан, меҳнатга бирор-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима, худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, БҲМнинг 70 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, Жиноят кодексининг 148²-моддасига асосан, худди шундай ҳаракат маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, БҲМнинг 150 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 4 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан, агар бу ҳолат вояга етмаган шахс билан содир бўлса, БҲМнинг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЙ

Ишга кирса, нафақа бериш тўхтатилмайдими?

— Ёлғиз она сифатида маҳалладан бола парвариши учун нафақа олар эдим. Аммо ишга кирганимдан сўнг маҳалла томонидан нафақа бериш тўхтатилди. Уларнинг бу ҳаракатлари қонунийми?

Розия ҲАСАНОВА.
Тошкент вилояти.



Ўғилой ЎРОЗОВА,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 38-бандига кўра, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тўлаш бола парвариши бўйича нафақа олувчи она ишга чиққанда тўхтатилиши белгиланган. Шунга кўра, ишга кирганингиз сабабли нафақа бериш тўхтатилгани асосли ҳисобланади. Тўловларни тўхтатиш фуқаролар йиғинининг тегишли баённомаси билан расмийлаштирилади.

ЭЛЕКТРОН ҲУҚУМАТ

Ҳоким қарори ўтиб кетган сана билан тасдиқланмайди... (ми?)

— Энди ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар электрон шаклда амалга оширилиши айтилмоқда. Шу ростми? Шундай бўлса, у шаффофликни қанчалик таъминлай олади?

Элёр НУРБЕКОВ.
Қашқадарё вилояти.



Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Ҳукуматнинг жорий йил 14 апрелдаги тегишли қарорига кўра, эндиликда ҳокимлар томонидан ҳужжатлар қабул қилиш жараёни «E-qaror» электрон тизими орқали бутунлай электрон шаклда амалга оширилади. Мазкур тизим орқали ҳар бир қабул қилинаётган ҳужжатнинг қонунийлигини қатъий назоратга олиш имкони яратилади. Ҳужжат қабул қилиш билан боғлиқ барча жараёнлар электрон тизимда юритилади. Шунингдек, бунда шаффофлик кучайтирилади. Қабул қилинган ҳужжатлар доимий равишда эълон қилиб борилади ва шу орқали уларнинг қанчалик асосли эканини ҳар бир фуқаро кузатиб бориш имконига эга бўлади. Қолаверса, бу амалиёт айрим ҳолларда кузатилаётган эски сана билан қарор қабул қилиш, ҳужжат иловаларини алмаштириб қўйиш ва шу каби ноқонуний ишларнинг олдини олади. Ҳужжатлар автоматик равишда ҳокимлик расмий веб-сайти ва «LexUZ»да эълон қилинади. «E-qaror» электрон тизими дастлаб 2021 йил январь-май ойларида Қашқадарё вилоятида эксперимент тарихида синовдан ўтказилади. 2021 йил 1 июлдан эса республика-миздаги барча ҳокимликлар фаолиятига жорий этиш мўлжалланган.

